

БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗ

---

# ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХИЙ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР

---

САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ

САМАРҚАНД - 2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**САМАРҚАНДДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХИЙ-ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР”**

**МОДУЛИ БҮЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси йўналиши: Ўзбекистон тарихи**

**Самарқанд -2021**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил “7”-декабрдаги 648-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчилар:**

Самарқанд давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори Ф.Набиев, доцент О.Ирисқулов, доцент С.Мухиддинов

**Такризчилар:**

Самарқанд давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, профессор Б.Фоибов

Ўқув-услубий мажмуа Самарқанд давлат университети илмий-методик кенгаши (2020 йил “28”-декабрдаги 4-сонли баённомаси).

## **МУНДАРИЖА**

I.	МОДУЛНИНГ ИШЧИ ДАСТУРИ.....	5
II.	ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	12
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	22
IV.	АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	65
V.	ГЛОССАРИЙ.....	100
VI.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	107

## I. МОДУЛНИНГ ИШЧИ ДАСТУРИ

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўнікмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

### II. Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” модулининг мақсади,** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

#### **“Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” модулининг вазифалари:**

- “Ўзбекистон тарихи” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Ўзбекистон тарихи” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

**Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда**

## **компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” фани бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

### **Тингловчи:**

- фаннинг предмети, назарий-методологик асослари, манбалари, тарих ва тарихий хотиранинг миллий ўзликни англашдаги аҳамияти;

- “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони республика аҳолиси ва унинг фаровонлиги тўғрисидаги ишончли маълумот, узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадли дастурларини;

- барқарор ривожланиш Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини;

- Тарихий демография – демографик жараёнларнинг мамлакатлар ва халқлар тарихидаги динамикаси ва ҳолатини, демография фанини ривожланиши тарихини ўрганадиган фанлараро йўналишни;

- Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар: аҳоли ўсиши ва жойлашиши, аҳоли ёш таркибига таъсирини;

- Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятларини;

- Глобаллашув даврида Ўзбекистон жаҳон миграция жараёнларининг ажралмас қисми сифатида. Меҳнат миграцияси. Кўпмиллатли Ўзбекистон ва демографик жараёнлар, давлат миллий сиёсатининг ўрни, унинг асосий тамойиллари. Мустақиллик йиллари демографик жараёнлардаги ўзгаришларнинг аҳоли ёш таркибига таъсирини;

– Республиканни янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини *билиши* керак.

### **Тингловчи:**

– Ижтимоий фанларни ўқитиш бўйича янги технологияларни амалиётда қўллаш;

– “Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” фани бўйича маъруза, амалий машғулот ва назорат ишларини ташкил этиш;

– педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри қўллай олиш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

– “Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” фаннининг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш;

- Ижтимоий фанларни турли соҳаларга татбиқ қилиш ва дастурлар пакети ёрдамида ечишнинг замонавий усулларини қўллаш **малакаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- ижтимоий фанларнинг дастурлар пакетини ўқув жараёнига татбиқ этиш;
- ижтимоий фанларни дастурлар пакети ёрдамида ечишнинг замонавий масалаларини таҳлил қила олиш;
- Ўзбекистон тарихига оид масалаларни ечишда замонавий технологиялар ва усуллардан фойдалана олиш;
- ижтимоий фанлар соҳасида касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларга эга бўлиш;
- илғор ахборот-технологияларида ишлаш;
- видеодарсларни тайёрлаш;
- эгалланган тажрибани танқидий кўриб чиқиши қобилияти, зарур бўлганда ўз касбий фаолиятининг тури ва характеристикини ўзгартира олиш;
- ижтимоий фанларда тизимли таҳлил усулидан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиши;
- Мустакил Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари, инновацияларни таълим тизимида тадбиқ этилиши, янгича қараш ва ёндашувларга оид замонавий манбалардан фойдалана, тарихий-демографик жараёнларни таҳлил қила олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
	Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Мустакил таълим	
		Жами	Жумладан			
		Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот		
1.	““Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари. Фанинг манбашунослиги ва тарихшунослиги	2	2	2		
2.	“Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни	2	2	2		

	ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш мақсадли дастурлари.					
3.	Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, барқарор ривожланиш Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш омиллари.	2	2	2		
4.	Мехнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойdevор сифатида.	2	2	2		
5.	Тарихий демография – демографик жараёнларнинг мамлакатлар ва халқлар тарихидаги динамикаси ва холатини, демография фанини ривожланиши тарихини ўрганадиган фналлараро йўналиш.	2	2		2	
6.	Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар: аҳоли ўсиши ва жойлашиши, аҳоли ёш таркибига таъсири. Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятлари.	2	2		2	
7.	Глобаллашув даврида Ўзбекистон жаҳон миграция жараёнларининг ажралмас қисми сифатида. Мехнат миграцияси.	2	2		2	
8.	“Кўпмиллатли Ўзбекистон ва демографик жараёнлар, давлат миллий сиёсатининг ўрни, унинг асосий тамойиллари.	2	2		2	
9.	Мустақиллик йиллари демографик жараёнлардаги ўзгаришларнинг аҳоли ёш таркибига таъсири.	2	2		2	

	<b>Жами:</b>	18	18	8	10		
--	--------------	----	----	---	----	--	--

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу: “Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” фанининг предмети, мақсад ва вазифалари. Фаннинг манбашунослиги ва тарихшунослиги (2 соат)**

**Режа:**

1. Фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.
2. Фаннинг манбашунослиги ва тарихшунослиги

Дарсда “Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” фанининг назарий-концептуал асоси Ўзбекистон Республикасининг Президентининг асалари эканлиги кўплаб манбалар ва мисоллар асосида тушунтирилади. Назарий концептуал асоснинг натижалари тушунтирилади.

**2-мавзу: “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш мақсадли дастурлари. (2 соат)**

**Режа:**

1. Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.
2. Узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш мақсадли дастурлари

“Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони республика аҳолиси ва унинг фаровонлиги тўғрисидаги ишончли маълумот, узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш мақсадли дастурларини ўрганиш.

**3-мавзу: Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиши, барқарор ривожлантириш Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш омиллари.(2 соат)**

**Режа:**

1. иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиши ва барқарор ривожлантириш
2. Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш.

3. Меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор сифатида.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиши, барқарор ривожланиш Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириши, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор сифатида.

**4-мавзу: Меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор сифатида. (2 соат)**

**Режа:**

1. Меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларининг омиллари
2. Меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланишининг илмий услублари ҳамда йўллари.

Меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш обеъкти сифатида ўрганиш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР**

**1-мавзу: Тарихий демография – демографик жараёнларнинг мамлакатлар ва халқлар тарихидаги динамикаси ва ҳолатини, демография фанини ривожланиши тарихини ўрганадиган фанлараро йўналиш.. (2 соат)**

**Режа:**

1. Тарихий демография – демографик жараёнларнинг мамлакатлар ва халқлар тарихидаги динамикаси ва ҳолатини.
2. Демография фанини ривожланиши тарихини ўрганадиган фанлараро йўналишлар.

Тарихий демография – демографик жараёнларнинг мамлакатлар ва халқлар тарихидаги динамикаси ва ҳолатини, демография фанини ривожланиши тарихини ўрганадиган фанлараро йўналишлар тўғрисида илмий – амалий маълумотлар.

**2-мавзу Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар: аҳоли ўсиши ва жойлашиши, аҳоли ёш таркибига таъсири. Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятлари. (2 соат)**

**Режа:**

1. Мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар
2. Аҳоли ўсиши ва жойлашиши, аҳоли ёш таркибига таъсири.
3. Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятлари.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида демографик жараёнлардаги ўзгаришлар: аҳоли ўсиши ва жойлашиши, аҳоли ёш таркибига таъсири. Республикада урбанизациянинг ривожланиш хусусиятлари.

### **3-мавзу. Глобаллашув даврида Ўзбекистон жаҳон миграция жараёнларининг ажралмас қисми сифатида. Меҳнат миграцияси. 2 соат)**

Режа

1. Глобаллашув даврида Ўзбекистон жаҳон миграция жараёнларининг ажралмас қисми сифатида. 2. Меҳнат миграцияси.

Глобаллашув даврида Ўзбекистон жаҳон миграция жараёнларининг ажралмас қисми сифатида. Меҳнат миграцияси сиёсатининг ўзига хос хусусияти.

### **4-мавзу. Кўпмиллатли Ўзбекистон ва демографик жараёнлар, давлат миллий сиёсатининг ўрни, унинг асосий тамойиллари. (2 соат)**

Режа

1. Ўзбекистон ва демографик жараёнлар.  
2. Давлат миллий сиёсатининг ўрни, унинг асосий тамойиллари.

Кўпмиллатли Ўзбекистон ва демографик жараёнлар, давлат миллий сиёсатининг ўрни, унинг асосий тамойиллари. Миллатлараро тотувлик ва толерантлик.

### **5-мавзу. Мустақиллик йиллари демографик жараёнлардаги ўзгаришларнинг аҳоли ёш таркибига таъсири. (2 соат)**

Режа

1. Мустақиллик йиллари демографик жараёнлардаги ўзгаришларнинг аҳоли ёш таркиби таъсири.  
2. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимининг шаклланиши ва ривожланиб бориши.  
3. Ўзбекистон мустақиллиги ҳуқуқий асосларининг яратилиши.

Мустақиллик йиллари демографик жараёнлардаги ўзгаришларнинг аҳоли ёш таркиби таъсири. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимининг шаклланиши ва ривожланиб бориши. Ўзбекистон мустақиллиги ҳуқуқий асосларининг яратилиши.

## **II. ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

## “SWOT-тахлил” методидан фойдаланиш

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



**Намуна:** Анаънавий ва замонавий таълим шаклларини “SWOT-тахлил” методида таҳлил қилинг.

	Оддий маъruzada маъruzachi талabalар, тингловчиларга кўп маъlумот бера олади	Муаммоли маъruzada камрок маъlумот берилади, бироқ улар талabalар онгига сингдириб берилади
	Уқитувчи асосан ўзи ва аълочи, қизиқувчи талabalар билан гаплашади, яъни дарсда оз сонли талabalар қамраб олинади	Муаммоли маъruzadakўп сонли талabalар, тингловчилар қамраб олинади
	Оддий маъruzada фақат ўқитувчи режа асосида ва тайёрлаб келган маъlумотлари атрофида гаплашилади	Муаммоли маъruzada муҳокама жараёнида янги-янги масалалар, муаммолар юзага чиқиши, ғоялар туҳилиши мумкин.

	<p>Ўқитувчи учун асосий тўсиқ – дастурдан чиқиб кета олмаслик, талаба учун қизиқмаса ҳам ўқитувчини эшитиб ўтириш мажбурияти</p>	<p>Кенг муҳокама учун вақтнинг чегараланганлиги, талабаларни мавзудан четга буришга интилишлари</p>
--	--	---

## **Резюме, Веер методидан фойдаланиш**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида фойдаланиш мумкин.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласи;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва

### **Намуна:**

Фалсафадан малака талаблари					
Собиқ стандартлар		Амалдаги стандартлар		Такомиллаштирилган стандартлар	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

## “ФСМУ” методидан фойдаланиш

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, холосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний холоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда қасбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### Намуна.

**Фикр:** “Фалсафадан малака талабларини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш ва сертификатлаштириш таълим самарадорлигининг энг муҳим омилларидан биридир”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.


## Венн Диаграммаси методидан фойдаланиш


**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиши таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

**Намуна: Фалсафани турли йўналишларда ўқитишнинг фарқли жиҳатлари ўзига хосликлари**





Ўқув жараёнида муаммолар ва муаммоли вазиятларни ечишга йўналтирилган интерфаол методлар

“CWOT-универсал таҳлил”

“Дебат”,

*Муаммоли вазият яратиши*

“Резюме”,

“Т-чизмаси”,

“Венн диаграммаси”,

“Органайзер”,

Хар хил чизмалар, жадвалмар ёрдамида амалга ошириладиган интерфаол методлар:



### 1-топшириқ

<b>Савол</b>	<b>Жавоб</b>
<b>Zamonbobo</b>	Buxoro viloyati Qorako'l tumanidagi Zamonbobo ko'li bo'yalarida miloddan avvalgi II mingyillikda yashagan chorvador va dehqonlarning qadimiy madaniyati.
<b>matriarxat</b>	eng qadimgi tuzum rivojidagi bir bosqich bo'lib, qarindoshlik munosabatlari ona tomonga qarab belgilangan, urug'ga va oilaga ayol kishi sardorlik qilgan.
<b>patriarxal oila</b>	ota tomonidan yaqin qarindoshlarning bir necha avlodlaridan tashkil top gan oiladir.
<b>patriarxat</b>	eng qadimgi jamoa tuzuming bir davri bo'lib, unda erkak kishi jamiyat hayotida yetakchi mavqyega ega bo'lgan, qarindoshlik munosabatlari ham ota tomonga qarab belgilangan.

### 2-топшириқ

<b>Савол</b>	<b>Жавоб</b>
<b>so'nggi paleolit</b>	bu davr miloddan avvalgi 40-12 ming yilliklarni o'z ichiga oladi.
<b>urug'chilik</b>	o'zaro qon-qarindosh bo'lgan kishilardan iborat dastlabki odamlar uyushmasi.
<b>sivilizasiya</b>	(lotincha «sivilis»-fuqaroviyligi, ijtimoiy, ya'ni harbiylar va dindorlar hukmronligisiz) — jamiyatning o'z taraqqiyoti jarayonida yaratgan moddiy va ma'naviy boyliklarining hamda ularni yanada ko'paytirib takomillashtirib borish usullarining majmui.
<b>eng qadimgi urug'chilik tizimi</b>	insoniyat tarixining barcha mehnat qurollari umumiy bo'lgan, hamma odamlar hamkorlikda mehnat qilgan bir davridir.

### 3-топширик

Савол	Жавоб
<b>Baqtriya</b>	Afg'onistonning shimoli-sharqiy qismi, Janubiy Tojikiston va Surxondaryo viloyati.
<b>varzana</b>	"vis"lar birikuvidan vujudga kelgan yirik qo'shni jamoa
<b>Dovon</b>	Farg'ona vodiysining qadimgi nomlaridan biri
<b>Zulqarnayn</b>	Aleksandr Makedonskiyning laqabi. O'rta osiyoda u shu laqab bilan atalgan. Bu laqab – "ikki shoxli, "ikki tomonni tutuvchi" degan ma'nolarni anglatgan.

### 4-топширик

Савол	Жавоб
<b>Qiziltepa</b>	hozirgi Qashqadaryo va Surxondaryo viloyati hududida joylashgan qadimgi shahar.
<b>Abbosiyilar</b>	arab xalifalari sulolasini bo'lib (749-1258 yy.), bu sulolaga Muhammad Payg'ambarning amakivachchasi Abu'l Abbos as-Saffoh(749-754 yy.) asos solgan. Abbasiyilar sulolasini besh asr, ya'ni 749 yildan 1258 yilgacha hukm surgan. Abbasiylardan 38 kishi xalifa bo'lgan.
<b>amir al-mo'minin</b>	mo'minlarning hukmdori. Ilk islom davrida xalifalarning keng qo'llanilgan unvoni. Bu unvonni dastlab xalifa Umar olgan. Keyingi barcha xalifalar ham shu unvon bilan yuritilgan
<b>Ummaviylar</b>	arab xalifalari sulolasini (661-750 yy.). Asoschisi makkalik yirik savdogar va qurayshiyalar zodagoni Abu So'fyonning o'g'li Muoviyadir. Muoviyaya xalifa Ali hokimiyatini tan olishdan bosh tortib, Damashqda o'zini xalifa deb e'lon qilgan.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### МАЪРУЗАЛАР МАЗМУНИ (8 соат маъруза) ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ (МАЪРУЗА МАТНИ)

**1-мавзу:** ““Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари. Фанинг манбашунослиги ва тарихшунослиги

#### 1§. Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар фанинг предмети, мақсади, вазифалари ва тадқиқот методлари

Буюк географик кашфиётлар натижасида янги қитъаларнинг очилиши, кашф этилган материклар табиий бойликларини ўзлаштиришга ривожланган мамлакатларнинг интилиши, жаҳон урушлари аҳоли ҳаракатида муҳим ўзгаришларни келтириб чиқарди. Айниқса, ўтган XX асрда жаҳон урушлари оқибатида дунё аҳолисининг ҳудудий тақсимотида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Жумладан, туғилиш, ўлим, аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Шу боис, аҳоли унинг табиий ҳаракати билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этиш фалсафа, иқтисод, социология каби фанлар намоёндалари билан бир қаторда, биринчи навбатда, географ олимлар диққатини ҳам ўзига жалб этди.

Бугунги кунда мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида инсон омили, унинг интелектуал салоҳияти энг биринчи омил сифатида қаралмоқда.

Демографиянинг пайдо бўлиши бошқа фанлардан фарқли равишда аниқ санага эга. 1662 йилнинг январида инглиз савдогари, капитани Жон Траунта (1620-1674)нинг «Ўлим бюллетени асосидаги табиий ва сиёсий кузатишлар (шаҳарлардаги эътиқод, савдо, аҳолининг ўсиши, касалликлар ва бошқа ўзгаришларни бошқариш) муқаддимаси» номли китоби Лондонда чоп этилган. Бу китоб бир даврнинг ўзида статистика, социология ва демография каби фанларнинг ривожланишига ҳисса қўшди.

«Демография» - грекча «демос» - халқ, аҳоли ва «графо» - ёзаман сўзларидан олинган.


XX асрга келиб, демография фан сифатида иккита асосий йўналишда ривожланди. Улардан бири, демографиянинг тадқиқот майдонини аниқлаштириш бўлса, иккинчиси демографик жараёнларга таъсир кўрсатувчи омиллар доирасининг кенгайиши бўлди.

1960 йиллар ўрталарида кўпчилик мутахассислар демографиянинг предметини аҳолининг табиий ҳаракати масалалари билан шуғулланувчи фан сифатида чегаралаб қўйди.

Аҳолининг табиий ҳаракати – бу туғилиш, ўлим, никоҳга кириш ва никоҳдан ажralиш натижасида аҳоли сони ва таркибининг узлуксиз ўзгариб туришидир. Шунингдек, аҳолининг табиий ҳаракатига аҳолининг жинс ва ёш таркибидаги ўзгаришлар каби ўзаробоғлиқ барча демографик жараёнлар киради. Масалан, 90-йиллар бошида Евросиёда кўплаб мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши

оқибатида миграция жараёнлар сезиларли равища фаоллашди. Бу, ўз навбатида, минтақадаги барча ҳудудлар ахолисининг табиий ҳаракатида ўзгаришлар содир этди.

Ҳар қандай фан объект доирасидаги воқеликнинг қонун ва қонуниятларини очиб бериш, унинг тадқиқот мақсади ҳисобланади. Шунга кўра, демографиянинг предмети ахоли табиий такрор барпо бўлишининг қонун ва қонуниятларини ўрганишдан иборат. Ўз навбатида, демография қўйидаги фан тармоқларига бўлинади:



Демографик статистика – демографиянинг тарихий тармоғи бўлиб, ахоли такрор барпо бўлишининг тарихий қонуниятларини ўрганади. Статистик демографиянинг вазифалари ахолининг такрор барпо бўлишига оид материалларни тўплаш ва дастлабки қайта ишлаш, демографик жараёнларни статистик таҳлил этиш ва қузатиш методларини ишлаб чиқищдан иборат.

Математик демография – демографик жараёнларни моделлаштириш ва башоратлаш ҳамда улар ўртасидаги алоқадорликни ўрганишнинг математик усулларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш билан шуғулланади. Демографик моделларга туғилиш, ўлим, никоҳ жадвалларининг аниқлиги, стационар ва барқарор ахоли модели кабилар киради.

Тарихий демография – мамлакатлар ва халқлар тарихидаги демографик жараёнлар ҳолати ва динамикасини ўрганади.

Этник демография – ахоли такрор барпо бўлишининг этник хусусиятларини тадқиқ этади. Халқлар турмуш тарзининг этник хусусиятлари, урф-одатлари, анъаналари, оиласий муносабатлар таркиби кабилар ахолининг туғилиш даражаси, ўртача умр кўриши ва саломатлиги ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади.

Иқтисодий демография – ахоли такрор барпо бўлишининг иқтисодий омилларини тадқиқ этади. Иқтисодий омиллар деганда, жамият ҳаётининг барча иқтисодий шарт-шароитлари ҳамда уларнинг туғилиш, ўлим, никоҳланиш даражасига, ахолининг ўсиш даражасига таъсир итушунилади.

Социаль демография – демографик жараёнларга ахолининг субъектив ҳаракати, ижтимоий, ижтимоий-психологик таъсирини ўрганади.

«Аҳоли географияси ва демография асослари» номли курснинг предмети аҳолининг табиий ўсиши ва унинг тақсимланиши билан боғлиқ географик жараёнлардир.

Курснинг асосий мақсади қўйидагилар:

1. Аҳоли динамикасидаги ўзгаришларнинг назарий асослари ва бу ўзгаришларнинг иқтисодий ижтимоий турмуш тарзига таъсирини тадқиқ этиш;
2. Ўзбекистондаги демографик ўзгаришларни дунё мамлакатларидағи демографик жараёнлар билан қиёслаш;
3. Аҳолининг табиий ўсиши, миграцияси билан боғлиқ маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш асосида аҳолининг табиий ҳаракати ва миграцияни тартиблаш жараёнларини ўрганиш.

Курснинг асосий вазифалари қўйидагилар:

1. Аҳолининг табиий ўсиши ва миграциясига хос ҳудудий хусусиятларни ўрганиш;
2. Аҳолининг кўпайиши ва миграциясини ҳудудий қиёслаш ва ўзгаришлар билан боғлиқ омилларни ўрганиш;

Аҳолини ўрганишда тадқиқот усусларини танлаш ва улардан самарали фойдаланиш, таълим олувчи ишининг самарадорлигини оширади. Географик ва иқтисодий тадқиқотларда тадқиқот усуслари диалектик усусларнинг таркибий қисми ҳисобланиб, таълим-тарбия ўқитиш жараёнларидағи методик усуслардан бирмунча фарқ қиласди. Бироқ, мавжуд тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, кузатиш, экспедиция, анкета сўровлари асосида сухбат, эксперимент ва тажриба усусларидан географик ва иқтисодий тадқиқотларда ҳам фойдаланилади. Масалан, тадқиқот қилинаётган обьект ҳақидағи ахборот ва хизматларни ўрганиб чиқиш усулига ҳар қандай тадқиқотда зарурият туғилади ёки эксперимент ва тажриба усули бугунги кунда иқтисодий ва географик тадқиқотларда кенг қўлланилади. Чунки, иқтисодиётда бирор янгилик ёки моделни тўғридан-тўғри амалиётга тадбиқ этиш мумкин эмас, яъни, агар у тажрибада синалмаган бўлса, соҳада шундай қалтисликларни келтириб чиқарадики, натижада бу қалтисликлар иқтисодиётнинг бирор тармоғини ёки бутун иқтисодиётнинг издан чиқишига олиб келади.

Шунингдек, «Аҳоли географияси ва демография асослари» номли курснинг ҳам хусусий методологияси мавжуд бўлиб, бу ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, юксалишида муҳим вазифа бажарувчи инсон омилидан унумли фойдаланишга асосланади.

«Аҳоли географияси демография асослари билан» номли курснинг тадқиқот усуслари қўйидагилар:

- Географик таққослаш усули;
- Тарихий қиёслаш усули;
- Иқтисодий-математик усул;
- Статистик ва кўп ўлчамли статистик усул;
- Қиёсий ва иқтисодий қиёсий таҳлил усули;
- Меъёрий-баланс ҳисоби усули;

- Картографик тадқиқот усули;
- Социологик сўровлар ўтказиш усули;
- Омилларни таҳлил қилиш усули;
- Иқтисодий прогноз усули.

**Географик таққослаш усули** - ўрганилаётган соҳани таҳлил этишда ҳудудга асосан эътибор қаратилади. Бунда асосан ҳудуднинг табиий шарт-шароити муҳим ўрин тутади.

**Тарихий қиёслаш усули** - деярли барча фаннинг тадқиқот усули ҳисобланади. Чунки, ўрганилаётган бирор соҳанинг эртаси албатта, унинг тарихи билан боғлиқ.

**Иқтисодий-математик усул** - Тадқиқот натижаларини таҳлил этиш учун математик усулни қўллаш катта имконият яратади. Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодий математик усул икки ёки ундан ортиқ ҳолатлар ўртасидаги ишончли фарқларни қайд қилиши мумкин.

**Статистик ва кўп ўлчамли статистик усул** - Географик ва иқтисодий тадқиқотларда статистик ва кўп ўлчамли статистик усул ёрдамида турли-туман омиллар таъсирида шаклланувчи ҳолатларни ўрганиш имконини беради.

**Қиёсий ва иқтисодий қиёсий таҳлил усули** - Иқтисодий ва географик тадқиқотларда иқтисодий қиёсий таҳлил усулини четлаб ўтиб тадқиқотни амалга ошириш мумкин эмас. Чунки, ҳар қандай иқтисодий ва иқтисодий географик тадқиқотда ўрганилаётган ҳудуд бошқа ҳудуд билан ёки соҳанинг турли ҳудудлардаги ҳолати таҳлил этилади.

**Меъёрий-баланс ҳисоби усули** - Меъёр ва нисбат тушунчаси табиатнинг энг муҳим қонуниятларидан бир идир. Географик ва иқтисодий тадқиқотларда меъёр-баланс ҳисоби усули кенг фойдаланилади.

**Картографик тадқиқот усули** - Географик ва иқтисодий тадқиқотларда картографик тадқиқот усулидан фойдаланиш тадқиқот ишининг вазифасида кўзда тутилган хусусиятларининг уйғунлигини таъминлаш учун хизмат қиласди.

**Социологик сўровлар ўтказиш усули** - Социологик сўровлар усули айниқса, аҳолининг ижтимоий демографик ҳолатини ўрганишда кўп қўлланилади. Анкета сўровлари маълум мақсаддан келиб чиқиб, кенг қамровли тузилганлиги тадқиқотни самарали ўтказишда муҳим аҳамиятга эга.

**Омилларни таҳлил қилиш усули** - Географик тадқиқотларда муаммонинг келиб чиқиши ёки уни тартиблаш омилларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Улар тадқиқот мақсади ва доирасига кўра турлича бўлиши мумкин:

1. Табиий омиллар

2. Иқтисодий омиллар
3. Демографик омиллар
4. Этник омиллар
5. Ижтимоий-психологик омиллар ва бошқалар

Омилларни ўз навбатида иккига бўлиш мумкин: 1) субъектив омиллар, яъни инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган ёки инсон фаолияти натижасида юзага келган омиллар. Юқоридаги демографик, ижтимоий-психологик, этник омиллар шулар жумласидандир. 2) объектив омиллар, яъни инсон фаолияти билан боғлиқ бўлмаган омиллар. Масалан, қурғоқчилик, шўрланиш, тошқинлар, кўчкilar, об-ҳаводаги кескин ўзгаришлар кабилар табиий омиллар ҳисобланиб, ишлаб-чиқаришнинг бирор мавсумда издан чиқишига ёки бутунлай инқирозига олиб келиши мумкин.

**Иқтисодий прогноз усули** - Географик ва иқтисодий тадқиқотларда иқтисодий прогноз қўлланиши ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ёки табиат ресурсларидан самарали фойдаланиш йўналишларини белгилаб беради.

## **2 §. Демографик тадқиқотлар тарихи ва уларнинг ҳудудий хусусиятлари**

Маълумки, мамлакатимиз ўз мустақиллиги йўлидан барқарор ривожланишида давом этаётган бугунги кунда етиштирилаётган ва ишлаб чиқарилаётган моддий неъматлар биринчи навбатда инсон манфаати учун, яъни уни ҳимоя қилиш, муҳофаза этиш, ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасини юксалтиришга йўналтирилган. Жумладан, демографик жараёнлар ҳам мамлакатимиз аҳолисининг ҳаётига бевосита ўзининг таъсирини кўрсатади. Шунингдек, мамлакатимиздаги демографик жараёнлар тарихи ҳам узоқ даврлар давомида Марказий Осиёдаги қолаверса, бутун Евросиёдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ бўлди.

Умуман, демографик жараёнлар тадқиқоти билан XIX асрдан Октябрь тўнтаришига қадар рус олимлари В.С.Порошин (1840), Ю.Э.Янсон (1880), П.Океппен (1890), Б.П.Кодомцев, А.Котельников, Г.С. Полляқ, Г.Г.Швиттаулар, биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари оралиғида (1917-1945) Д.Бозин, А.Я.Боярский, В.К.Воблей, Н.Я.Воробьев, А.И.Гозулов, Е.О.Слуцкий, Дж.Уиппль каби олимлар шуғулланишган.

Демографик жараёнлар тарихи ҳам инсоният тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

XX аср бошларига қадар бўлган дунёning турли минтақаларидағи кичик урушлар даврида ҳам аҳоли қисман аралашган. Бу жараёнларни турли тадқиқот намоёндалари турлича, яъни тилшунослар тил оиласарининг шаклланиши, тарихчилар давлатларнинг пайдо бўлиши, маданият ривожланиш босқичларини тадқиқ этувчилар турли давр маданиятининг ривожланиш даври билан боғлаб ўрганадилар. Демографик жараёнлар тараққиёти бевосита ҳудудларнинг кашф этилиши, яъни Буюк географик кашфиётлар билан боғлиқ бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Албатта, ҳамма тарихий даврларда бир қитъага мансуб аҳолининг иккинчисига кўчишига маълум сабаблар ўз таъсирини кўрсатган. Масалан, XVIII аср охирига қадар Австралия маълум бўлмаган даврда европаликлар дастлаб Америкага, кейинчалик рудали конларга ёки қимматбаҳо металларга бой минтақаларга, Африкага боришига бойлик орттиришга интилишган. Тарихдаги «Бурлар уруши»ни, бирмунча илгари бориб маҳаллийлашган голландлар ва инглизлар ўртасидаги «Трансвалда» мажоросини эсланг. Умуман XVIII аср охирига қадар бутун дунё халқларининг янги ерларни ўзлаширишга интилиши юқори бўлди.

Шунингдек, XVII-XVIII асрларда руслар ҳам Шимоли-шарқий Осиё бўйлаб юришда давом этди. Бу даврда испанлар ва португаллар асосан, Марказий ва Жанубий Африкани эгаллашга ҳаракат қилишди. Албатта, бу даврдаги колонияларни ташкил этиш билан боғлиқ юришларга табиий ва иқлимий омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатган, яъни иқлими яшаш учун қулай бўлган серунум, ҳосилдор ерларга эга бўлишга интилишган. Аста-секин бу жараёнлар бевосита давлатчиликнинг аралашуви, баъзи дипломатик муносабатларнинг шаклланишига сабаб ҳам бўлган. Масалан, А.Гумбольдт (1799-1804) экваториал давлатлар бўйлаб саёҳатга чиқиш учун Испания ҳукуматидан махсус рухсат олган. Кейинчалик, Германияда эмигрантларни рўйхатга олиш анъанавий тус олган (1832 йилдан Берлинда, 1846 йилдан Гамбургда в.б.).

Демографик вазиятларни объектив баҳолаш учун 1970-1980 йиллардаги демографик революция жараёнига эътибор қаратиш лозим. Демографик революция назариясини дастлаб (1934 йил) А.Ландри илгари сурди ва кейинчалик бу борада тадқиқотларининг ривожланишига асос солди. Сўнгра унинг тараққиётiga узок хориж олимларидан Ф.В.Нотстейн (1953); З.Павлик (1964, 1979); В.С.Томпсон (1942), рус олимларидан А.Г.Вишневский 1973, 1976, 1982; А.Я.Кваша (1974); В.Ц.Урланис (1974); демографик тараққиётнинг замонавий концепциясининг шаклланишига ўзларининг илмий улушини қўшдилар. Бу концепцияга мувофиқ, аҳолининг қайта барпо бўлиши жамиятнинг социал-иқтисодий социон психологияк ривожланиши каби мураккаб омиллар мажмуаси билан боғлиқ бўлишини ва тизимли босқичлар асосида ривожланишини асосладилар.

Бугунги кунда бу олимларга яна иккита асосий геосиёсий ва социал экологик омиллар долзарблиги аҳамият касб этмоқда. БМТ экспертларининг қарашларига кўра, демографик ўтиш даврини 4 та фазага ажратиши мумкин. Аввало ўлим коэффициенти туғилиш коэффициентига нисбатан тез тушиб кетади. Натижада, табиий ўсиш коэффициенти токи максимал даражага етгунча ўсади. Кейин туғилиш коэффициенти ўлим коэффициентига нисбатан тезроқ пасаяди. Бу жараён ўлим коэффициенти минимал даражага етгунча давом этади. Кейин туғилиш коэффициенти секин темпда пасая боради. Бунда ўлим коэффициенти аксинча қўтарилади ва ниҳоят туғилиш қайта барпо бўлиш даражасигача пасаяди.

Бунда туғилиш коэффициенти охирги стационар даражага яқинлашиб қолади. Шунда ўлим коэффициенти бир неча мартага ошиши билан характерланади. Бу концепция АҚШ ва Европа давлатлари илфор демографик муносабатлари умумий қонуниятлари асосида пайдо бўлди. Айниқса, II-жаҳон урушидан кейинги

демографик жараёнлардаги ўзгаришлар мазкур концепцияни тасдиқлади. Унинг тасдиқланиши ривожланаётган давлатлардаги демографик жараёнларни бошқаришда қўл келди.

М.С.Бетный (1972) нинг таъкидлашича, бунда аҳолининг ўртача умр қўриши муҳим ўрин тутгани ҳолда, туғилиш шу даражада камаядики, натижада аҳолининг умумий ўлим коэффициенти аҳоли туғилиш коэффициентининг ўсишига сабаб бўлади. Умумий ҳолатда аҳоли сони камаяди. Агар кўрсатилган демографик вазиятда ўзгариш юзага келса, аҳолининг кўпайишига бошқа омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Шундай қилиб, А.Ландри (1934) томонидан киритилган «демографик инқилоб» тушунчаликни ҳозирги пайтда аҳоли қайта барпо бўлишининг самарали ҳаракати сифатида изоҳланади. Бу ёндашув А.Г.Вишневскийнинг 1976 ҳамда 1982 йиллардаги монографияларида кенг ёритилган бўлиб, унда аҳоли қайта барпо бўлиши 3 та асосий тарихий типга ажратилади: архетип, анъанавий ва замонавий типлар. Унга кўра, бир типдан иккинчисига ўтиш инқилобий босқич сифатида изоҳланади.

Аҳолининг қайта барпо бўлиши ҳақидаги прогнозлар ўтган асрнинг 80-йилларида қўп вариантли тус олди. Шулардан бевосита ҳозирги Марказий Осиё мамлакатлари ҳақидаги тадқиқотлар Д.Вересов ишларидан ўрин эгаллаган. Унинг прогнозлари тўртта вазиятни эътиборга олган ҳолда амалга оширилган:

биринчидан, ўша даврда Собиқ Иттифоқ таркибидаги мусулмон республикаларида туғилиш коэффициенти бошқа минтақалардан фарқ қилишга эътибор қаратилган. Бироқ, бу прогнозлар биологик характер касб этгани ҳолда республикаларро миграцияни ҳисобига олмаган. Унда барча иттифоқдаги бошқа республикларга хос туғилиш коэффицентларининг пасайиши мусулмон республикаларида кузатилмаганлигини аҳолининг қайта барпо бўлишининг оддий режими XX аср охирига қадар давом этиши прогноз қилинади. Бунда муаллиф (Д.Вересов) келгусида бу мамлакатларнинг бирмунча исломлашувини ва репродуктив тарғиботлар ўзини оқламаслигини эътироф этган. Натижада бу каби объектив демографик омиллар демографик босқичларининг бирдан иккинчисига ўтишига тўсқинлик қилишини эътироф этган. Бошқа тадқиқотчилар (Е.Андреев, С.Перечков 1975; П.Венсан, 1945) аҳолининг қайта барпо бўлишига иқтисодий омиллар ўз таъсирини кўрсатишини яъни аҳолининг бирламчи дехқончилик ишларидан саноат ишлаб чиқаришга ўтиши жамоат ишларига кўплаб аёлларнинг жалб этилиши туғилишнинг камайишига сабаб бўлишини эътироф этишган.

Иккинчидан, Д.Вересов аҳолининг қайта барпо бўлишида ташқи миграцияни эътиборга олмаганлигини тадқиқотларининг энг муҳим камчилиги сифатида эътироф этади. Шунингдек, Т.Иванов ва И.Калинюк (1979) ларнинг тадқиқот ишларida ҳам миграциянинг аҳоли қайта барпо бўлишига таъсири ифода этилмаган. Д.Вересов совет ҳукуматининг миграцияни бошқаришдаги сиёсатининг мантиқсизлигини ўз даврида қайд этди (1987). У иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш учун эмиграцион сиёсатни ташқи кучлар босимида идора этишни коралаган.

Учинчидан, Д.Вересов прогнози аҳолининг ўртача умр кўриши кисқартирилган вариантининг қўлланганлигини олдинги тадқиқотчилар

прогнозларидан фарқли жиҳати сифатида ажратиб кўрсатади. У бу кўрсаткичнинг даврий тебраниши прогноз кўрсаткичларига сезиларли таъсир этмаслигини таъкидлаган.

Тўртинчидан, олдинги тадқиқотларда ҳам, Д.Вересов прогнозларида ҳам аҳолининг қайта барпо бўлишига фожеали омиллар таъсири эътиборга олинмаган. Бироқ, катта масштабда Чернобиль фожеаси сингари фожеа юз бермаган бўлсада, Собиқ Иттифоқнинг емирилиши катта худудни ишғол этган. Империядаги сиёсий ўзгаришлар аҳоли қайта барпо бўлишида катта ўзгаришларни содир этди ва мамлакатлар олдига талай янги муаммоларини қўйди. Албатта, ўз даврида умумий кўринишга эга бўлган аҳолининг қайта барпо бўлишидаги бу каби тадқиқотлар ўз натижаларига кўра ҳам Марказий Осиёдаги демографик жараёнлар ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатади.

Марказий Осиёдаги демографик жараёнларнинг специфик жиҳатлари тўғрисида О.Б.Ота-Мирзаев таъкидлаганидек, «Социал демографик стереотип келажакка қадар, ҳеч бўлмаганда жорий юз йиллик охирига қадар сақланиб қолади» [1]. Марказий Осиё республикаларидаги туб аҳолининг асосий қисмида туғилишнинг юқорилиги сақланиб қолиши кўпчилик маҳаллий олимлар томонидан эътироф этилган. Шундан фарқли ҳолатда М.Аманеков Туркманистонда туғилишнинг пасайиши ҳолати фаоллашуви ҳақидаги маълумотлар келтиради [2]. А.Г.Вишневский Ўрта Осиё ва бошқа минтақаларда туғилишнинг юқорилиги сабабли аҳолининг қайта барпо этилишини прогнозлашга ва аниқ натижаларга эришишга ҳар қандай назарий таҳлил, бутун дунё тажрибасидан келиб чиқиб ёндашиши ёки алоҳида олиб борилган аниқ тадқиқот ҳам ёрдам беролмаслигини таъкидлайди. Туғилишнинг юқорилиги миллий хусусият эмас, дунёда ҳеч бир халқ йўқки, унинг тарихида туғилишнинг юқорилиги анъанаси кузатилмаса, қачонки тарихий тараққиёт бу анъанадан объектив асосда маҳрум этар экан, у бир муддат инерция кучи сингари сақланиб қолади. Бу инерциянинг қанча муддат давом этиши жой ва вақтнинг қўплаб хусусиятлари билан боғлиқ. Шунингдек, бу боғлиқлик ўтмишдаги инерциянинг ҳозирги талабларидан кучли эмаслиги билан изоҳланади[3].

### 3 §. Демография статистикаси

Аҳоли билан боғлиқ маълумотларни тўплаш, илк давлатчиликнинг шаклланиш даврларига бориб тақалади. Ҳатто узоқ ўтмишда, яъни Рим империяси даврида мамлакат ҳарбий қудратини ошириш мақсадида аҳоли, ёши, жинси ҳақида дастлабки маълумотлар тўпланганлиги тарихдан ҳаммага маълум.

**Аҳоли ҳақида маълумот тўплаш** - Демографиядаги асосий ахборот манбалари куйидагилар:

1. Ҳар 10 йилда бир марта ўтказилиб турадиган аҳоли рўйхати.
2. Демографик ходисаларнинг жорий статистик рўйхати (туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш)нинг ҳисоби ва узлуксизлиги.
3. Аҳоли жорий картотекасининг узлуксизлиги.
4. Алоҳида ва маҳсус кузатувлар.

1. Аҳоли рўйхати бу мамлакат ёки унинг бирор ҳудудида маълум вақтда яшовчи аҳоли билан боғлиқ маълумотлар тўплами бўлиб, унда демографик ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид маълумотлар таҳлили ва баҳоси акс эттирилади. Аҳоли рўйхатида қуидаги масалалар ўрганилади:
  - мамлакат ҳудудидаги аҳоли сони ва жойлашуви, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, аҳоли миграцияси;
  - аҳолининг миллий таркиби, она тили ва мулоқат тили, фуқаролиги;
  - аҳолининг маълумоти, қишлоқ хўжалиги ва саноат ёки хизмат кўрсатиш тизимларида бандлиги, даромадлари;
  - оиласарнинг комплекс ва ижтимоий тавсифига кўра тури ва сони;
  - туғилиш;
  - аҳолининг яшаш шароитлари ва б.к.
2. Аҳоли табиий ҳаракати ҳодисаларининг жорий ҳисоби – асосан туғилиш, ўлим, никоҳ, ажralиш ҳодисаларининг қайд этилишидир. Аҳоли табиий ҳаракатининг жорий ҳисоби икки нусхада қай ғилиб, улардан бири архивга, иккинчиси эса фуқаролик ҳолатларини умумлаштириш, маълумотлар тўплаш ва қайта ишлаш учун статистика муассасаларига топширилади. Бироқ, бу маълумотлар жамланган ҳолда ҳам демографик жараёнлар интенсивлигини ифодаламайди. Демографик ҳодисалар ҳажми аҳоли сони билан боғлиқ. Масалан, аҳоли зич ҳудудларда иш ўринларининг камлиги ва ортиқча ишчи кучларининг тўпланиб қолиши ёки аксинча, аҳоли сийрак ҳудудларда иш ўринлариинг қўплиги ва меҳнат ресурсларининг этишмаслиги ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин.
3. Аҳолининг жорий картотекасини турли маъмурий давлат органлари юритади. Бу картотекалар аниқ мақсадларни амалга ошириш мақсадида тузилади ва одатда аҳолининг барча қисмини қамраб олмайди, яъни маълум қисмини (микрорайон аҳолиси, баъзи социал гурухларни) ҳисобга олади.
4. Алоҳида ва маҳсус кузатувлар. Аҳолининг алоҳида гурухлари ҳақида маълумот олиш ва уни барча аҳоли гурухлари учун жорий этишда аҳоли рўйхатига нисбатан кам куч талаб этади ва қўпроқ муаммоларни ўрганиш имконини беради.

**Асосий демографик кўрсаткичлар** - Аҳолига оид кўрсаткичларни иккига ажратиш мумкин, улар нисбий ва мутлоқ кўрсаткичлардир.

Мутлоқ кўрсаткичлар маълум вақтдаги демографик ҳодисалар йигиндисидир ( бу вақт оралиғи қўпинча бир йилни ташкил этади). Масалан, унга маълум вақтдаги аҳоли, туғилганлар, ўлганлар сонини киритиш мумкин. Шунингдек, мутлоқ кўрсаткичлар орқали аҳоли ҳақида кўп маълумотга эга бўлиш қийин. Кўпроқ маълумотга ва таҳлилларга эга бўлиш учун илгариги маълумотлардан фойдаланилади. Бу, ўз навбатида, таҳлилий маълумотларга эришиш ва нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш имконини беради.

Қиёсий таҳлиллар учун факатгина нисбий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Мазкур кўрсаткичларнинг нисбий деб аталишининг сабаби шундаки, улар доимо қайсиdir аҳоли сонига нисбатан таққослаш натижасида ҳосил бўлади.

**Аҳоли сони кўрсаткичлари** - Аҳоли сони - аниқ вақтдаги аҳоли кўрсаткичи бўлиб, бу кўрсаткичлар орқали аҳолининг мутлоқ ўсиши, ўсиш тезлиги ва

аҳолининг ўртача сонини аниқлаш мумкин бўлади.

Аҳоли сони  $S$ , яъни маълум йилдаги аҳоли сонини аниқлаш учун

1)  $\bar{S} = \frac{S_0 + S_1}{2}$  - йил бошидаги ва охиридаги аҳолининг мутлоқ сони кўрсаткичларидан фойдаланилади.

2)  $\bar{S} = \frac{\frac{1}{2} S_0 + S_1 + \dots + S_{n-1} + \frac{1}{2} S_n}{(n-1)}$  тенг оралиқ муддатларда

(йил чораклари кўрсаткичлари асосида) ўртача хронологик формуладан фойдаланилади.

3)  $\bar{S} = \frac{\sum si \cdot ti}{\sum ti}$  тенг бўлмаган оралиқ муддатларда қўлланиладиган формула.

**Аҳолининг табиий ҳаракати** - Аҳолининг табиий ҳаракати - туғилиш ва ўлим жараёнлари билан боғлиқ аҳоли сонининг ўзгаришидир.

Табиий ўсиш:  $A_{tab} = D - O^`$  (4)

Унда,  $D$  – Туғилганлар (дунёга келганлар) сони,  $O^`$  – ўлганлар сони.

Аҳолининг табиий ҳаракати баъзан аҳолининг умумий коэффициенти ҳам деб аталишининг сабаби туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари ҳисобланганда аҳолининг умумий сонига мос келади. Бироқ, аҳолининг табиий ҳаракати деб аташнинг маъқуллиги шундаки, туғилиш ва ўлим доимо турли табиий омиллар таъсирида бўлади ва маълум қонуниятларга мувофиқ юз берди.

Туғилишнинг умумий коэффициенти:

$$Udk = \frac{D}{\bar{S}} \times 1000 \quad (5)$$

Бугунги кунда туғилиш кўрсаткичлари мамлакат келгуси турмуш тарзини белгиловчи энг муҳим омилдир. Чунки, келгусидаги мамлакатнинг исьемол кўрсаткичлари ҳам айнан шу омил билан боғлиқ.

Ўлимнинг умумий коэффициенти:

$$Uo^`k = \frac{O^`}{\bar{S}} \times 1000 \quad (6)$$

Табиий ўсишнинг умумий коэффициенти:

$$Utab = \frac{d - o^`}{\bar{S}} \times 1000 = Dk - O^`k \quad (7)$$

**Механик ҳаракат кўрсаткичи, миграция** - Миграция – аҳолининг

мамлакат ҳудудидаги ёки давлатлараро механик ҳаракатидир.

1-жадвал

Миграцион оқимлар

	2004			2005		
	Келувчилар сони	Кетувчилар сони	Миграцион ўсиш (+), камайиш (-)	Келувчилар сони	Кетувчилар сони	Миграцион ўсиш (+), камайиш (-)
Миграция	147398	243490	-96092	144778	246386	-101608
Ички ҳудудий	140669	148009	-7340	137599	141395	-3796
Халқаро миграция	6729	95481	-78752	7179	104991	-97812
МДҲ ва Балтика давлатлари иштирокида	6597	92690	-86093	6989	102990	-96001
МДҲ ва Балтика давлатларидан ташқари	132	2791	-2659	190	2001	-1811

$$\Delta_{\text{мех}} = \Delta_{\text{kel}} - \Delta_{\text{ket}} \quad (8)$$

$\Delta_{\text{kel}}$  – кўчиб келувчилар,  $\Delta_{\text{ket}}$  – кўчиб кетувчилар.

Аҳоли сонининг умумий ўсиши:

$$\Delta_{\text{ум}} = \Delta_{\text{tab}} - \Delta_{\text{мех}} \quad (9)$$

Унда  $\Delta_{\text{tab}}$  – табиий ўсиш;  $\Delta_{\text{мех}}$  – миграцион (механик) ўсиш.

Механик ўсиш коэффициенти:

$$K_{\text{mex}} = \frac{\Delta_{\text{mex}}}{\bar{S}} \times 1000 \quad (10)$$

Бунда  $\bar{S}$  – аҳоли сонининг йиллик ўртacha кўрсаткичи.

Умумий ўсиш коэффициенти:

$$K_{\text{ym}} = K_{\text{tab}} - K_{\text{mex}} \quad (11)$$

Умумий коэффициентнинг афзаликлари қуидагилардан иборат:

1. Аҳоли сонидаги фарқларни (ноаниқликларни) бартараф этади (у доимо минг кишига нисбатан ҳисобланади) ва ҳудуддаги аҳоли сонини турли демографик жараёнлар даражаси билан қиёслаш имконини беради.
2. Мураккаб демографик ходиса ва ҳолатларни битта ракам ёрдамида ифодалайди ва воқеликни умумлаштирувчи хусусиятга эга.
3. Расмий статистик нашрларда умумий коэффициентларни ҳисоблаш учун илгариги маълумотлардан ҳам фойдаланилади.

4. Оммавий ахборот воситаларининг фойдаланиши ва омманинг тушуниши учун қулай.

**Ўзбекистон аҳолиси табиий ҳаракатининг умумий коэффициентларини ҳисоблаш** - 2003 йил маълумотларга кўра, Ўзбекистон аҳолиси йил бошида  $S_0=25523,0$  минг киши ва йил охирида  $S_1=25802,5$  минг кишини, туғилганлар сони  $D=546,2$  минг киши, ўлганлар сони  $O^-=139,0$  минг кишини ташкил этган. Шу маълумотларга кўра, аввало, аҳолининг йиллик ўртacha сонини, сўнгра баъзи коэффициентларни ҳисоблаб топамиз:

$$\bar{S} = \frac{25523,0 + 25802,5}{2} = 25662,75 \text{ минг киши}$$

Туғилишнинг умумий коэффициенти:

$$Udk = \frac{D}{\bar{S}} \times 1000 = \frac{546,2}{25662,75} \times 1000 = 21,2\% \quad (12)$$

Ўлимнинг умумий коэффициенти:

$$Uo^-k = \frac{O^-}{\bar{S}} \times 1000 = \frac{139,0}{25662,75} \times 1000 = 5,4\% \quad (13)$$

Табиий ўсишнинг умумий коэффициенти:

$$Utab\Delta k = \frac{D - O^-}{\bar{S}} \times 1000 = \frac{407,2}{25662,75} \times 1000 = 15,8\% \quad (14)$$

2003 йилдаги умумий ўсиш:

$$\Delta um = S^{t+1} - S^t = 25802,5 - 25523,0 = 279,5 \text{ минг кишини}, \quad (4)$$

Табиий ўсиш:

$$\Delta tab = D - O^- = 546,2 - 139,0 = 407,2 \text{ минг кишини}, \quad (5)$$

Миграцион ўсиш:

$$\Delta mex = \Delta um - \Delta tab = 279,5 - 407,2 = -127,7 \text{ минг кишини} \quad (6)$$

ташкил этган. Шунга мувоғик равишда аҳолининг умумий ўсиш ва миграцион ўсиш коэффициентлари қўйидагича бўлган.

$$\Delta umk = \frac{279,5}{25662,75} \times 1000 = 10,8\% \quad (7)$$

$$\Delta mexk = \frac{-127,7}{25662,75} \times 1000 = -4,9\% \quad (8)$$

Натижа: 2003 йилда Ўзбекистон аҳолисининг табиий ўсиши 407,2 минг кишини, миграцион (механик) ўсиши -127,7 минг кишини, умумий ўсиш 279,5 минг кишини ва туғилишнинг умумий коэффициенти 21,2 % ни, ўлимнинг умумий коэффициенти 5,4 % ни, табиий ўсишнинг умумий коэффициенти 15,8 % ни ва

шунга мувофиқ равища умумий ўсиш коэффициенти -10,8 ‰ ни, миграцион (механик) ўсиш коэффициенти -4,9 ‰ ни ташкил этган.

**Хусусий демографик кўрсаткичлар** - Туғилишнинг маҳсус коэффициенти (аёлларнинг туғувчанлик коэффициенти) 15 ёшдан - 50 ёшгача бўлган аёлларнинг ўртача ва йиллик туғилган болалар сонига нисбатан аниқланади:

$$F = \frac{D}{\bar{A}_{15-49}} \times 1000 \quad (20)$$

Бунда  $F$ -туғилишнинг маҳсус коэффициенти,  $D$ -тирик туғилган болалар сони,  $\bar{A}_{15-49}$  - 15 ёшдан 50 ёшгача бўлган аёллар сони.

Масалан, туғиши ёшидаги аёллар сони 2003 йилда 7740 минг киши бўлса ва юқорида қайд этилганидек, 546,2 минг кишини ташкил этса, унда:

$$F = \frac{D}{\bar{A}_{15-49}} \times 1000 = \frac{546,2}{7740} \times 1000 = 75,5\%$$

Шунингдек, маҳсус ва умумий коэффициент ўртасидаги ўзаро алоқадорлик мавжуд бўлиб, у қуйидаги формулага кўра аниқланади:

$$Dk = F \times A$$

Аҳолининг миграцион ҳаракати билан боғлиқ жараёнларни иқтисодий нуқтаи назардан таҳлил этишга дастлаб инглиз олими Е.Рейвенстейн эътибор қаратган. Унинг ҳисобларига кўра, маълум ҳудуддаги кўчиб келувчилар сони кўчган ва жойлашган ҳудудлар оралиғидаги масофага тескари пропорционал ва кўчиб кетган ҳудуддаги жами аҳоли сонига тўғри пропорционал [4].

Шу даврда австриялик олим Лилль шаҳар аҳолиси ҳаракатини кузатиш мобайнида ўзининг «Саёҳат қонуни»ни яратишга ҳаракат қилган. У тадқиқотларида темир йўл йўловчилари ҳақидаги статистика натижаларига таянади. Шунга кўра, у Рейвенстейндан фарқли равища нафақат миграция муаммоларини балки, транспорт муаммоларини ҳам тадқиқ этган [5].

Машхур америкалик олим Цифр кўчиш ва жойлашиш ҳудудлари оралиғидаги миграцияни натижали баҳолаш мақсадида қуйидаги формула ни таклиф этган:

$$M_{n,z} = \frac{B_n \cdot B_z}{E_{n,z}}$$

Унда,  $M_{n,z}$  - кўчиш  $n$  ҳудуддан жойлашиш  $z$  ҳудудига миграцион оқимнинг интенсивлиги,

$B_n$  - кўчиш ҳудуди аҳолиси сони,

$B_z$  - жойлашиш ҳудуди аҳолиси сони,

$E_{n,z}$  -  $n$  ва  $z$  ҳудудлар оралиғидаги масофа.

Мазкур формулага кўра, миграция оқими фаоллиги қўчиш ва жойлашиш ҳудудлари оралиғида ортган сайин, улар орасидаги масофа қисқариб боради.

Бу борадаги аниқроқ формула куйидагича бўлиши мумкин:

$$M_{n,z} = K \frac{B_n \cdot B_z^a}{E_{n,z}^b}$$

Унда,  $K$  – доимий бирлик. Унга кўра, бир томондан  $M$ ,  $B_n$ ,  $B_z$  ва иккинчи томондан  $E$  бирликлари орасида кўрсаткичли функция шаклидаги алоқа мавжуд[6].

Кўп корреляцияли юқори коэффициентларни аниқлаш учун барча омиллар ҳисобга олинади. Миграцион жараёнларни имитацион моделлаштириш ва миграциянинг экстраполяцион моделига И.С.Матлин ўзининг «Аҳоли жойлашувины моделлаштириш» асарида эътибор қаратган[7].

Масалан, 2003 йилда Ўзбекистонда аҳоли сони 25523 минг кишини, Россия аҳолиси 147000 минг кишини ва Қозогистон аҳолиси 15400 минг кишини; шунга мувофиқ равишда Ўзбекистоннинг миграция сальдоси -4916 кишини, Россиянинг Ўзбекистон билан миграция сальдоси 46653 кишини ва Қозогистоннинг Ўзбекистон билан эса 36712 кишини ташкил этган бўлсин.

Унда, 2003 йилда Ўзбекистоннинг миграция даражаси

$$Mo` = \frac{-4916}{25523000} \times 1000 = -0,19\% \quad \text{бўлса, Россия ва Қозогистоннинг}$$

Ўзбекистон билан миграция алоқалари даражаси:

$$Mo` = \frac{46653}{147000000} \times 1000 = 0,32\% \quad \text{ва}$$

$$Mo` = \frac{36712}{15400000} \times 1000 = 2,38\% \quad \text{бўлган.}$$

Миграция ҳажмига нисбатан унинг сальдоси аҳоли миграцион ҳаракатининг интенсивлигини белгилайди. Бу ҳолатни иммиграция ва эмиграция коэффициентларида кузатамиз.

$$K_{O^R} = \frac{50223}{25523000} \times 1000 = 2,0\%$$

$$K_{O^Q} = \frac{38529}{25523000} \times 1000 = 1,5\%$$

$$K_{R,O} = \frac{3570}{147000000} \times 1000 = 0,02\%$$

$$K_{Q,O} = \frac{1817}{15400000} \times 1000 = 0,12\%$$

**Демографик прогнозлаш** - Демографик прогноз ҳар қандай ижтимоий прогнозлаш ва режалаштириш асосида ётади. Прогноз қилинаётган даврдаги демографик жараёнларнинг барчаси аҳолининг умумий сони билан боғлиқ бўлади. Прогнозлашда аҳоли сонининг ўзгаришига таъсир этувчи омилнинг барқарор ёки бекарорлиги муҳим ўрин тутади. Аҳоли сонининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар барқарор бўлган шароитда қуидаги формуладан фойдаланилади:

$$S_t = S_0 \times \Sigma^{kt} \quad (21)$$

Бунда  $S_t$  - прогноз қилинадиган давр охиридаги аҳолининг умумий сони;  $S_0$  - прогноз қилинадиган давр бошидаги аҳолининг умумий сони;  $k$  - прогноз қилинаётган даврда аҳоли ўсишидаги тахмин қилинаётган коэффициент;  $t$  - прогноз қилинаётган давр оралиғидаги йиллар.

2015 йилда Ўзбекистон аҳолиси сони қанча бўлишини ҳисоблаб топамиз. 2003 йил бошида аҳоли сони 25523,0 минг кишини ташкил қилди. Прогноз қилинаётган давр аҳоли ўсишидаги тахмин қилинаётган коэффициент сифатида одатда аҳолининг умумий коэффициенти олиниши лозим. Бироқ, 2003 йилдаги миграция коэффициенти юқорилиги ва маълумки, бу доимий кўрсаткич эканлигини эътиборга олган ҳолда аҳолининг табиий ўсиш коэффициентидан фойдаланамиз. 2003 йилдаги аҳолининг табиий ўсиш коэффициенти эса 15,8% га тенг бўлди. 1998-2003 йиллар давомидаги миграцион ўсишнинг ўртача коэффициенти -3,0% га тенг, яъни

$k = \frac{\Delta}{\Delta t} = \frac{12.8\%}{12}$  –деб қабул қиласиз ва (22) формуладан фойдаланамиз.

$$S_t = \frac{S_0}{1000} \times \Sigma^{kt} + S_0 \quad (22)$$

Унда, натижа қуидагича бўлади:

$$S_{2015} = \frac{25523,0}{1000} \times \Sigma^{12,8 \times 12} + 25523,0 = 29443,3 \text{ минг киши.}$$

Ўтган асрнинг 80 йилларида рус олими Д.Вересов 2020 йилда Ўзбекистон аҳолиси 40362 минг кишига етишини прогноз қилган. У даврда аҳолининг йиллик ўртача ўсиши 23,8% га тенг бўлган. Бироқ, умумий ўсиш коэффициентига турли омиллар (маълум давр оралиғида туғилишнинг камлиги, миграцион ўсиш) таъсир этиб туради. Шу боис, прогноз кўрсаткичлари нисбий ва қўп вариантли бўлади.

**2-мавзу: “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадли дастурлари.**

### **Ўзбекистонда аҳолининг демографик ривожланиши**

Бугунги кунда Ўзбекистонда ўзига хос демографик вазият вужудга келди ва у аҳоли ўсиш суръатининг пасайиши, туғилишнинг камайиши, аҳолининг ёш таркибида кекса ёшдагилар улушининг ортиши, ёшлар салмоғининг камайиши, шу билан бир вақтда ўрта ёшдаги аҳоли сонининг кўпайишида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов БМТ Саммити Мингийиллик ривожланиш мақсадларига бағишлиланган ялпи мажлисидаги нутқида куйидагиларни таъкидлади: “...қарийб 20 йил мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгacha ошди”<sup>1</sup>.

2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда аҳоли сони 28453,7 минг кишини ташкил қилган. Аҳолининг умумий сонига кўра Ўзбекистон жаҳоннинг 230 мамлакати орасида 43, Осиёда эса 18-ўринда туради. Марказий Осиё республикалари жами аҳолисининг 45,0% Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қиласди.

Мустақиллик йилларида (1991-2010 йиллар) Ўзбекистон аҳолисининг сони 7,4 млн. кишига, яъни йилига ўртача 389,1 минг кишидан кўпайди. Ўтган қарийб 20 йил мобайнида республикада аҳоли сони – 1,35, шаҳар аҳолиси – 1,73, қишлоқ аҳолиси эса 1,1 мартаға кўпайди. Шу билан бирга республика ва унинг шаҳар ҳамда қишлоқ жойлари миқёсида аҳоли сонининг кўпайиш суръати турлича бўлди (12.1-жадвал).

12.1-жадвал маълумотларининг таҳлили 2006-2010 йиллар давомида жами аҳоли сонининг 2142,2 минг кишига ёки 8,1 % га кўпайганлигини кўрсатади. Бироқ республиканинг шаҳар ва қишлоқ жойларида аҳоли сонининг ўсиш суръатларини бир меъёрда кечмаган. Жумладан, 2010 йилда 2006 йилга нисбатан шаҳар аҳолиси сони 53,9 % га кўпайган бўлса, қишлоқ аҳолиси эса 17,8 % га камайган. Шу билан бирга, бу даврда жами аҳоли таркибида шаҳар аҳолисининг улушки 36,0 % да н 51,4 % га ортган, қишлоқ аҳолисиники эса 64,0 % дан 48,6 % гача камайган. Яъни мамлакатда аҳолининг урбанизация жараёни кучаймоқда. Қишлоқ аҳолиси сонининг камайганлиги эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2009 йил 13 мартағи 68-сонли қарорига кўра республикадаги 966 та қишлоқ пунктига шаҳарча мақоми берилганлиги билан изоҳланади.

#### **12.1-жадвал**


#### **Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўзгариш динамикаси (минг киши хисобида)<sup>2</sup>**

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов БМТ Саммити Мингийиллик ривожланиш мақсадларига бағишлиланган ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари // <http://www.stat.uz>.

Кўрсаткичлар	Йиллар					2010 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариши	
	2006	2007	2008	2009	2010	+,-	%
Жами аҳоли сони	26312, 5	27072, 2	27533, 3	28001, 4	28453, 7	2141,2	108,1
Шундан:							
Шаҳар аҳолиси	9495,1	9584,6	9758,3	14327, 8	14618, 4	5123,3	153,9
Кишлоқ аҳолиси	16817, 4	17487, 6	17775, 0	13673, 6	13835, 3	- 2982,1	82,2

Республикада аҳоли сонидаги ўзгаришлар унинг бевосита ёш таркиби билан боғлиқ. Ўзбекистон аҳолисининг ҳозирги ёш таркиби XX асрнинг 90-йилларида бошланган туғилиш даражасининг қисқаришига қарамай ёш ҳисобланади. Яъни, аҳоли таркибида 30 ёшгача бўлган ёшлар улуши 62,1% ни, 16 ёшгача бўлган болалар улуши – 33,3% ни, 16-29 ёшдагилар улуши – 28,8% ни ташкил этади <sup>3</sup>. Шу билан бирга, статистик маълумотлар таҳлили сўнгги йилларда 0-15 ёшдаги аҳоли мутлақ сонининг камаяётганлигини қўрсатмоқда (12.3-расм.)



12.3-расм. Ўзбекистонда аҳоли ёш таркибининг ўзгариши

2006-2010 йиллар давомида республикада аҳоли таркибида меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли сони 235,4 минг кишига ёки 2,6 % га камайган. Бундай тенденцияни бу гуруҳнинг аҳоли таркибидаги улушида ҳам кузатишимииз

<sup>3</sup> Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009. – С.154-155.

мумкин. Масалан, 2006 йилда меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли улуши 35,0 % ни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 31,5 % га тенг бўлган. Мазкур ҳолат мустақиллик йиллари республикада туғилиш кўрсаткичининг камайганлиги билан изоҳланади. Жумладан, 1991 йили республикада туғилишнинг умумий коэффициенти 34,5 %дан<sup>4</sup> 2010 йили 23,2 % гача<sup>5</sup> камайган.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида йиллар давомида шаклланган қадриятлар, урф-одатларда ўзига хос ўзгаришлар рўй берадётганлиги, халқнинг муносиб турмуш шароитини яратишга интилиш, омма ўртасида ҳомила дорликдан сақловчи тиббий воситаларнинг кенг тарқалиши, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлигининг ортиши, ҳар бир оила ўз иқтисодий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда фарзандлар туғилишини назорат этиши каби омиллар туғилиш кўрсаткичининг пасайишига олиб келди.

2006-2010 йилларда меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони – 13,6 % га, меҳнатга қобилиятли ёшдан юқори бўлган аҳоли сони эса 16,0 % га ортган. Таҳлил натижалари меҳнатга қобилиятли ёшдан катта бўлган аҳоли сонининг меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сонига нисбатан юқори суръатда ўсганлигини кўрсатади. Бу ҳолат иккинчи жаҳон урушидан кейинги “демографик тўлдириш” даврида туғилган аҳолининг бугунги кунда кексалар гуруҳи қаторига қўшилиши билан изоҳланади.

Аҳолининг кексайиши жараёни Ўзбекистон учун ҳам хос бўлмоқда. Республикада кече ўзгаришларнинг замонавий тенденцияларининг таҳлили аҳолининг ёш таркибида болалар салмоғининг камайиб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги ва қариялар салмоғининг ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида истиқболда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўналишларида ҳам ўзига хос ўзгаришларнинг амалга оширилишини, аҳоли кексайишининг худудий ва гендер жиҳатлари эътиборга олинган кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш лойиҳалари ва дастурларини ишлаб чиқиши талаб этади. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши демографик ривожланиши истиқболини белгилашга боғлиқ. Шуни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг 2025 йилгача бўлган даврдаги узоқ муддатли демографик прогнози “ёшни силжитиш” усулидан фойдаланиб, амалга оширилди.

Истиқболда демографик жараёнлар ва бу жараёнларнинг бориши билан боғлиқ юзага келадиган тенденциялар, биринчи навбатда, репродуктив ёшдаги аёллар сонининг истиқбол кўрсаткичларига боғлиқ (12.2-жадвал).

## 12.2-жадвал

### Ўзбекистонда репродуктив ёшдаги аёллар сонининг истиқбол кўрсаткичлари (минг киши ҳисобида)

Йиллар	Репродуктив ёшдаги аёлларнинг ёш гуруҳлари бўйича сони							
	15-19	20-24	25-29	30-34	35-39	40-44	45-49	15-49
2011	157,3	156,0	137,2	110,9	98,0	86,2	82,8	828,4
2012	153,4	157,6	143,5	114,6	99,6	88,8	82,6	840,1

<sup>4</sup> Демографический ежегодник Узбекистана 2003.– Ташкент, 2004.– С.127

<sup>5</sup> Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2010.– Ташкент, 2011.– С.46

2013	148,5	158,3	148,7	119,1	101,4	91,0	82,7	849,7
2014	143,3	158,7	151,9	123,9	104,2	93,2	82,9	858,1
2015	137,6	158,7	153,6	129,7	107,2	95,3	83,4	865,5
2016	131,5	156,8	155,3	136,4	110,1	97,1	85,2	872,4
2017	127,0	153,0	156,9	142,6	113,8	98,7	87,7	879,7
2018	124,3	148,1	157,6	147,8	118,2	100,5	90,0	886,5
2019	123,1	142,9	158,0	151,0	123,0	103,3	92,1	893,4
2020	129,2	137,2	158,0	152,7	128,8	106,3	94,2	906,4
2021	137,0	131,1	156,1	154,4	135,4	109,1	96,0	919,1
2022	145,6	126,7	152,3	156,1	141,6	112,8	97,6	932,7
2023	154,8	123,9	147,4	156,7	146,8	117,2	99,3	946,1
2024	164,3	122,8	142,3	157,0	150,0	121,9	102,1	960,4
2025	167,6	128,8	136,6	157,1	151,6	127,7	105,1	974,5
2025 йилда 2011 йилга нисбатан, %	106,5	82,5	99,5	141,6	154,7	148,1	126,9	117,6

12.2-жадвалдан кўриниб турибдики, 2011 йилдан бошлаб республикада 15-19 ёш гуруҳидаги аёлларнинг сони кескин камая бошлайди. Сўнгра бу тенденция 2016 йилдан ахолининг 20-24 ёш гуруҳига, 2021 йилдан эса 25-29 ёш гуруҳига ўтади. Бу тенденция республикада 1996 йилдан бошланган туғилиш даражаси кескин камайган даврда туғилган ахолининг 15-19 ёш гуруҳига кириши билан изоҳланади. Туғилиш даражаси юқори бўлган 1980-1995 йилларда туғилган ахоли когортасининг 30-34, 35-39, 40-44, 45-49 ёш гуруҳларига ўтиши ҳисобига бу ёш гуруҳларидағи аёлларнинг сонининг 41,6 %га, 35-39 ёшдагиларнинг – 54,7, 40-44 ёшдагиларнинг – 48,1, 45-49 ёшдагиларнинг эса 26,7 %га ўсиши кутилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, 1987-1991 йилларда туғилиш даражаси юқори бўлган даврда туғилган ахолининг 2002 йилда 15-19 ёш гуруҳига ўтиши натижасида республикада туғилиш даражасининг бирмунча ортганлиги ҳисобига шу йилларда туғилган ахолининг 2020 йилда 15-19 ёш гуруҳига, 2025 йилда эса 20-24 ёш гуруҳига ўтиши бу ёш гуруҳидаги аёллар сонининг ортишига олиб келади.

Ахолининг кексайиши туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари динамикасида рўй берадиган такрорланмас ўзгаришлар оқибатидир (12.3-жадвал).

### 12.3-жадвал

**Ўзбекистонда туғилиш ва ўлим коэффициентларининг истиқбол  
кўрсаткичлари (% ҳисобида)**

Йиллар	Демографик кўрсаткичлар ( 1000 киши ҳисобида)					
	Жами аҳоли		Шаҳар аҳолиси		Қишлоқ аҳолиси	
	туғилиш	ўлим	туғилиш	ўлим	туғилиш	ўлим
2011	21,0	5,5	17,6	6,7	23,2	4,8
2015	21,9	5,7	18,8	7,0	24,8	4,9

2020	20,5	6,4	17,9	7,4	23,2	5,2
2025	19,2	7,2	17,3	8,5	21,9	6,0
2025 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)	-1,8	1,7	-0,3	1,8	-1,3	1,2

Прогноз қилинаётган даврда жами аҳолида, шу жумладан шаҳар ва қишлоқ аҳолисида ҳам туғилишнинг умумий коэффициентининг 2011-2025 йиллар давомида нисбатан камайиши ва бу тенденция барқарор бўлмаслиги кутилади. Хусусан, 2011-2015 йиллар давомида жами аҳолида туғилишнинг умумий коэффициенти 0,9 пунктга кўпайиши ва 2015-2025 йилларда 2,7 пунктга камайиши кутилади. Республика ва унинг ҳудудларида 2015 йилгача бўлган даврда туғилиш кўрсаткичининг ортиши туғиш ёшидаги аёллар мутлақ сонининг нисбатан барқарор ўсиши ҳамда узоқ давр мобайнида туғилиш кўрсаткичининг нисбатан юқори бўлганлиги ҳисобига таъминланади. 2015 йилдан кейинги даврда туғилиш коэффициентининг бирмунча камайиши эса 1991-2000 йиллардаги туғилишнинг паст даврида туғилган аҳолининг асосий репродуктив ёшга (20-24, 25-29 ёш) кириши билан боғлиқdir.

Ҳисоб-китобларга қараганда, прогноз қилинаётган давр охиригача Ўзбекистонда ўлимнинг умумий коэффициентининг мунтазам ортиб бориши кутилади. Агар 2011-2025 йилларда республикада ўлимнинг умумий коэффициенти 1,7 пунктга кўпайса, шаҳар аҳолисида бу кўрсаткич – 1,8, қишлоқ аҳолисида эса 1,2 пунктга ортади. Бундай ҳолат мамлакат аҳолиси ёш таркибида нисбатнинг кекса ёш гурухига томон силжиши билан изоҳланади. Маълумки, қарияларда ўлим кўрсаткичи юқори ва бу ўз навбатида аҳоли ўртасида ўлим кўрсаткичининг кўпайишига олиб келади.

Асосий демографик жараёнларга хос бўлган юқорида кўрилган тенденциялар аҳоли ёш таркибида таъсир этади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда республика аҳолиси ёш таркибининг 2025 йилгача бўлган истиқболи аниқланди (12.4-жадвал).

#### 12.4-жадвал

#### Ўзбекистонда аҳоли ёш таркибининг истиқбол кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Бирлик	Йиллар			2025 йилда 2015 йилга нисбатан ўзгариши	
		2015	2020	2025	+, -	%
Жами аҳоли сони	минг киши	30189, 6	32346, 5	34390, 7	401,1	113,9
	фоиз	100,0	100,0	100,0	-	-
Мехнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли сони (0-15 ёш)	минг киши	9841,8	9995,0	9835,7	-6,1	99,9
	фоиз	32,6	30,9	28,6	-4,0	-

Меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони (16-54 ёшдаги аёллар, 16-59 ёшдаги эркаклар)	минг киши	17842,0	19440,2	21012,7	3170,7	117,7
	фоиз	59,1	60,1	61,1	2,0	-
Меҳнатга қобилиятли ёшдан юқори бўлган аҳоли сони (55 ва ундан юқори ёшдаги аёллар, 60 ва ундан юқори ёшдаги эркаклар)	минг киши	2505,8	2911,3	3542,3	1036,5	141,3
	фоиз	8,3	9,0	10,3	2,0	-

Прогноз қилинаётган даврда республикада жами аҳоли сони 13,9 фоизга кўпаяди ва 2025 йилга бориб 34390,7 минг кишини ташкил қилиши кутилади. Бу давр мобайнида аҳоли таркибида меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли сонининг 0,1 фоизга камайиши, аксинча меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сонининг 17,7, меҳнатга қобилиятли ёшдан каата бўлган аҳоли сонининг 41,3 фоизга кўпайиши кузатилади.

Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича аҳолининг ёш таркибидаги ўзгаришлар таҳлили асосида шундай хулоса қилиш мумкин, болалар сони мунтазам камайиб, аксинча меҳнатга лаёқатли ёшдаги ва ундан катта бўлган аҳоли сони ортиб боради. Бу ўз навбатида республиканинг барча худудларида аҳолининг “куйидан” қариш жараёнининг ривожланаётганлигидан далолат беради.

Маълумотларга кўра, 1991-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг қариш индекси 6,1 пунктга кўпайган. Албатта, кўрилаётган даврнинг турли оралиқларида худудлар миқёсида аҳолининг қариш индексининг кўпайиш суръати турлича бўлган. Жумладан, 1991-1995 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида аҳолининг қариш индекси – 0,8, Тошкентда – 0,1, Навоий ва Хоразм вилоятларида – 0,6, Тошкент шаҳрида – 2,2 пунктга ўсган бўлса, бу кўрсаткич Андижонда – 0,3, Самарқандда – 0,8, Жиззах, Наманганд, Сурхондарё, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида – 0,2 пунктга камайган. Демак, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Тошкент, Навоий, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида аҳолининг кексайиш жараёни 1991 йилдан бошланган ва бу бу тенденция 2000-2010 йилларда республиканинг барча худудларига улар аҳолисининг ёш таркибида болалар мутлақ сонининг қисқариши ҳисобига қариш индекси кўрсаткичи ортиши билан ёйилди.

Ҳисоблаб чиқилган аҳолининг қариш индексига асосланган ҳолда худудлар аҳолисининг кексайиш даражасини жаҳонда қабул қилинган демографик мезонга кўра уч гурухга ажратилди:

- биринчи гурухга – аҳолиси нисбатан суст кексаяётган худудлар (20,0 % дан кам): Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари;
- иккинчи гурухга – аҳолиси ўртacha даражада кексаяётган вилоятлар (20,0-30,0%): Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманганд, Фарғона ва Хоразм вилоятлари;

• учинчи гурухга – аҳолисининг кексайиши юқори даражада бўлган ҳудудлар (30,0 % дан баланд): Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти киритилди.

Юқорида қилинган таҳлилларга асосланган ҳолда шуни айтиш керакки, аҳолиси нисбатан суст кексаяётган вилоятларда ҳам аҳолининг қариш индекси кўтарилиб бормокда. Бу эса, ўз навбатида яқин келажакда республикамизнинг барча ҳудудларида ҳам аҳолининг кексайиш даражаси ривожланишини кўрсатади.

Ўз навбатида, аҳолининг кексайиши мамлакатлар миллий иқтисодиётининг ривожланишига ўз таъсирини ўтказади ҳамда бу жараён қуидаги қатор ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келади.

Биринчидан, кексалар улушининг ортиши аҳолининг иқтисодий фаоллигини пасайтиради. Одамнинг ёши қанча катта бўлса, маҳсулдорлиги шунчалик паст бўлади.

Иккинчидан, аҳолининг кексайиши иқтисодиётда ёшлар улуши камайишини англатади. Бу эса иш билан банд аҳолини касб-малака ва тармоқ таркибининг ўзгариши жараёни ва бинобарин иқтисодиётнинг самарадорлиги ошишини секинлаштиради.

Учинчидан, пенсия жамғармаси зиммасига пенсиялар тўлаш харажатларининг бениҳоя оғир юки тушади. Зоро, пенсионерлар улушининг кўпайиши билан бир йўла пенсия жамғармаларига маблағ тўлаб борадиган меҳнатга қобилиятли аҳоли салмоғи қисқаради.

Тўртинчидан, кексаларга тиббий хизмат кўрсатиш учун қўшимча маблағ сарфлаш, геронтологик муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бутун соғлиқни сақлаш тизимини сифатли тарзда қайта куришни талаб қилади.

Бешинчидан, ҳали ишлашни истайдиган “ёш қариялар”ни иш билан таъминлаш лозим. Бу осон вазифа эмас, чунки пенсия ёшига етмаганларга ҳам иш ўринлари етишмайди.

Олтинчидан, аҳолининг кексайиши моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг таркиби таъсир кўрсатади, яъни аҳоли бу гурухининг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ равишда товар ва хизматлар ассортиментини ўзгартиришга тўғри келади. Баъзи технологик операцияларни ҳам ўзгартириш, машина ва ускуналарни ходимларнинг ёш хусусиятларига мослаштириш керак. Транспорт воситалари ҳам кексаларнинг талабларига монанд бўлиши лозим.

Аҳолининг кексайиши шароитида қарияларнинг турмуш фаровонлигини ошириш учун қуидаги чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатини яхшилаш;
- нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан қарияларни манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш даражасини янада кучайтириш;
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузурида гериатрик марказ ва республиканинг барча туман ва шаҳарларида шу марказнинг бўлимларини очиш ҳамда улар томонидан аҳолининг шу категориясига кўрсатиладиган тиббий хизмат турларини кўпайтириш;
- бакалавриат ва магистратура йўналишлари классификаторига “Геронтология”, “Гериатрия” ихтисосликлари, тиббиёт коллежларига

“Патронаж ҳамшираси”, “Ижтимоий ходим” ихтисосликларини киритиш бўйича давлат таълим стандартларига ўзгартиришлар киритиш ва шу ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;

- барча маҳаллаларда қариялар учун мўлжалланган кундузги мулоқотда бўлиш ва ҳордиқ чиқариш жамоатчилик марказларини кўпайтириш;

- ёлғиз кексаларга ўз уйида ижтимоий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш.

**З-мавзу: Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, барқарор ривожланиш Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш омиллари. (2 соат)**

### **1. Режа:**

1. иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва барқарор ривожлантириш
2. Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш.
3. Меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор сифатида.

### **1.Аҳоли иш билан бандлигининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти.**

**Аҳолини иш билан бандлиги** инсон ижтимоий ривожланишининг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, у меҳнат масалалари билан боғлиқ муаммоларни ҳамда меҳнатга бўлган талаб ва таклифларни қондириш йўлларини очиб беради.

**Иш билан бандлар** – а)пул билан тўланадиган ёки натурал холидаги ҳақ эвазига ёлланиб, шунингдек, ўз фаолияти эвазига қанча муддат ҳақ ёки даромад олишидан қатъий назар, фойда ёки оиласвий даромад олиш учун ёлланмасдан ҳафтасига камида 2 соат мобайнида иш бажарган; б)касаллиги ёки жароҳатланганлиги туфайли, беморларга қараб туриш учун; йиллик меҳнат таътили ёки дам олиш қунларида; ўз иш жойидан ташқарида таълим олганлиги учун; маъмурият ташаббуси билан таъминоти сақлаб қолинган ёки сақлаб қолинмаган ҳолда меҳнат таътилида бўлган ва бошқа шунга ўхшаш сабаблар билан вақtingча ишда бўлмаган; в)оиласвий корхонада ҳақ олмасдан иш бажарган шахслар ҳисобланади.

### **2.Иш билан бандликнинг турлари.**

Ижтимоий меҳнатда қатнашиш усули бўйича аҳолининг иш билан бандлиги иш билан ёлланиш бўйича бандлик ва ўз-ўзини ёллаш туфайли мустақил равища иш билан банд этиш билан характерланади. Иш билан ёлланиш бўйича бандлик ишлаб чиқариш воситалари эгалари билан ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмаган ва бўлгуси меҳнатини (ўз ишчи кучини) иш ҳақи шаклидаги муайян

қийматга алмашиниш тарзida сотадиган ходимлар ўртасида юзага келадиган муносабатлардир.

Ёлланиб ишлайдиганлар – иш билан бандларнинг энг қўп сонли гуруҳи бўлиб, мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидаги корхона раҳбари ёки алоҳида шахс билан пул ёки натура ҳолида ҳақ оладиган меҳнат фаолияти шартлари ҳақида ёзма меҳнат шартномаси, контракт ёки оғзаки битим тузган шахсларни ўз ичига олади.

Ўз-ўзини ёллаш туфайли мустақил иш билан бандлик (self-employment) аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда нисбатан янги шаклдир. Бу шундай ижтимоий, ҳуқуқий муносабатларки, уларга кишилар ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашиш туфайли киришадилар.

Иқтисодиёт ва инсоннинг эҳтиёжларига тўғри келиши даражасига қараб иш билан бандлик **оқилона, самарали маҳсулдор ва энг мақбул** кўринишда бўлиши мумкин.

Иш билан оқилона бандлик агрегацияланган ижтимоий-иктисодий тушунчадир.

Иш билан самарали бандлик ижтимоий бошқарувнинг жамият ривожининг мазкур босқичида турмуш тарзининг мезонлари тақозо этадиган ходимларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий шарт-шароитларини тиклаб боришга қодирлигини назарда тутади.

Иш билан маҳсулдор бандлик шундай иш билан бандликки, у ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадларига жавоб беради.

Иш билан энг мақбул бандлик инсоннинг доимий иш билан банд бўлишга давлат томонидан кафолат бўлмаган тақдирда жамиятда муайян мавқе эгаллашини таъминлайдиган шахсий таркибда ҳақ тўлаш шарт-шароитлари асосида моддий ва маънавий неъматлар яратиш мақсадида меҳнат жараёнида қатнашишидир.

### **3.Аҳолининг иш билан бандлигини тартибга солиш.**

Давлатнинг тўлов талабини кўпайтиришга йўналтирилган хилма-хил усуллар воситасида иқтисодиётга аралашуви орқали иқтисодий фаолликни рағбатлантириш ва бунинг натижасида иш билан бандликни кенгайтиришга эришиш мумкин.

Ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим мезони иш билан бандликка бўлган муносабатдир. Иш билан бандлик комплекс ижтимоий сиёсатнинг ажралмас қисми деб қаралади. Иш билан бандлик муаммоларининг ижтимоийлиги унинг аввал, бошдан инсон, унинг манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги эҳтиёжларига қаратилганлиги билан белгиланади.

Аҳолини иш билан таъминлашга таъсир кўрсатиш усулларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бевосита (маъмурий) усуллар: қонун йўли билан тартибга солиш; меҳнат қонунчилиги, жамоа шартномалари.
- билвосита (иктисодий) усуллар: молиявий, монетар, фискал (хазина) сиёсати.

### **4.Ўзбекистон Республикасида аҳолини иш билан бандлик сиёсати.**

Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати қўйидаги тамойилларга асосланади:

- меҳнат қилиш ва ишни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишда барча фуқароларга жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, мансаб мавқеи, динга муносабати, эътиқоди ва жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик жиҳатлари ҳамда улар меҳнатининг натижаларига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлардан катъий назар тенг имкониятларни таъминлаш;
- кишиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташабbusларини қўллаб-куvvатлаш ва рағбатлантириш, уларда меҳнат қилиш ва ҳаёт кечиришда муносиб шароитларни таъминлайдиган унумли ва ижодий меҳнат қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;
- меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги;
- иш билан таъминланиш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ва аҳолини ишсизлиқдан ҳимоя қилишни таъминлаш;
- ижтимоий ҳимояга ўта муҳтоҷ ва иш топишда қийналаётган фуқаролар учун мавжуд иш жойларини сақлаб қолаёттан ва янги иш жойларини яратадиган иш берувчиларни рағбатлантириш;
- иш билан таъминлаш соҳасидаги тадбирларни ижтимоий ва иқтисодий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириш;
- аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда давлат органлари, касаба уюшма-лари, ходимларнинг вакиллик органлари ва иш берувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги;
- аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда давлатларо ҳамкорлик<sup>6</sup>.

## 5. Аҳолини иш билан бандлигини ошириш йўналишлари.

Иш билан бандлик сиёсати умумдавлат (макродараҷа), минтақавий ва маҳаллий даражаларга эга. Иш билан бандлик сиёсатининг барча даражалари ягона иш билан бандлик концепцияси билан бирлашган, бу концепция иқтисодий ривожланишнинг қабул қилинган типини акс эттиради.

Макродараҷадаги иш билан бандлик сиёсати ижтимоий бозор иқтисодиётидаги иш билан бандликнинг асосий хусусиятларини шакллантириш: фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш ва юқори турмуш даражасига эришишнинг зарур шарти бўлган иш билан тўлиқ бандликни таъминлашга қаратилган. Маълумки, бозор иқтисодиёти бошқарув усулларида иқтисодиёт са марадорлигини ошириш, хўжалик юритиш соҳаси иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган иш ўринларини сиқиб чиқариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва аҳолининг истеъмол талабини қондириш учун ишчи кучини қайта гурухларга бўлишга қаратилган. Бундай шароитда иш билан тўлиқ бандликка кўмаклашиш стратегик мақсад бўлиб қолади.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни 5 -моддаси, Тошкент, 2002.

Энг яқин тактик мақсад иш ўринларига бўлган талаб ва таклифнинг балансланишидир. Бунга факат ишчи қучига бўлган талаб ва таклиф балансли бўлишига эришиш шартларига комплекс ёндашув билан эришиш мумкин. Бу муаммони ҳал қилишда, кўпинча оммавий ишсизликнинг олдини олишнинг зарур шарти бўлган иш ўринлари тизимини ривожлантиришга эътибор берилади.

Аҳолининг қайта барпо бўлишида ўғил болаларнинг кўпроқ туғилиши муҳим ўрин тутади. Чунки аёлларга нисбатан эркаклар ўлими деярли дунёning барча минтақаларида сақланиб келмоқда. Аҳоли қайта барпо бўлишининг барқарорлашуви мунтазам янгича кўриниш касб этувчи ишлаб чиқаришни, илм-фанни етарли даражада кадрлар билан ечиш учун хизмат қиласди. Шу ўринда турмуш қурувчиларнинг ёши ҳам муҳим ўрин тутади. Жуфтликларнинг мувофиқлигини немис олими Зельгейм қуидаги нисбатда белгилайди:

Агар аёл ёши	бўлганда эркак ёши
21 ёш	27 ёш
25 ёш	32 ёш
28 ёш	35 ёш
31 ёш	39 ёш
35 ёш	45 ёш
38 ёш	50 ёш

1979 йилда демограф олим А.Г.Вишневский шундай деган: «Аҳолининг қайта барпо бўлиши – гўё ўзгармас доимий жараён сифатида илм-фан диққатини узоқ вакт ўзига тортмади. Вакт ўтиб, унда шундай ўзгаришлар содир бўлди, натижада катта ҳажмдаги муаммолар пайдо бўла бошлади ва бу муаммоларнинг ечимини топишга бутун дунё фани тайёр эмаслиги маълум бўлиб қолди». 1974 йилга келиб йирик демограф олим Б.Ц.Урланис «Проблемы динамики населения СССР» номли асарида аҳолининг келгусидаги ўсиш темпи вариантларини келтириш баробарида ишлаб чиқариш ва истеъмол масштабини белгилаш бевосита аҳолисининг келгусида қанча бўлиши билан боғлиқ эканлигини асослашга ҳаракат қиласди.

Профессор Б.Ц.Урланис - режалаштирилган иқтисодиётда аҳоли сонининг ўсишини прогнозлаш ўзига хос роль ўйнаганини эътироф этгани ҳолда демографик жараёнларнинг ҳаракатини кузатиш асносида келгусида ишлаб чиқаришдаги қилиниши лозим бўлган биринчи даражадаги ишларни белгилаб беришини таъкидлайди.

Аҳолининг қайта барпо бўлиши тўғрисида гап кетганда, профессор Б.Ц.Урланис ҳисоби бўйича кўпайиш самарали натижаларни беради. Унга кўра, 200 ота-она учун болалар сони 265 та бўлиши аҳолининг қайта барпо бўлишининг самарали кечишини таъминлайди. Шундагина балағот ёшидаги эркак ва аёллар ўртасидаги мутоносибликни таъминлайди, яъни 1,00. бирликни ҳосил қиласди. Аҳолининг қайта барпо бўлиши турли даврларда турлича бўлган. Масалан, 1926-1927 йилларда 1,68; 1958-1959 йилларда 1,26; 1968-1969 йилларда 1,11. Агар, у 1,00 бирликдан юқори бўлса, аҳолининг қайта барпо бўлишида мусбат ўзгариш юзага келади. Бу ўз ўрнида, аҳолининг яшаш шарт-шароити (шахар, қишлоқ) билан ҳам

боғлиқ. Кейинги 30 йил давомида, ҳозирги Марказий Осиёда аҳолининг қайта барпо бўлиши ўртача 2,5 коэффицентни ташкил этди.

1,00 - депопуляциянинг бошланиш даражаси бўлиб, иккинчи жаҳон урушига қадар дастлаб Францияда кузатилди. 1930 йилларда туғилиш кўрсаткичлари ўлим кўрсаткичларидан пасайиб кетди. Аҳолининг қайта барпо бўлиши 0,87 га тушиб қолди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда туғилишнинг рағбатлантирилиши аҳолининг такрор барпо бўлиши коэффициентида 1,31, яъни 1,5 марта ўсишига олиб келди. Франция аҳолиси 1945 йилда 40 млн. бўлган бўлса 1965 йилга келиб (20 йилда), 50 млн. кишига етди.

## **2 §. Аҳолининг табиий харакатининг умумий, тарихий ва регионал жиҳатлари**

1960 йилларда меҳнат ресурсларининг халқаро аралашуви ишлаб чиқаришни юксалтиришдаги омиллардан бир и сифатида майдонга чиқди ва у иқтисодий ўсиш кўрсатикларига таъсир этиши ҳамда унинг сабаби сифатида давлатларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш даражасидаги тафовутлар эканлиги илмий асосланди.

Неоклассик ёндошув тарафдорлари фикрига кўра, «ҳар бир киши ўз меҳнати орқали яратган маҳсулотни олади ва истеъмол қиласди», улар фикрича, эмиграция қабул қилувчи давлатларнинг иқтисодий ривожланишида ижобий ўзгаришларни содир этади. Эмиграция қилинадиган давлат эса ўз ҳолича қолади ёки ҳар қандай ҳолатда унинг иқтисодиётида салбий ўзгариш бўлмайди. Бироқ, неокейнсчилар меҳнат ресурслари, айниқса, юқори ихтисослашган, яъни сифатли ишчи ёки хизматчилар эмиграцияси юз берган давлатлар иқтисодиётида салбий ўзгаришлар бўлишни тан олдилар.

Эрамизнинг бошларидан дунё аҳолиси XIX асрга қадар 710 млн. кишига, XX асрга қадар 4590 млн. кишига ва 1990 йилларга қадар 23 марта ошган. XX аср бошларига қадар болалар ўлими юқори эди. У даврда яхши таъминланган ва маданиятли оиласларда ҳам болаларнинг яшаб кетишига кафолат йўқ эди. Оқибати ўлим билан тугайдиган болалар касалликларини даволаш яхши йўлга кўйилмаганлиги сабабли шундай ҳолат юзага келган. 1950-1990 йиллар давомида дунё аҳолиси 2,1 марта, жумладан, Хорижий Европада 1,3, Шимолий Америкада 1,6, Австралия ва Океанияда 2,0, Хорижий Осиёда 2,2, Лотин Америкасида 2,7, Африкада 2,9 марта ошди.

XX аср бошидан II жаҳон урушига қадар ҳозирги ҳамдўстлик давлатларидағи демографик жараёнлар таҳлилиниң диққат марказида авваломбор Россия, кейин Собиқ иттифоқнинг Европа қисми турарди. Бу давр миграцияси ҳам янги ерларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлди. 1926 йилдан 1939 йилга қадар Россия аҳолиси йилига 1318,3 минг кишига, Озарбайжон аҳолиси 895,9 минг кишига, Украина 159,7, Ўзбекистон аҳолиси 143,0 минг кишига ўсиб борди. 1959 йилда Қозоғистонда жами аҳолининг 42,7%и, Қирғизистонда 30,2%и, Украинада 16,9%и, Ўзбекистонда 13,5%и ёки собиқ Иттифоқдаги барча русларнинг шунга мувофиқ равишда 3,5; 0,5; 6,2; 1,0 фоизи яшаган.

Халқ хўжалигини ривожлантиришга асосланган аввалги тизимда меҳнат ресурсларининг ички миграциясига ҳам режалаштирилган иқтисодиётнинг таъсири юқори бўлди. Айниқса, 70-йилларда қишлоқларни шаҳарларга

тengлаштиришга қаратилган сиёсат оқибатида миграциядаги эркин ҳаракат издан чиқди. Аслида шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги тавофут доимо мавжуд бўлган ва бундан кейин ҳам шундайлигича қолади. Масалан, ўша даврда ташкил қилинган шаҳар типидаги аҳоли пунктлари (сохта шаҳарлар) бугунгача шаҳарга айланиб улгурмади. Чунки шаҳарлардаги саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиб бориши учун малакали ва сифатли меҳнат ресурсларига эҳтиёж сақланиб қолади. Бу тўғрисида 70-йилларда В.И.Перевенденцев, Ж.А.Зайончковская, ТИ.Заславскаялар ўз тадқиқотларида изоҳ бериб ўтишган. В.И.Переведенцев: «Қишлоқ аҳолиси – шаҳар ёшларига нисбатан таққосланганда, шаҳар ишчиларининг ўрнини тўлдириш учун бироз билимсизроқ, аммо ҳозирда ишлаётган ишчиларга нисбатан анча уқувли» - эканлигини таъкидлаган. 90-йиллардан бошлаб Дунё мамлакатларида аҳолининг ҳам ички, ҳам ташқи миграциясининг фаоллашуви Европа, собиқ Итифок ва бошқа минтақаларда аҳолининг ҳудудий тақсимланишига сабаб бўлди. Масалан, Югославиянинг беш давлатга парчаланиб кетиши ва ҳарбий урушлар оқибатида 2,5 млн.дан ортиқ кишининг қочоқлар қаторига қўшилишига сабаб бўлди. Шу йиллар давомида 125 млн. дан ортиқ киши ўз юртидан ташқарида яшаганлиги қайд этилган. Европада саноатнинг энг оғир тармоқларида иммигрантлар ишлашади. Масалан, Францияда қурилишида банд бўлганларнинг 1/4 қисми ва автомобилсозликда банд бўлганларнинг 1/3 қисми, Швейцарияда қурилишда банд бўлганларнинг 2/5 қисмини иммигрантлар ташкил этади.

Албатта, бутун саноат ёки иқтисодиётни ташқаридан ишчи кучи ёллаш орқали сифатли меҳнат ресурслари билан таъминлаш ёки иқтисодиётни барқарорлаштириш мумкин эмас. Бунда асосий эътибор мамлакатнинг ичидаги малакали мутахассислардан самарали фойдаланишига қаратилади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдаги демографик жараёнлар бевосита янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва меҳнат ресурсларининг жойлашуви билан боғлиқ бўлди.

XX асрнинг иккинчи ярмида бир неча юз минглаб зиёлиларнинг халқаро меҳнат миграциясига келиб қўшилиши «ақлли идрокли одамлар» («Утечка мозгов» ёки «Brain drain») нинг бошқа юртларга ўтиб кетиши одатий ҳол бўлиб қолди. Масалан, 80-йилларнинг бошида Буюк Британия Араб мамлакатларининг 600 та олими, 45 мингдан ортиқ университет маълумотига эга бўлган киши ишлаган. Баъзи маълумотларга кўра, бу даврда АҚШдаги миллий академия аъзоларининг 1/4 қисми, Нобель мукофоти совриндорларининг 1/3 қисмини хорижий мутахассислар ташкил этган.

Бугунги қунга келиб, реэмиграция масаласида қўпгина Ғарб мамлакатлари фаол тадбирларни ишлаб чиқмоқда. Масалан, Франция, Нидерландия каби давлатлар реэмиграцияга йўналтирувчи дастурларни ишлаб чиқкан. Бироқ, ривожланаётган давлатларнинг кўпчилигига меҳнат ресурсларини экспорт ёки импорт қилишга эҳтиёж мавжуд. Масалан, илмий башоратларга кўра, 2025 йилга бориб, Россия аҳолиси 147 млн. дан 134 млн. кишига камайиши оқибатида Россияда 11 млн., Қозогистонда млн. киши (меҳнат ресурслари) га эҳтиёж ортади. Меҳнат ресурслари экспорти ва импортидан самарали фойдаланиш ва унинг сифатига эътибор қаратиш чет эл валютаси ёки тажрибаси кириб келишининг асосий манбаларидан биридир.

Бу даврда барча миграцияларнинг 85%дан ортиғроғи Россия Федерацияси, Украина ва Қозоғистон ҳиссасига түғри келган. Қўчиб келганлар ҳиссаси Қирғизистон, Арманистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Қозоғистон республикаларида юқори бўлган. Шунингдек, қўчиб кетувчилар ҳиссаси юқори бўлган республикаларга Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистон киритиш мумкин. Бу мамлакатларга барча қўчиб кетувчиларнинг 50% дан ортигини ташкил этади. Демак, бу давр Туркманистон, Ўзбекистон, Қирғизистонда аҳоли ҳаракати тарихида миграцион фаоллик энг юқорилиги билан из қолдирган.

Миграция сальдоси энг юқори мусбат қўрсаткичга эга бўлган республикаларга Россия, Украинани киритиш мумкин. Манфий миграция сальдоси юқорилигига кўра, Ўзбекистон (-1540), Грузия (-1036), Озарбайжон (-875) республикалари ажралиб туради. Яна шуни таъкидлаш жоизки, ўша йиллардаги Грузия аҳолисининг 22,1%и, Озарбайжон аҳолисининг 17,0%и бошқа республикаларга қўчиб кетишиган.

Ер шаридаги сўнгги вақтда йилига 135-137 млн бола туғилиб, 53-55 млн киши ўлмоқда. Табиий ўсишнинг микдори 82-84 млн. кишини ташкил қиласди. Дунёда туғилишнинг жуда кўп коэффициентлари Африкага регионлар ичидаги Африканинг барча регионлари ҳамда Марказий Америка ва Фарбий Осиёга жуда паст коэффициентлари Шимолий Америкага, Европа, Россия ҳиссасига түғри келади.

Аҳоли сони ва унинг таркиби гўдаклар ўлими ҳам жуда катта таъсир қўрсатади. Ер шаридаги 1999 йилда жами 7,8 млн бола бир ёшга етмасдан ўлганлиги қайд этилди. Шундан сал кам 2 миллиони Ҳиндистонга, 631 мингтаси Хитойга түғри келади. Покистон, Бангладеш, Индонезия, XXДР, Бразилия, Нигерия, Эфиопия, мамлакатларида ҳозирги вақтда йилига 200-500 минг бола бир ёшга етмасдан ўлмоқда. Афғонистон, Бутан, Гвинея, Либерия, Мозамбик, Чад ва бошқа жами 26 мамлакатда 100 юқори, 42 мамлакатда 50 дан 100 промиллегача бўлган қўрсаткич билан аниқланмоқда. Болалар ўлими мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти даражаси билан тескари алоқага эга. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда болалар ўлими коэффициенти 4-8 промиллега ўзгаради. Ижтимоий-сиёсий вазияти бекарор, иқтисодий қолоқ бўлган мамлакатларда мазкур қўрсаткич одатда 100 дан ортиқ, айрим ҳолларда 50 дан ҳам юқори даражага эгалиги билан ажралиб туради.

Аҳолининг турмуш даражаси ва у билан узвий боғлиқ бўлган табиий ҳаракати жараёнлари ҳамда шаклланган ёш таркиби орқали унинг ўртacha умр даври аниқланади. Аҳолининг ўртacha умр даври 1999 йил 66 ёшга teng бўлди.

Бу қўрсаткич иқтисодий ривожланган мамлакатларда (Япония, Швеция, Швейцария жами 57 давлат) 77-81 ёшни, қолоқ мамлакатларда 42-60 ёшни ташкил этади. Ўртacha умр даврини энг юқори қўрсаткичлари Японияга (81 ёш), Францияга ва яна 17 мамлакатга 78-79 ёш энг паст қўрсаткичлари Марказий Африка Республикаси (41 ёш), Афғонистон (43 ёш) ва Гвинея (44 ёш) мамлакатларига хосдир. Ўзбекистонда ўртacha умр даври эркакларда 66 ёшга аёлларда 72 ёшга, ўртacha 69 ёшга teng. Сўнгги қўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунё мамлакатлари ичидаги 101-107 ўринларда жойлашган. Тарихий умр даври атиги 25 ёшга teng бўлганлигини асослайди. Ўрта асрларда бу қўрсаткич тахминан 30 ёшгача

кўтарилиди. Мана шу ўртача кўрсаткичлар умр даври юқори бўлган инсонлар мавжудлигини инкор қилмайди.

### **3 §. Демографик жараёнлар ва меҳнат ресурсларининг шаклланиши**

Меҳнат ресурслари сони ва сифати мамлакатлар иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. 2004 йилда Ўзбекистонда меҳнат ресурслари жами аҳолининг 54,3 фоизини ташкил этди. 2000 йилдан кейинги даврда меҳнат ресурслари сони йилига ўртача 400 минг кишига ортиб бормоқда. Мамлакат аҳолисининг ўртача ёши 25 ёшни ташкил этиб, давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш даражаси билан белгиланувчи мазкур омил, ўз нФавбатида, уни ривожлантириш ва тарақкий эттиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Республика аҳолисининг сони 2005 йилда 26,3 млн. кишини ташкил этди. Ўзбекистон аҳолиси йилига салкам 300 минг кишига кўпаймоқда. Ҳозирги кунда мамлакат аҳолисининг ўсиши – йилига ўртача 1,2% га teng. Аҳолининг табиий ўсиши коэффициенти юқори бўлган вилоятларга Сурхондарё (19,2%), Қашқадарё (19,4%), Жиззах (17,6%) вилоятлари киради.

Ўзбекистонда аҳолининг 36,7 фоизини 14 ёшгача бўлганлар ташкил қиласиди. 2004 йилда аҳолининг табиий ўсиши ҳар 1000 кишига 15 кишини ташкил қиласиди. 2005 йилнинг бошида қишлоқ жойларда 16,6 млн. киши ёки мамлакат аҳолисининг 63,6 фоизи яшади. Қишлоқ аҳолисининг умумий таркибида 8,8 млн. киши ёки 54,08 фоиз аҳоли меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган ёшда. Шундан 5,5 миллион киши (70,5 фоизи) иш билан банд. Статистик маълумотларда қайд этилишича, банд аҳолининг 30,9 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Аҳоли тўғрисидаги бу маълумотлар унинг республика қишлоқ хўжалиги учун нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради.

Шунингдек, меҳнат ресурслари бандлиги борасида айрим ҳудудий номутоносибликлар ҳам мавжуд. Бу номутоносибликлар қишлоқ хўжалигига янги хўжалик юритиш шаклларининг ривожланиши билан ўз ечимини топади. Қишлоқ жойларда меҳнат базаларининг асосий муаммоси – иш ўринларининг талаб даражасидан пастлигидир. Бу узоқ даврлар давомида қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли пайдо бўлган.

Бундай номофиқликлар ишсизлик, ишлашни хоҳлайдиган, лекин турли сабабларга кўра бандлик хизматларида рўйхатга олинмаган меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли тўпланганлиги билан боғланган. Қишлоқ жойларда меҳнатни қўллаш соҳаларининг камлиги туфайли иш кучига бўлган талабнинг пастлиги амалда республиканинг барча минтақаларига хос хусусият бўлиб, ишчи кучларининг кўшни давлат Қозогистон ва Россияга яширин миграцияси ҳам шу хусусиятларга боғлиқ бўлмоқда.

Маълумки, собиқ Иттифоқ парчаланиб, унинг ўрнида пайдо бўлган мустақил суверен давлатларда 25 миллион рус миллатига мансуб аҳоли бор эди, ҳозиргача уларнинг кўпчилиги Россияга кўчиб ўтди. Россия ҳозирги кунда МДҲ давлатлари орасида ишчи мигрантлари оқими қаратилган давлат бўлиб қолмоқда ва келажакда ҳам шундай бўлади. Муаллифларнинг фикрича, бунга қуйидаги омиллар сабаб

бўлмоқда:

биринчидан, Россиядаги демографик вазият, масалан, 2003 йил Россияда туғилиш коэффициенти ҳар минг кишига 9,0‰, ўлим эса 15,0‰ ни, табиий кўпайиш манфий 6,0‰ ни ташкил этган;

иккинчидан, Россиянинг бепоён худудидаги табиий ресурсларнинг ўзлаштирилиши;

учинчидан, МДҲ давлатларидағи аҳолининг кўпчилиги рус тилида гаплаша билишидир.

Россия учун ҳозир ҳам, келажакда ҳам Марказий Осиё республикалари асосий ишчи қучи билан таъминлайдиган мамлакатлар бўлиб қолади, чунки ушбу республикаларда ҳали ҳам туғилиш даражаси анча юқори [1]. Ўзбекистон Марказий Осиёда табиий ўсишнинг юқорилигига қўра, бошқа мамлакатлардан фарқ қиласди. 2000 йилда ноқонуний мигрантлар сони Россияда – 1,3-1,5 млн. кишини, Қозоғистонда 200 минг кишини, Ўзбекистонда 30 минг кишини ташкил этган. Шу ўринда, Ўзбекистондан Россияга бориб ишлаб яширин миграцияни ҳосил қилаётганлар сони 231 минг кишини ташкил этади. МДҲ давлатлари ўртасида содир бўлаётган миграция тебранма (маятниксимон миграция) хусусиятига эга.

Марказий Осиё давлатларидан МДҲнинг бошқа худудлари жумладан, Россия, Украинага ишлаш учун кетаётганлар орасида врачлар ва бошқа юқори ихтисослашган меҳнат ресурсларининг кетиши ўз мустақиллиги учун курашаётган ва айни пайтда шу каби мутахассисларни тайёрлашда катта меҳнат сарфлаётгани бу давлатлар учун салбий йўқотиш ҳисобланади. Айрим статистик прогнозларга қўра, 2020 йилга бориб, Россияда 11 млн., Қозоғистонда 6 млн. меҳнат ресурсига эҳтиёж ортади. Шу боис, МДҲ мамлакатлари миграция хизматларини амалга оширувчи муассасалари содир бўлаётган ноқонуний миграцияга чек қўйишлари учун ҳамкорлик доирасини кенгайтиришлари лозим бўлади.

Бизга маълумки, 200 ота-онага 265 туғилиш аҳолининг қайта барпо бўлишини 100% таъминлайди. Бирок, кўпайишига олиб келмайди. Бугунги кунда аҳолиси ўзишдан камайишига ўзгараётган Россия учун 1,20 коэффициенти лозим бўлади. Бу ҳар 100 самарали оила учун 320 туғилишнинг таъминланиши демакдир.

Кўп сонли эгизакларнинг туғилиши дунё миқёсида кўп қайд этилган. Кўпгина ҳолатда бундай эгизаклар яшаб кетиши қийин бўлган ва ўлим билан якун топган. Бештадан эгизакларнинг туғилиши бир неча 10 марта юз берган. Шундан 15 ҳолатда улар яшаб кетишган. Масалан, 1934 йилда Канадада, 1943 йилда Аргентинада, 1971 йилда Польшада бу каби болалар туғилиши ижобий якун топган.

Х.Зайончковскаянинг фикрига қўра, Россия табиий ўсишдаги тенденцияга қўра, иммигрантларга доимо эҳтиёжда бўлади. Унинг фикрига қўра, фақатгина мамлакат иқтисодиёти кризисдан чиқмагандагина иммигрантларга эҳтиёж сезилмайди. Россия иқтисодиётининг ривожланиши барқарорлашган сайин иммигрантларга эҳтиёжи ортиб боради. XIX-XX асрда АҚШ иммиграция давлати бўлганлиги сингари XXI асрда Россия дунёда иммиграция мамлакатига айланади. 2000 йилда Россия аҳолисининг барқарор ўсиши ва миграция оқимининг юқори

бўлишига қарамай ишсизлик ёки ишга жойлашишда муаммолар юз берди. Бу меҳнат ёшидаги аҳолининг касб эгаллаш салоҳияти билан боғлиқ бўлди. Ишлаб чиқариш қуввати 1990 йиллар даражасига етмасада, ҳозирда меҳнат ресурсларининг етишмаслиги мамлакат иқтисодиётини турғунлаштирум оқиди. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2002 йилда саноатда меҳнат ресурсларининг 1/4 қисми тўлмай қолди [3].

Россия XXI аср ўрталарига қадар ҳозирги аҳоли кўрсаткичларини сақлаб қолиш учун, у 50 йил давомида 35-70 млн. иммигрант қабул қилиши лозим. Шундагина аҳолининг қайта барпо бўлиши 700 минг кишига ўсади. Жорий 5 йилликдан 2025 йилга қадар 1200 кишига ортади [4]. 1990 йилларда Россия қўчиб келувчилар оқими юқори бўлган даврда ҳам аҳоли кўрсаткичларидаги табиий йўқотишни қоплай олмади.

1989 йилларга нисбатан аҳолининг қайта барпо бўлишини таққослаганда, агар иммиграция оқими юқори бўлмаганда эди, ҳозирда Россия аҳолиси 7,4 млн. кишига ёки 5 фоизга қисқариши мумкин эди. Аҳолининг қайта барпо бўлиши миграция ҳисобига 1/4 табиий йўқотишни қоплади. Шу боис, Россия аҳолиси атиги 18 млн. кишига ёки 1,25% га қисқарди. 1991-2001 йиллар давомида дунё миқёсида миграция интенсивлиги юқори бўлди. Бу давр давомида АҚШ 924 минг, Германия 865 минг, Россия 781 минг иммигрант қабул қилди. 1989-2002 йиллардаги статистик таҳлилларга кўра, Россия аҳолиси миграция ҳисобига 5560 минг кишига ўсади ва аҳолининг миграция ҳисобига ўсиши эса, йилига 400 минг кишини ташкил этади, бу 1980 йилларга нисбатан икки ҳисса юқоридир.

1990 йилларда Россия аҳолисининг миграцион ўсиши асосан Қозогистон билан боғлиқ бўлди. Кейинги ўринни Ўрта Осиё мамлакатлари эгаллагани ҳолда, уларнинг улуши 1/3 қисмини ташкил этди. Кейинги ўринларда Кавказ орти мамлакатлари (20 фоиз атрофида), Болтиқ бўйи давлатлари (5 фоиз) ҳамда Украина, Молдавия (9 фоиз). Собиқ Иттифоқ мамлакатларидан кўчиб келган мигрантларнинг аксарият қисмини руслар ташкил этгани ҳолда уларнинг улуши 1992 йилларга қадар 60 фоиздан кам бўлмаган. Мигрантларнинг 10 фоиздан юқориси бошқа этник гурухлар ҳисобига тўғри келди.

Ҳозирги даврда собиқ Иттифоқ республикаларидаги 1989 йилга қадар яшаган 25,3 млн. этник руслардан 3,3 млн. киши Россияга кўчиб ўтган. Қирғизистон, Туркманистон, Узбекистондан келган мигрантларнинг умумий сони 1,5 млн. кишини ташкил этгани ҳолда, бу шу мамлакатларда яшаётган 2 млн. русларни қисман ўрнини босади.

Иммигрантлар сонини ҳар минг кишига ҳисоблаганда Россия ҳисобига 5,4 киши ташкил этган ҳолда, Германия (10,6)дан кейинги ўринда ва фақат АҚШ (3,5) Россиядан кейинги ўринда туради. Шу йиллар давомида Қозогистон ҳудудидаги 20 фоиз руслар кўчиб кетишган. Бу даврдаги Қозогистондан Россияга кўчиб кетувчилар сони Қозогистондаги иқтисодий аҳвол билан боғлиқ бўлди. 1994 йил Қозогистондан русларнинг 20 фоизи кўчиб кетишга тайёр эди. 1997 йил 1/3 қисм руслар кўчиб кетишни хоҳлашган, кейинчалик кўчиб кетувчилар сони қисқара борган.

1994-2001 йиллар давомида Россиядаги миграция сальдоси 810 минг кишини ташкил этгани ҳолда, бу кўчиб келувчиларнинг 1/4 қисмини ташкил этади ва шундан 39 фоизи украинлар, 45 фоизи кавказликлар ва Марказий Осиё этник гурӯхларидан келишган. 1994 йилда Россия аҳолисининг миграцион ўсиши 810 минг кишига етди. Кейинчалик 2001 йилга келиб, 72 минг кишигача пасайди.

Ҳозирда малакали ишчилар учун иш ўринлари ва тўловларнинг пасайиши ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Дунё бўйича давом этаётган тенденцияга кўра, юқори тўловли иш ўринларининг қисқариши кузатилмоқда. Бу даврда малакали ишчилар бир вақтнинг ўрнида ўзи ва оиласини таъминлаш учун бир неча ўрта ва кам тўловли ишларда ишлашига тўғри келади.

Бу қатламга кирувчи интилекентлар ва хизматчилар янада мураккаб вазиятларда қолишади. Асосан таълим секторида хизмат қилувчилар, ўқиш ёшидаги аҳоли қатламигининг камайиши ҳисобига 10 минглаб тарбиячи ўқитувчилар иш ўринларини йўқотади.

Демографик жараёнлар ҳам табиат қонунлари сингари мураккаб тузилишга эга. Демографик сиёsat қандай бўлишига қарамай, у доимо ўзининг ўзига хос хусусиятларини намоён қилиб туради. Farbий Европадаги сингари Россия аҳолисида ҳам 65 ёшдан ошганлар яқин келажақда жами аҳолининг 1/5 қисмини ташкил этади.

XX аср бошларида 20 йиллардан бошлаб, Қозоғистоннинг асосан шимолий қисмида қулоқ қилинганлар, кейинчалик корейслар, поляклар, немислар ўрнаша бошлишди. 50-йилларга келиб эса бир неча юз минглаб, аслида қишлоқ хўжалиги ҳашари учун келиб, кейинчалик ўрнашиб қолганлар ҳисобига аҳоли сони орта борди. Натижада 1926 ва 1939 йиллар давомида четдан келган аҳоли 2,8 млн.дан 3,8 млн. кишигача ўсади. Шу даврда туб қозоқлар сони 3,7 млн. дан 2,3 млн. гача ёки 38% га қисқарди. Бу натижага Совет хукумати сунъий очарчиликни ташкил этиш ҳисобига эришди [5]. 1927-1938 ва 1939-1958 йиллардаги аҳоли рўйхатида Қирғизистонда яшовчи ўзбеклар улуши 20% дан юқори бўлган. Айниқса, Фарғона водийси чегарасидаги Ўш вилоятида асосан ўзбеклар улуши сезиларли даражада юқори бўлган. Бу даврда Қозоғистон ва Ўзбекистон республикалари пойтахтларида туб аҳоли шунга мувофиқ равища 40,3% ва 16,3% рус миллатига мансуб аҳоли 33,8% ва 65,3%ни ташкил этган.

1959 йилдаги ўтказилган аҳоли рўйхатига кўра, Қозоғистон минтақасидаги энг кўп миллатли республикага айланди. Бу даврда туб аҳоли, яъни қозоқлар республика аҳолисининг 30%ини ташкил этди. Бу даврда республикада русларнинг улуши бирор камайди ва жами аҳолининг 42,7%ини ташкил қилди ва бошқа миллат вакиллари улуши 27,3%ни ташкил этди.

1970-1979 йиллардаги давр оралиғида ҳам шу ҳолат деярли сақланиб қолган. Бу даврда русларнинг республикадаги улуши 40,8% га тушган. Бошқа омиллар таъсирида қолган миллатлар улуши ҳам 23,2% га қисқарган. Бу даврлар мобайнида Қирғизистондаги аҳолининг этник таркиби динамикасини баҳолаганда ҳам шундай ҳолат кузатилади. Бу республикага албатта қулоқ қилинганлар жўнатилмаган бўлсада, Ўрта Осиё халқлари (ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, уйғурлар, дунгандар)нинг улуши юқори бўлди. Бу даврда русларнинг улушида ҳам бирмунча

ўсиш юз берди. Рус миллатига мансуб меҳнат ресурслари режалаштирилган иқтисодий даврдаги қўчирилиши оқибатида республиканинг туб аҳолисини миллий озчилик даражасига тушириб қўйди.

#### **4 §. Аҳолининг ёш-жинс таркиби ва меҳнат ресурсларининг шаклланиши**

Аҳолининг ёш жинс таркиби унга хос белгилар ичида энг муҳими ҳисобланади. Чунки ишга қараб аҳолининг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти баҳоланади. Бутун дунёда эркакларнинг сони аёлларнига нисбатан қарийб 30 млн.га кўпроқдир. Лекин айрим материклар, регионлар ва эркаклар билан аёллар сони ўртасидаги фарқ сезиларли тусга эга. Болалар ёшларида барча материклар ва регионларда ўғил болаларнинг устунлиги кўзга ташланади. Дунёда 9-14 ёшда ҳар минг қизга 1040 ўғил бола тўғри келади. Ушбу кўрсаткич Европада (1060) Осиёда (1050) ҳамда Австралия ва Океанияда (1059) ундан ҳам юқори. Фақат Африка (1008) ва Америка (1029) да нисбатан паст даражада билан ифодаланади. Болалар сонидаги фарқнинг келиб чиқишида туғилган ҳар минг гўдакнинг 520 таси ўғил болалардан иборат бўлишлиги омили ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Аҳолининг асосан меҳнатга лаёқатли ёшдаги қисмидан ташкил топган 15-65 ёшида дунё бўйича ҳар 1000 аёлга 1020 та эркак тўғри келади. Европада эркаклар сони аёллар сонига teng. Осиёда ҳар 1000 аёлга 1049 та эркак Австралия ва Океанияда эса 1039 эркак тўғри келади. Мазкур кўрсаткич Африка (979 эркак) ва Америка (990 эркак) да аксинча аёллар устунлиги билан ифодаланади. Юқоридаи ёш гурухларида эркаклар билан аёллар ўртасида мавжуд бўлган фарқлар жуда кўп омиллар таъсирида шаклланган. Бунда дунё ва регион ҳамда мамлакат доирасидаги урушлар эркаклар билан аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, уларнинг ўртача умр давридаги фарқлар ва бошқа омилларнинг роли жуда каттадир.

Дунё аҳолисининг таркибида болалар улуши камайиб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги ва аҳоли салмоғи кўпаймоқда. Бинобарин, 1970-1999 йилларида 0-14 ёшдаги болалар улуши 36,6 да 31 фоизгача камайди. Меҳнатга лаёқатли ёшларда аҳоли салмоғи 57,7 дан 62,0 фоизга етди.

Кекса аҳолининг ҳам салмоғи 7,0 фоизни ташкил этди. Хитой, Ҳиндистон ва бошқа қатор мамлакатларда эркаклар сонинг устунлиги аёлларнинг жамиятда тутган мураккаб, баъзи холларда аянчли ўрни ҳамда мазкур мамлакатларда оила ўғил болани қўришга бўлган жуда катта интилиш ва ана шу мақсадга эришишда ҳар қандай чорага ҳатто энди туғилган қизни ўлдиришгача боришга тайёрлиги билан боғланган.

Аҳоли жинсий таркибининг шаклланишида дунё айрим регион ва мамлакатлар миқёсида бўлиб турувчи миграцион алоқаларнинг роли ҳам каттадир. Европа ва Шимолий Америка эмигрантларни қабул қилувчи Осиё ва Африка эмигрантларни етказиб берувчи ҳисобланадилар. Дунё аҳолисининг ёш таркиби ҳам катта ҳудудий фарқларга эга. Бунда туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари динамикаси ҳал қилувчи рол ўйнайди. Қуйидаги жадвал маълумотларидан дунё аҳолисининг ёш таркибига хос хусусиятлар ва нисбатларни кўриш мумкин.

**4-мавзу: Меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор сифатида. (2 соат)**

**Режа:**

1. Меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларининг омиллари
2. Меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланишнинг илмий услублари ҳамда йўллари.

Ҳар бир мамлакатдаги демографик вазият иқтисодий, сиёсий, ижтимоий жараёнларга бевосита таъсир кўрсатади. Туғилиш даражасининг ўсиши муайян вақтдан сўнг меҳнат бозорида иш билан бандлик тегишли равишда ўзгаришига ҳамда давлат бюджетининг ижтимоий эҳтиёжларга харажатлари даражасига, шунингдек таълим ва соғлиқни сақлаш тизими амал этишига ўз таъсирини кўрсатади. Демографик тенденцияларнинг ўзгариши ва инсонни ривожлантириш – ўзаро боғлиқ жараёндир.

Демография (кўхна юонча “дѣмос” — “халқ” ва “γράφω” — “ёзаман” сўзларидан) — аҳоли тақрор ҳосил қилиниши қонуниятлари, унинг ижтимоий-иқтисодий, табиий шароитлар, миграцияга боғлиқлиги, аҳолининг сони, уларнинг ҳудудларда жойлашиши, таркиби, ўзгариши, сабаблари ва мазкур ўзгаришлар оқибатлари тўғрисидаги фандир.

Демографик вазият мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён ҳисобланади. У аҳолининг табиий ўсиши, миллий ва ижтимоий таркиби, миграцияси, меҳнат ресурслари ва уларнинг иш билан бандлиги каби категорияларни мужассамлаштиради.

Демографиянинг предмети аҳолини табиий тақрор ҳосил қилиш қонунидир. Умуман олганда, демографиянинг фан сифатида учта муҳим вазифаси ажратиб кўрсатилади:

- демографик жараёнлар тенденциялари ва омилларини ўрганиш;
- демографик прогнозларни ишлаб чиқариш;
- демография соҳасидаги сиёsatни ишлаб чиқиши.

Демографи фани узоқ вақт давомида амалий эҳтиёжларга мувофиқ аҳоли тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш ва талқин этиш билан шуғулланиб келган. Демографиянинг ушбу функцияларини бажариши жараёнида унинг тадқиқот усуслари муттасил такоммилашиб борди.

“Демография” атамаси биринчи бор француз олими А. Гийярнинг “Инсон статистикаси унсурлари ёки таққослама демография” (A. Guillard, “Eléments de statistique humaine ou Démographie comparée”, 1855) китоби номида пайдо бўлди. Муаллиф демографияга кенг маънода – “инсон зотининг табиий ва ижтимоий тарихи” ёки торроқ маънода – “аҳоли, унинг умуний ҳаракати, жисмоний, фуқаролик, интеллектуал ва аҳлоқ холатини математик англаш” сифатида қараган.

“Демография” атамаси 1882 йилда Женевада бўлиб ўтган Гигиена ва демография бўйича халқаро конгрессномланишида расмий эътироф этилди.

Қадимий даврлардаёқ аҳолини рўйхатга олиш зарурати туғилган. Кўхна Гречия, Рим, Хитойда, кейинчалик Ўрта асрларда аҳолишунослик тўғрисидаги билимлар ва тассавурлар мавҳум, тизимсиз бўлганлиги тушунарлидир. Айrim мамлакатларда оиласлар, туғилишни тартибга солишга ҳаракат қилиб кўрилган. Ўша даврлардаёқ мутафаккирлар аҳоли сони билан инсон ривожланиши ўртасидаги алоқадорликка эътибор қаратганлар.

Конфуций (милоддан илгари тахминан 551-479 йиллар) ишлов бериладиган экин майдонлари билан аҳоли сони ўртасидаги энг мақбул нисбатни аниқлашга ҳаракат қилиб кўрган. Унинг фикрича, бу нисбатнинг бузилиши қуйидаги сабабларга олиб келиши мумкин бўлган:

- аҳоли сони кам бўлса, экинзорларга ишлов бериш ёмонлашади ва дехқонлар солиқ тўлашдан бош тортади;
- аҳоли ниҳоятда зич бўлса, одамларнинг қашшоқлашиши, бекорчиларнинг кўпайиши сабабли ижтимоий муаммолар кучаяди.

Бундан аҳоли сони давлат томонидан тартибга солиниши кераклиги ҳамда одамларни аҳоли зич минтақалардан аҳоли кам бўлган ҳудудларга кўчириш масаласини ҳал қилиш талаб этилиши каби хулосалар чиқарилган.

Платон (милоддан аввалги 428-347 йиллар) идеал давлат тўғрисидаги таълимотида эркин фуқароси 5040 нафар бўлган давлатана шундай моделга жавоб беришини кўрсатган. У никоҳ муносабатларида ҳам муайян тартиб ўрнатишни таклиф этган, жумладан эркаклар фақат 30 ёшдан 55 ёшгacha фарзанд кўриши мақсадга мувофиқлигини асослаган. Платон шундай ёзади: “никоҳлар сонини белгилашни ҳамда уруш, касалланиш ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда эркаклар сони имконият даражасида муқим бўлиши, давлат имконияти борича катталашмаслиги ҳам, кичиклашмаслиги ҳам чораларини кўришни ҳукмдорлардан сўраймиз”.

Аристотель (милоддан аввалги 384-322 йиллар) ҳам эркин фуқаролари камсонли бўлган давлатни идеал деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, фуқаролар сонининг кам бўлиши ижтимоий уйғунликни таъминлайди, аҳоли ҳаддан ташқари кўп бўлганда эса бунга эришиш мумкин эмас. Аҳолининг ортиқчалиги улар томонидан эътиrozлар билдирилиши ҳамда жиноятлар сони кўпайишига сабаб бўлади. Шу бмлае бирга оҳоли кўпайса, фуқароларнинг бир қисми ерга эга бўлмасдан қашшоқлашади.

Демографиянинг фан сифатда чинакам шаклланиши XVII аср иккинчи ярмига тўғри келади. Ана шу вақтда капитализмнинг ривожланиши аҳолишуносликни ўрганишга доимий эҳтиёж туғдирди.

Тарихан олиб қаралганда демографияда илмий ўрганишнинг биринчи объекти одамлар ўртасидаги ўлим бўлди. Авлодлар ўлими хақидаги билимлар умр кўриш давомийлигини (туғилиш даражаси муқим бўлса, аҳоли сони ҳам барқарор бўлади) аниқлаш ҳамда ҳаётни суғурталашда умр кўриш давомийлигига боғлиқ равишда суғурта тўловлари миқдорини хисоблаб чиқиш имконини берарди.

XVIII асрда айрим мамлакатларда вафот этганлар ва туғилганлар ҳамда аҳоли сонини аниқлашга дастлабки уринишлар кузатилди.

XVIII асрнинг охири - XIX асрнинг бошида АҚШда аҳолини рўйхатга олишнинг замонавий усулига асос солинди, 1790 йилда аҳолини жорий ҳисобга олиш йўлга қўйилди. Демографияда аҳолини тақрор хосил қилиш тадқиқотларнинг марказий объектига айланди.

*Аҳолини тақрор ҳосил қилиши* – аҳолининг табиий ҳаракати натижасида авлодларнинг армашинишидир. Аҳолини тақрор ҳосил қилиш туғилиш ва ўлимлар сонига қараб аниқланади. Демографик жамланма кўрсаткичлар ўзгаришига мувофиқ, аҳоли тақрор ҳосил қилинишининг уч асосий тарихий турини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Улардан биринчиси – *аҳолини тақрор ҳосил қилишининг қадимиј туридир*. У ибтидоий жамият учун хос бўлган ва ҳозирги пайтда учрамайди.

Аҳоли тақрор ҳосил қилинишининг иккинчи тури – “анъанавий” ёки “патриархал” тақрор ҳосил қилиши туридир. У аграр жамиятда ҳамда индустрисал жамиятнинг илк боқичларида устунлик қилган. Туғилиш ва ўлим даражаси юқорилиги, ўртача умр қўриш давомийлигининг пастлиги бу турнинг асосий белгиларидир.

Кўпболалик анъанавий одат бўлиб, у аграр жамиятда оила яхши амал этишига кўмаклашади. Ўлим даражасининг юқорилиги эса одамлар турмуш даражаси пастлиги, меҳнатнинг оғирлиги, тўйиб овқатланмаслиқ, тиббиётнинг зарур даражада ривожланмаганлиги оқибатидир. Тақрор ҳосил қилишининг бундай тури ривожланиш даражаси паст бўлган Нигерия, Бангладеш ва айниқса Эфиопия учун хосдир. Эфиопияда туғилиш даражаси - 45,0%, ўлим эса – 20,0 % ни, умр қўришнинг ўртача давомийлиги атиги 43 йилни ташкил этади.

Ривожланаётган давлатларнинг кўпчилигига (Мексика, Бразилия, Филиппин ва бошқалар) кейинги 10 йилликда тақрор ҳосил қилишининг “анъанавий” тури жиддий равишда ўзгарди. Ушбу мамлакатларда тиббиётдаги муваффақиятлар туфайли ўлим даражаси 6,0 % – 10,0 % гача пасайди, лекин туғилишининг анъанавий ҳисобланган юқори даражаси асосан сақланиб турибди. Натижада ушбу давлатларда аҳолининг табиий ўсиши юқори – йилига 2,5 – 3,0 % ни ташкил этади. Аҳолини тақрор ҳосил қилишининг бевосита ана шу - “ўтиш” тури XX аср охрида жаҳонда аҳоли сони ўсиши суръатлари юқори бўлишини таъминлади.

*Аҳолини тақрор ҳосил қилишининг “замонавий” ёки “оқилона” тури туғилиш даражаси пастлиги, ўлим даражасининг ўртачалиги, аҳолининг табиий ўсиши нисбатан камлиги ва умр қўриш ўртача давомийлигининг юқорилиги хусусиятларига эгадир.* Мазкур тур аҳолининг турмуш даражаси ва маданияти юқорироқ бўлган, иқтисодий жихатдан ривожланган давлатлар учун хосдир. Ушбу мамлакатлардаги туғилиш даражасининг пастлиги оилани онгли тартибга солиш билан узвий боғлиқдир. Ўлим даражасига эса аҳоли таркибида катта ёшдагилар салмоғининг юқорилиги таъсир кўрсатади.

Кейинги ярим аср мобайнида демографияни умумий ривожланишининг иқтисодий ва ижтимоий омиллари нуқтаи назаридан ўрганишга эътибор ортмоқда.

Демографияда жамланма бирлик – инсондир. Бу бирликнинг белгилари кўп – жинс, ёш, оиласвий аҳвол, таълим даражаси, машғулот тури, миллат ва ҳоказолар. Ушбу белгилар инсон умри давомида ўзгариб боради. Шунинг учун аҳоли микдорида одамларнинг ёш, жинс таркиби, оиласвий аҳвол каби хусусиятлар мужассамлашган. Ҳар бир одам ҳаётидаги ўзгаришлар аҳоли таркибидаги ўзгаришларга ҳам олиб келади. Ушбу ўзгаришлар жамланма ҳолида аҳолининг ҳаракатини ташкил этади.

Аҳоли сони ўсишининг умумий хусусиятини табиий ўсиш белгилайди. Мазкур кўрсаткич туғилганлар билан ўлганлар сони ўртасидаги фарқнинг мутлақ микдори сифатида ифодаланади. Аҳоли табиий ўсишининг юқори суръатлари, агар бу жараён ўлим даражаси паст шароитларда кечеётган бўлса, қулай демографик вазият сифатида баҳоланади. Бироқ қатор мамлакатларда туғилиш тартибга солинмаслиги оқибатида демографик вазият кескинлашади. Бунда демографик инқирознинг турли белгилари – болалар ва оналар ўлими даражасининг юқорилиги, аҳоли саломатлиги кўрсаткичларининг пастлиги, умр қўриш ўртacha давомийлигининг камайиши ва ҳоказолар пайдо бўлади.

Одатда аҳоли ҳаракати уч гурухга тасдиқланади:

- *табиий ҳаракат* – бу туғилиш, ўлим сонини қамраб олиб, мазкур вазиятларни ўрганиш бевосита демография ваколатидадир;
- *механик ҳаракат (миграция)* – бу аҳолининг худудлар бўйича ҳаракатланишларининг барча турлари жамланмасидир. Мазкур жараён пир овард натижада аҳолининг жойлашиши, зичлиги, мавсумий ва тебранувчан ҳаракатчанлиги хусусиятларини белгилайди;
- *ижтимоий ҳаракат* – бу одамларнинг бир ижтимоий гурухдан иккинчисига кўчиб ўтишидир. Ушбу ҳаракат тури аҳоли ижтимоий таркиби такрор ҳосил қилинишини белгилайди.

Миграция ва такрор ҳосил қилиш жараёнлари ўртасида узвий алоқадорлик мавжуддир. Миграция кўчиб юрган одамлар оммасининг туғилиши, никоҳда бўлиши, саломатлиги ва ўлимига таъсир кўрсатади. Ана шу сифатда у аҳолини такрор ҳосил қилишининг омилларидан бирига айланади. Бироқ миграция жараёнларида жўғрофий ва иқтисодий омилларнинг (табиий шароитлар, иқлим, иқтисодий ривожланиш даражаси, ижтимоий инфратузилма ва ҳоказолар) роли такрор ҳосил қилишнига қараганда анча сезиларлидир. Аҳолининг миграцияси – бу, энг аввало иш қучининг миграциясидир.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти ҳамда Миграция бўйича халқаро ташкилот меҳнат мигрантларига аҳолининг ўзи истиқомат қиладиган мамлакат бир худудидан иккинчисига ёки бошқа мамлакатга кўчиб бориб, меҳнат фаолияти билан машғул бўлиш таърифини беради. Хусусан, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1949 йил 1 июлдаги “Кўчманчи меҳнаткашлар тўғрисида”ги 97- Конвенциясида мувофиқ: “кўчманчи меҳнаткаш ишлаш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчувчи шахсни англатади”<sup>7</sup>.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти меҳнат миграциясининг қуидаги асосий турларини ажратиб кўрсатади:

<sup>7</sup> Инсон хуқуклари бўйича халқаро шартномалар. –Т. Адолат. 2004. -149 б.

- *шартнома асосида ишловчилар*. Бу ҳолда мигрантларни қабул қилувчи давлат томонидан уларнинг мазкур мамлакатда бўлиш муддатлари аниқ белгилаб қўйилади. Миграциянинг бу тури асосан иш кучини мавсумий (масалан, қишлоқ хўжалиги, қурилиш) ишларга жалб қилиш билан боғлиқдир;

- *малакали кадрлар миграцияси*. Бунга юқори малакали мутахассислар ёки ишчиларни имтиёзли тартибда (юқори иш ҳақи, бошқа имтиёзлар ҳисобига) ишга таклиф қилиниши мисол бўла олади;



## 12.1-расм. Мехнат миграцияси таснифи<sup>8</sup>

- *ноқонуний миграция*. Бу ноқонуний равишда бошқа мамлакатларда меҳнат фаолияти билан шуғулланишдир;

- *қочоқлар*. Булар тоифасига ҳаёти хавф остида қолиши оқибатида бошқа жойларга кўчишга мажбур бўлганлар киради;

- *кўчманчилар*. Улар доимий яшаш учун бошқа жойга кўчиб борганлардир.

*Худуд бўйича* ички ва ташки миграция фарқланади. *Ички меҳнат миграцияси* бир мамлакат миқёсида, минтақалар, туман ва шаҳарлар ўртасида бўлади. *Ташки меҳнат миграцияси* дейилганда иш кучининг бир давлатдан бошқа давлатга кўчиб ўтиши тушунилади. У куйидаги хусусиятларга эгадир:

- ривожланаётган давлатлардан ривожланган давлатларга меҳнат миграцияси;

<sup>8</sup> Абдураҳмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти. –Т.: Мехнат. 2009. -254-255 б.

- ривожланган мамлакатлар ўртасида меҳнат миграцияси;
- ривожланаётган мамлакатлар ўртасида меҳнат миграцияси.

*Малака бўйича юқори малакали ҳамда паст малакали иш кучи миграцияси фарқланади.*

Меҳнат миграцияси давомийлигига қараб:

- *доимий ёки узоқ муддатга мўлжалланган* (бошқа мамлакатга доимий кўчиб кетиш ёки қишлоқ жойларидан шаҳарга доимий яшашга кўчиб кетиш);
- *вақтинчалик* (масалан, шартнома асосида бошқа мамлакатга муаяйн даврга ишлаш учун бориш);
- *мавсумий* (масалан, қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этиш);
- *тебранувчан* (иш кучининг бир ҳудуддан иккинчисига, масалан қишлоқ жойларидан шаҳарларга мунтазам қатнаб ишлаши).

Меҳнат миграцияси, шунингдек, қонун жиҳатидан қонунний, яъни мамлакатда амал қилаётган қонунчилик, халқаро ҳуқуқ нормалари, давлатлараро ҳуқуқий битимлар асосида ҳамда ноқонунний бўлиши мумкин.

Меҳнат миграциясида иш кучи ҳаракатчанлиги мезони ҳам ҳисобга олинади.

*Иш кучи ҳаракатчанлиги* меҳнатга лаёқатли аҳолининг муайян турдаги меҳнат фаолиятини муайян жойда бажаришга қодирлиги ва тайёрлиги билан белгиланади. Унинг ижтимоий-касбий ва ҳудудий хусусиятлари мавжуддир. Мазкур жиҳатларни қуидагича гурухлаш мумкин:

1.Иш кучи қўчишининг зарурати омиллари. Уларга ижтимоий-касбий ҳаракатчанликда иш ҳақи, меҳнат шарт-шароити ва мазмуни, иш вақти, хизмат соҳасида кўтарилиш эҳтимоли билан белгиланса, ҳудудий ҳаракатчанлик турмуш даражаси, ижтимоий инфратузилма, турар жой шароитларини яхшилаш имкониятлари билан боғлиқ бўлади.

2.Янги иш жойининг мақбуллиги омиллари юқорида қайд этилганлар қатори қилинган сарфлардан янги иш жойида фойдаланиш ҳамда турар жойни алмаштириш имкониятларини ҳам қамраб олади.

3.Бу гурух омиллари имконияти ҳаракатчанликнинг осонлиги билан белгиланади. Бунда ижтимоий-касбий ҳаракатчанликда ходим малакаси, тажрибаси, ёши ва бошқа хусусиятлари ҳамда янги иш жойига жойлашишнинг осонлиги асосий роль ўйнаса, ҳудудий ҳаракатчанликда улар қатори кўчиб ўтиш ҳаражатлари ҳам аҳамиятга эгадир.

4. Мазкур гурух омиллари ижтимоий-касбий ҳаракатчанликда бўш иш ўринлари тўғрисидаги ахборотлар мавжудлиги, уларнинг ишончлилиги, ахборот олиш қиймати билан белгиланса, ҳудудий ҳаракатчанликка кўчиб бориладиган жойлар тўғрисидаги ахборотлар ҳамда уларнинг қиймати муҳим ҳисобланади.

Меҳнат миграциясида *донор мамлакатлар* (иш кучини экспорт қилувчилар) ҳамда *рецепиент мамлакатлар* (иш кучини импорт қилувчилар) фарқланади. Умуман олганда меҳнат миграцияси реципиент мамлакатнинг иш кучига бўлган эҳтиёжини таъминлайди, донор мамлакатларда эса иқтисодий фаол аҳолини эса иш билан бандлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Меҳнат миграцияси донор мамлакатлар иқтисодига қуидагича ижобий таъсир кўрсатади:

● иш кучи экспорти мамлакат меҳнат бозоридаги вазиятни яхшилайди, яъни иш кучи миграцияси натижасида ортиқча меҳнат ресурслари сони камаяди. Бу, айниқса, аҳолиси зич мамлакатлар(Хитой, Ҳиндистон, Мексика, Туркия, Покистон)га ижобий таъсир ўтказади;

● иш кучи экспорти донор мамлакатлар фуқарорларига реципиент давлатларда янги замонавий мутахасисликларни ўзлаштириш, ўз малакаларини ошириш, янги техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини беради;

● иш кучи экспорти донор мамлакатларга қўшимчавалюта кир иб келиши ҳамда эмигрант ходимлар оила аъзолари турмуш даражасини ошириш манбаи ҳисобланади;

● донор мамлакатлар ўз фуқароларининг чет эллар да меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан шуғулланадиган фирмалардан давлат бюджетига солик ундиради.

Шу билан бир қаторда иш кучи миграциясининг донор мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсири ҳам мавжуддир. Улар қўйидагилардан иборат:

● иш кучини экспорт қиласидиган мамлакатлар ўз меҳнат ресурслари, меҳнатга лаёқатли иқтисодий фаол аҳоли маълум қисмидан ажralадилар;

● донор мамлакатлар имигрант ишчиларни ўқитиш ва малакасини ошириш учун сарфлаган маблағлари реципиент давлатлар иқтисодиётини ривожлантириш мақсадларида фойдаланилади;

● юқори малакали ва меҳнат бозорида ғоят рақобатбардош иш кучи экспорти донор мамлакатлар ишлаб чиқаришининг муҳим тармоқларида юқори малакали кадрлар тақчиллигига олиб келиши мумкин.

Иш кучи миграцияси реципиент мамлакатлар иқтисодиётига қўйидаги ижобий самара келтиради:

● хориждан иш кучининг кириб келиши юқори даражадаги сафарбарликни таъминлаб, иқтисодиёт таркибидаги муайян тармоқларни жадал ривожлантиришга хизмат қиласиди;

● иш кучи миграцияси реципиент мамлакатларининг кадрлар тайёрлаш учун ҳаражатларини тежаш имконини беради;

● имигрантлар ички бозорни ривожлантиради, чунки улар товар ва хизматларга талабни оширадилар;

● иш кучи импорти реципиент мамлакатлар компания ва фирмаларнинг бозордаги рақобатбардошлигини оширади, чунки арzon иш кучи кириб келиши натижасида ишлаб чиқариш ҳаражатлари тежалади;

● имигрантларнинг вақтинчалик бўш маблағларидан реципиент мамлакатлар иқтисодиётини молиялаштириш учун фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

Меҳнат миграциясининг реципиент давлатлар учун ҳам салбий томонлари мавжуддир. Улар қўйидагиларда намоён бўлади:

● мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг хориж иш кучига қарамлиги ортади;

● ички иш кучининг маҳаллий меҳнат бозоридаги баҳоси пасаяди ҳамда хориж иш кучининг таклифи ортади.

Шунинг учун ҳар бир давлат ўз миграция сиёсатини амалга оширади. Жумладан, қатор давлатлардан хориж иш кучи сифатига – уларнинг маълумоти, касб-малақаси, иш стажига алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, Австралияда имигрантлар ишга қабул қилиниши учун ўз мутахассислиги бўйича камидаги учийиллик иш стажига эга бўлишлари керак.

Иш кучини импорт қилаётган мамлакатлар ёш бўйича ҳам муайян талаблар кўядилар. Мехнат мигрантлари асосан 20-40 ёшда бўлишлари талаб этилади. Шу билан бирга хорижлик ишчилар, жумладан, Швеция ва Норвегияда тиббий кўриқдан ўтказилиб, ишга қабул қилинади.

Турли давлатларда иш кучи миқдорига квоталар белгиланади ёки молиявий ва вақт чекловлари ўрнатилади. Масалан, Грекияда грек миллатига мансуб бўлмаган ходимларни ишга ёллашда чекловлар ўрнатилган. Ирландияда эса меҳнат фаолиятини бошлаш учун мигрантлар муайян миқдорда маблағ тўлашлари талаб этилади. Иш кучини қабул қилиб олувчи давлатлар меҳнат фаолияти давомийлигини ҳам белгилайдилар.

Миграция, одатда, меҳнат фаолиятини инсон капиталининг баҳоси юқори бўлган соҳаларга кўчиришга кўмаклашади. Америкалик иқтисодчилар Р.Ж. Эренберг ва Р.С. Смит аҳоли имкониятлар ёмон бўлган минтақалардан имкониятлар яхши бўлган минтақаларга кўчиб ўтади деган хulosага келган. Ушбу жараёнда кўчиб ўтиш тўғрисида қарор қабул қилишга муҳожирнинг ёши ва таълим даражаси катта роль ўйнайди. Меҳнатга лояқатли ёшларнинг миграция фаоллигининг энг юқорилиги уларнинг миграциядан манфаат олишлари учун вақтлари кўплиги билан изоҳланади<sup>9</sup>.

Сўнгги пайтда меҳнат миграциясини таҳлил этишда инсон капиталининг мамлакат иқтисодий ўсишнинг эндоген омилини тадқиқ этишга эътибор кучайди. Бундай ёндашув тарафдорлари (Р. Лукас, П. Ромер ва бошқалар) жамланган инсон салоҳияти иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омили, халқаро иқтисодий миграция мамлакатлар ўртасида иқтисодий ўсиш суръатларидаги фарқлар натижасидир деган хulosага келганлар. Бунда иқтисодий ўсиш суръатларини оширишнинг эндоген механизми сифатида инсон капиталининг жамланиши намоён бўлади. Халқаро меҳнат миграцияси муҳожирларда инсон капитали жамғарилишига ёрдам беради.

Аҳолини ҳисобга олиш статистикасида қуйидаги категориялар фарқланади:

- *мавжуд аҳоли* – ҳисобга олиш пайтида мазкур аҳоли пунктида доимий яшаш жойидан қатъи назар мавжуд бўлган аҳоли қисми;
- *доимий аҳоли* – ҳисобга олиш пайтида амалда қаерда бўлганидан қатъи назар мазкур аҳоли пунктида доимий яшайдиган аҳоли қисми;
- *вақтинча йўқлар* – ҳисобга олиш пайтида доимий яшаш жойида вақтинча йўқ бўлган (6 ойдан кўп бўлмаган даврда) шахслар;
- *вақтинча борлар* – ҳисобга олиш пайтда мазкур аҳоли пунктида вақтинча бор бўлган (6 ойдан кўп бўлмаган муддатда) шахслар.

<sup>9</sup> Эренберг Р.Дж., Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная практика. – М.: МГУ, 1996. - С.338, 367.

*Аҳоли сифати* – аҳолининг ижтимоий ҳаёт кечириши, ижтимоий ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида характерлайдиган категориядир. Яъни бу аҳолининг таркиб топган табиий, техникавий, иқтисодий, ижтимоий-маданий шароитларга муносабати ҳамда ушбу шароитларни ўзларининг ўзгариб борадиган эҳтиёжларига мослаштириш қобилиятидир. Аҳоли хусусияти (туғилиш, ўлим, таълим, малака даражаси ва ҳоказолар) микдор жиҳатидан ўзгариб боради. Аҳолининг сифат хусусиятларини, энг аввало, таълим ва саломатлигини яхшилаш аҳоли такрор ҳосил қилиниши тежамкорлигини, яъни аҳоли сонини сақлаб туриш аҳоли сони ва унинг ўсиши суръатларини ўлим ва туғилишнинг мутлақ сони қисқарганда ҳам сақлаб туриш имконини беради.

#### **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(жами 10 соат)**

##### **1-мавзу: Демография статистикаси**

Аҳоли билан боғлиқ маълумотларни тўплаш, илк давлатчиликнинг шаклланиш даврларига бориб тақалади. Ҳатто узоқ ўтмишда, яъни Рим империяси даврида мамлакат ҳарбий қудратини ошириш мақсадида аҳоли, ёши, жинси ҳақида дастлабки маълумотлар тўпланганлиги тарихдан ҳаммага маълум.

**Аҳоли ҳақида маълумот тўплаш** - Демографиядаги асосий ахборот манбалари қўйидагилар:

5. Ҳар 10 йилда бир марта ўtkазилиб турадиган аҳоли рўйхати.
  6. Демографик ходисаларнинг жорий статистик рўйхати (туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш)нинг ҳисоби ва узлуксизлиги.
  7. Аҳоли жорий картотекасининг узлуксизлиги.
  8. Алоҳида ва маҳсус кузатувлар.
2. Аҳоли рўйхати бу мамлакат ёки унинг бирор ҳудудида маълум вақтда яшовчи аҳоли билан боғлиқ маълумотлар тўплами бўлиб, унда демографик ва аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид маълумотлар таҳлили ва баҳоси акс эттирилади. Аҳоли рўйхатида қўйидаги масалалар ўрганилади:
- мамлакат ҳудудидаги аҳоли сони ва жойлашуви, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, аҳоли миграцияси;
  - аҳолининг миллий таркиби, она тили ва мулоқат тили, фуқаролиги;
  - аҳолининг маълумоти, қишлоқ хўжалиги ва саноат ёки хизмат кўрсатиш тизимларида бандлиги, даромадлари;
  - оиласаларнинг комплекс ва ижтимоий тавсифига кўра тури ва сони;
  - туғилиш;
  - аҳолининг яшаш шароитлари ва б.к.
2. Аҳоли табиий ҳаракати ходисаларининг жорий ҳисоби – асосан туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш ходисаларининг қайд этилишидир. Аҳоли табиий ҳаракатининг жорий ҳисоби икки нусхада қай етилиб, улардан бири архивга, иккинчиси эса фуқаролик ҳолатларини умумлаштириш, маълумотлар тўплаш ва қайта ишлаш учун статистика муассасаларига топширилади. Бироқ, бу маълумотлар жамланган ҳолда ҳам демографик жараёнлар интенсивлигини ифодаламайди. Демографик ходисалар ҳажми аҳоли сони билан боғлиқ. Масалан, аҳоли зич ҳудудларда иш ўринларининг камлиги ва ортиқча ишчи кучларининг тўпланиб қолиши ёки аксинча, аҳоли сийрак ҳудудларда иш ўринларининг кўплиги ва меҳнат ресурсларининг этишмаслиги ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин.
3. Аҳолининг жорий картотекасини турли маъмурий давлат органлари юритади. Бу картотекалар аниқ мақсадларни амалга ошириш мақсадида тузилади ва одатда аҳолининг барча қисмини қамраб олмайди, яъни маълум қисмини (микрорайон аҳолиси, баъзи социал гурухларни) ҳисобга олади.
4. Алоҳида ва маҳсус кузатувлар. Аҳолининг алоҳида гурухлари ҳақида маълумот олиш ва уни барча аҳоли гурухлари учун жорий этишда аҳоли рўйхатига нисбатан

кам куч талаб этади ва қўпроқ муаммоларни ўрганиш имконини беради.

**Асосий демографик қўрсаткичлар** - Аҳолига оид қўрсаткичларни иккига ажратиш мумкин, улар нисбий ва мутлоқ қўрсаткичлардир.

Мутлоқ қўрсаткичлар маълум вақтдаги демографик ходисалар йиғиндисидир (бу вақт оралиги кўпинча бир йилни ташкил этади). Масалан, унга маълум вақтдаги аҳоли, туғилганлар, ўлганлар сонини киритиш мумкин. Шунингдек, мутлоқ қўрсаткичлар орқали аҳоли ҳақида қўп маълумотга эга бўлиш қийин. Кўпроқ маълумотга ва таҳлилларга эга бўлиш учун илгариги маълумотлардан фойдаланилади. Бу, ўз навбатида, таҳлилий маълумотларга эришиш ва нисбий қўрсаткичларни ҳисоблаш имконини беради.

Қиёсий таҳлиллар учун фақатгина нисбий қўрсаткичлардан фойдаланилади. Мазкур қўрсаткичларнинг нисбий деб аталишининг сабаби шундаки, улар доимо қайсиdir аҳоли сонига нисбатан таққослаш натижасида ҳосил бўлади.

**Аҳоли сони қўрсаткичлари** - Аҳоли сони - аниқ вақтдаги аҳоли қўрсаткичи бўлиб, бу қўрсаткичлар орқали аҳолининг мутлоқ ўсиши, ўсиш тезлиги ва аҳолининг ўртacha сонини аниқлаш мумкин бўлади.

Аҳоли сони  $S$ , яъни маълум йилдаги аҳоли сонини аниқлаш учун

$$1) \bar{S} = \frac{S_0 + S_1}{2} \quad \text{- йил бошидаги ва охиридаги аҳолининг мутлоқ сони қўрсаткичларидан фойдаланилади.}$$

$$2) \bar{S} = \frac{\frac{1}{2} S_0 + S_1 + \dots + S_{n-1} + \frac{1}{2} S_n}{(n-1)} \quad \text{тeng оралиқ муддатларда (йил чораклари қўрсаткичлари асосида) ўртacha хронологик формуладан фойдаланилади.}$$

$$3) \bar{S} = \frac{\sum si \cdot ti}{\sum ti} \quad \text{тeng бўлмаган оралиқ муддатларда қўлланиладиган формула.}$$

**Аҳолининг табиий ҳаракати** - Аҳолининг табиий ҳаракати - туғилиш ва ўлим жараёнлари билан боғлиқ аҳоли сонининг ўзгаришидир.

Табиий ўсиш:  $\Delta_{tab} = D - O$  (4)

Унда,  $D$  – Туғилганлар (дунёга келганлар) сони,  $O$  - ўлганлар сони.

Аҳолининг табиий ҳаракати баъзан аҳолининг умумий коэффициенти ҳам деб аталишининг сабаби туғилиш ва ўлим қўрсаткичлари ҳисбланганда аҳолининг умумий сонига мос келади. Бироқ, аҳолининг табиий ҳаракати деб аташнинг маъқуллиги шундаки, туғилиш ва ўлим доимо турли табиий омиллар таъсирида бўлади ва маълум қонуниятларга мувофиқ юз берди.

Туғилишнинг умумий коэффициенти:

$$Udk = \frac{D}{\bar{S}} \times 1000 \quad (5)$$

Бугунги кунда туғилиш кўрсаткичлари мамлакат келгуси турмуш тарзини белгиловчи энг муҳим омилдир. Чунки, келгусидаги мамлакатнинг истъемол кўрсаткичлари ҳам айнан шу омил билан боғлик.

Ўлимнинг умумий коэффициенти:

$$Uo'k = \frac{O'}{\bar{S}} \times 1000 \quad (6)$$

Табиий ўсишнинг умумий коэффициенти:

$$Utab = \frac{d - o'}{\bar{S}} \times 1000 = Dk - O'k \quad (7)$$

**Механик ҳаракат кўрсаткичи, миграция** - Миграция – аҳолининг мамлакат худудидаги ёки давлатлараро механик ҳаракатидир.

1-жадвал

Миграцион оқимлар

	2004				2005		
	Келувчилар сони	Кетувчилар сони	Миграцион ўсиш (+), камайиш (-)	Келувчилар сони	Кетувчилар сони	Миграцион ўсиш (+), камайиш (-)	
Миграция	147398	243490	-96092	144778	246386	-101608	
Ички ҳудудий	140669	148009	-7340	137599	141395	-3796	
Халқаро миграция	6729	95481	-78752	7179	104991	-97812	
МДҲ ва Балтика давлатлари иштироқида	6597	92690	-86093	6989	102990	-96001	
МДҲ ва Балтика давлатларидан ташқари	132	2791	-2659	190	2001	-1811	

$$\Delta_{\text{meh}} = \Delta_{\text{kel}} - \Delta_{\text{ket}} \quad (8)$$

$\Delta_{\text{kel}}$  – кўчиб келувчилар,  $\Delta_{\text{ket}}$  – кўчиб кетувчилар.

Аҳоли сонининг умумий ўсиши:

$$\Delta_{\text{um}} = \Delta_{\text{tab}} - \Delta_{\text{meh}} \quad (9)$$

Унда  $\Delta_{\text{tab}}$  – табиий ўсиш;  $\Delta_{\text{meh}}$  – миграцион (механик) ўсиш.

Механик ўсиш коэффициенти:

$$K_{mex} = \frac{\Delta m_{ex}}{\bar{S}} \times 1000 \quad (10)$$

Бунда  $\bar{S}$  - аҳоли сонининг йиллик ўртача кўрсаткичи.  
Умумий ўсиш коэффициенти:

$$K_{ym} = K_{tab} - K_{mex} \quad (11)$$

Умумий коэффициентнинг афзалликлари қўйидагилардан иборат:

5. Аҳоли сонидаги фарқларни (ноаниқликларни) бартараф этади (у доимо минг кишига нисбатан ҳисобланади) ва худуддаги аҳоли сонини турли демографик жараёнлар даражаси билан қиёслаш имконини беради.
6. Мураккаб демографик ходиса ва ҳолатларни битта рақам ёрдамида ифодалайди ва воқеликни умумлаштирувчи хусусиятга эга.
7. Расмий статистик нашрларда умумий коэффициентларни ҳисоблаш учун илгариги маълумотлардан ҳам фойдаланилади.
8. Оммавий ахборот воситаларининг фойдаланиши ва омманинг тушуниши учун қулай.

**Ўзбекистон аҳолиси табиий ҳаракатининг умумий коэффициентларини ҳисоблаш** - 2003 йил маълумотларга кўра, Ўзбекистон аҳолиси йил бошида  $S_0=25523,0$  минг киши ва йил охирида  $S_1=25802,5$  минг кишини, туғилганлар сони  $D=546,2$  минг киши, ўлганлар сони  $O^*=139,0$  минг кишини ташкил этган. Шу маълумотларга кўра, аввало, аҳолининг йиллик ўртача сонини, сўнгра баъзи коэффициентларни ҳисоблаб топамиз:

$$\bar{S} = \frac{25523,0 + 25802,5}{2} = 25662,75 \text{ минг киши}$$

Туғилишнинг умумий коэффициенти:

$$Udk = \frac{D}{\bar{S}} \times 1000 = \frac{546,2}{25662,75} \times 1000 = 21,2\% \quad (12)$$

Ўлимнинг умумий коэффициенти:

$$Uo^k = \frac{O^*}{\bar{S}} \times 1000 = \frac{139,0}{25662,75} \times 1000 = 5,4\% \quad (13)$$

Табиий ўсишнинг умумий коэффициенти:

$$Utab\Delta k = \frac{D - O^*}{\bar{S}} \times 1000 = \frac{407,2}{25662,75} \times 1000 = 15,8\% \quad (14)$$

2003 йилдаги умумий ўсиш:

$$\Delta ym = S^{t+1} - S^t = 25802,5 - 25523,0 = 279,5 \text{ минг кишини}, \quad (4)$$

Табий ўсиш:

$$\Delta tab = D - O = 546,2 - 139,0 = 407,2 \text{ минг кишини}, \quad (5)$$

Миграцион ўсиш:

$$\Delta mex = \Delta um - \Delta tab = 279,5 - 407,2 = -127,7 \text{ минг кишини} \quad (6)$$

ташкил этган. Шунга мувофиқ равишда аҳолининг умумий ўсиш ва миграцион ўсиш коэффициентлари қўйидагича бўлган.

$$\Delta umk = \frac{279,5}{25662,75} \times 1000 = 10,8\% \quad (7)$$

$$\Delta mexk = \frac{-127,7}{25662,75} \times 1000 = -4,9\% \quad (8)$$

Натижа: 2003 йилда Ўзбекистон аҳолисининг табий ўсиши 407,2 минг кишини, миграцион (механик) ўсиши -127,7 минг кишини, умумий ўсиш 279,5 минг кишини ва туғилишнинг умумий коэффициенти 21,2 % ни, ўлимнинг умумий коэффициенти 5,4 % ни, табий ўсишнинг умумий коэффициенти 15,8 % ни ва шунга мувофиқ равишда умумий ўсиш коэффициенти -10,8 % ни, миграцион (механик) ўсиш коэффициенти -4,9 % ни ташкил этган.

**Хусусий демографик кўрсаткичлар** - Туғилишнинг маҳсус коэффициенти (аёлларнинг туғувчанлик коэффициенти) 15 ёшдан - 50 ёшгача бўлган аёлларнинг ўртacha ва йиллик туғилган болалар сонига нисбатан аниқланади:

$$F = \frac{D}{A_{15-49}} \times 1000 \quad (20)$$

Бунда  $F$ -туғилишнинг маҳсус коэффициенти,  $D$ -тирик туғилган болалар сони,  $\bar{A}_{15-49}$  - 15 ёшдан 50 ёшгача бўлган аёллар сони.

Масалан, туғиши ёшидаги аёллар сони 2003 йилда 7740 минг киши бўлса ва юқорида қайд этилганидек, 546,2 минг кишини ташкил этса, унда:

$$F = \frac{D}{A_{15-49}} \times 1000 = \frac{546,2}{7740} \times 1000 = 75,5\%$$

Шунингдек, маҳсус ва умумий коэффициент ўртасидаги ўзаро алоқадорлик мавжуд бўлиб, у қўйидаги формулага кўра аниқланади:

$$Dk = F \times A$$

Аҳолининг миграцион ҳаракати билан боғлиқ жараёнларни иқтисодий нуқтаи назардан таҳлил этишга дастлаб инглиз олими Е.Рейвенстейн эътибор қаратган. Унинг ҳисобларига кўра, маълум ҳудуддаги кўчиб келувчилар сони кўчган ва жойлашган ҳудудлар оралиғидаги масофага тескари пропорционал ва кўчиб кетган ҳудуддаги жами аҳоли сонига тўғри пропорционал [4].

Шу даврда австриялик олим Лиль шаҳар аҳолиси ҳаракатини кузатиш мобайнида ўзининг «Саёҳат қонуни»ни яратишга ҳаракат қилган. У тадқиқотларида темир йўл ўйловчилари ҳақидаги статистика натижаларига та янади. Шунга кўра, у Рейвенстейндан фарқли равишда нафақат миграция муаммоларини балки, транспорт

муаммоларини ҳам тадқиқ этган [5].

Машхур америкалик олим Ципф кўчиш ва жойлашиш ҳудудлари оралиғидаги миграцияни натижали баҳолаш мақсадида қуийдаги формулани таклиф этган:

$$M_{n,z} = \frac{B_n \cdot B_z}{E_{n,z}}$$

Унда,  $M_{n,z}$  - кўчиш  $n$  ҳудуддан жойлашиш  $z$  ҳудудига миграцион оқимнинг интенсивлиги,

$B_n$  - кўчиш ҳудуди аҳолиси сони,

$B_z$  - жойлашиш ҳудуди аҳолиси сони,

$E_{n,z}$  -  $n$  ва  $z$  ҳудудлар оралиғидаги масофа.

Мазкур формулага кўра, миграция оқими фаоллиги кўчиш ва жойлашиш ҳудудлари оралиғида ортган сайин, улар орасидаги масофа қисқариб боради.

Бу борадаги аниқроқ фор мула қуийдагича бўлиши мумкин:

$$M_{n,z} = K \frac{B_n \cdot B_z^{\alpha}}{E_{n,z}^{\beta}}$$

Унда,  $K$  – доимий бирлик. Унга кўра, бир томондан  $M$ ,  $B_n$ ,  $B_z$  ва иккинчи томондан  $E$  бирликлари орасида кўрсаткичли функция шаклидаги алоқа мавжуд[6].

Кўп корреляцияли юқори коэффициентларни аниқлаш учун барча омиллар ҳисобга олинади. Миграцион жараёнларни имитацион моделластириш ва миграциянинг экстраполяцион моделига И.С.Матлин ўзининг «Аҳоли жойлашувини моделластириш» асарида эътибор қаратган[7].

Масалан, 2003 йилда Ўзбекистонда аҳоли сони 25523 минг кишини, Россия аҳолиси 147000 минг кишини ва Қозогистон аҳолиси 15400 минг кишини; шунга мувофиқ равишда Ўзбекистоннинг миграция сальдоси -4916 кишини, Россиянинг Ўзбекистон билан миграция сальдоси 46653 кишини ва Қозогистоннинг Ўзбекистон билан эса 36712 кишини ташкил этган бўлсин.

Унда, 2003 йилда Ўзбекистоннинг миграция даражаси

$$Mo` = \frac{-4916}{25523000} \times 1000 = -0,19\%$$

бўлса, Россия ва Қозогистоннинг

Ўзбекистон билан миграция алоқалари даражаси:

$$Mo` = \frac{46653}{147000000} \times 1000 = 0,32\% \text{ ва}$$

$$Mo` = \frac{36712}{15400000} \times 1000 = 2,38\% \text{ бўлган.}$$

Миграция ҳажмига нисбатан унинг сальдоси аҳоли миграцион ҳаракатининг интенсивлигини белгилайди. Бу ҳолатни иммиграция ва эмиграция коэффициентларида кузатамиз.

$$K_{O^-, R} = \frac{50223}{25523000} \times 1000 = 2,0\%$$

$$K_{O^-, Q} = \frac{38529}{25523000} \times 1000 = 1,5\%$$

$$K_{R, O^-} = \frac{3570}{147000000} \times 1000 = 0,02\%$$

$$K_{Q, O^-} = \frac{1817}{15400000} \times 1000 = 0,12\%$$

**Демографик прогнозлаш** - Демографик прогноз ҳар қандай ижтимоий прогнозлаш ва режалаштириш асосида ётади. Прогноз қилинаётган даврдаги демографик жараёнларнинг барчаси аҳолининг умумий сони билан боғлик бўлади. Прогнозлашда аҳоли сонининг ўзгаришига таъсир этувчи омилнинг барқарор ёки бекарорлиги муҳим ўрин тутади. Аҳоли сонининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар барқарор бўлган шароитда қуидаги формуладан фойдаланилади:

$$S_t = S_0 \times \Sigma^{kt} \quad (21)$$

Бунда  $S_t$  - прогноз қилинадиган давр охиридаги аҳолининг умумий сони;  $S_0$  - прогноз қилинадиган давр бошидаги аҳолининг умумий сони;  $k$  - прогноз қилинаётган даврда аҳоли ўсишидаги тахмин қилинаётган коэффициент;  $t$  - прогноз қилинаётган давр оралиғидаги йиллар.

2015 йилда Ўзбекистон аҳолиси сони қанча бўлишини ҳисоблаб топамиз. 2003 йил бошида аҳоли сони 25523,0 минг кишини ташкил қилди. Прогноз қилинаётган давр аҳоли ўсишидаги тахмин қилинаётган коэффициент сифатида одатда аҳолининг умумий коэффициенти олиниши лозим. Бироқ, 2003 йилдаги миграция коэффициенти юқорилиги ва маълумки, бу доимий кўрсаткич эканлигини эътиборга олган ҳолда аҳолининг табиий ўсиш коэффициентидан фойдаланамиз. 2003 йилдаги аҳолининг табиий ўсиш коэффициенти эса 15,8% га teng бўлди. 1998-2003 йиллар давомидаги миграцион ўсишнинг ўртача коэффициенти -3,0% га teng, яъни

$k = U_k \Delta t_{ab} - \bar{\Delta}_{meh} = 12.8\% -$ деб қабул қиласиз ва (22) формуладан фойдаланамиз.

$$S_t = \frac{S_0}{1000} \times \Sigma^{kt} + S_0 \quad (22)$$

Унда, натижа қуидагича бўлади:

$$S_{2015} = \frac{25523,0}{1000} \times \Sigma^{12,8 \times 12} + 25523,0 = 29443,3 \text{ минг киши.}$$

Ўтган асрнинг 80 йилларида рус олими Д.Вересов 2020 йилда Ўзбекистон аҳолиси 40362 минг кишига етишини прогноз қилган. У даврда аҳолининг йиллик ўртача ўсиши 23,8% га тенг бўлган. Бироқ, умумий ўсиш коэффициентига турли омиллар (маълум давр оралиғида туғилишнинг камлиги, миграцион ўсиш) таъсир этиб туради. Шу боис, прогноз кўрсаткичлари нисбий ва кўп вариантили бўлади.

**2-мавзу: “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадли дастурлари.**

### **Ўзбекистонда аҳолининг демографик ривожланиши**

Бугунги кунда Ўзбекистонда ўзига хос демографик вазият вужудга келди ва у аҳоли ўсиш суръатининг пасайиши, туғилишнинг камайиши, аҳолининг ёш таркибида кекса ёшдагилар улушининг ортиши, ёшлар салмоғининг камайиши, шу билан бир вактда ўрта ёшдаги аҳоли сонининг кўпайишида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов БМТ Саммити Мингийиллик ривожланиш мақсадларига бағишлиланган ялпи мажлисидаги нутқида қуидагиларни таъкидлади: "...қарийб 20 йил мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошди"<sup>10</sup>.

2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда аҳоли сони 28453,7 минг кишини ташкил қилган. Аҳолининг умумий сонига кўра Ўзбекистон жаҳоннинг 230 мамлакати орасида 43, Осиёда эса 18-ўринда туради. Марказий Осиё республикалари жами аҳолисининг 45,0% Ўзбекистон худудида истиқомат қиласди.

Мустақиллик йилларида (1991-2010 йиллар) Ўзбекистон аҳолисининг сони 7,4 млн. кишига, яъни йилига ўртача 389,1 минг кишидан кўпайди. Ўтган қарийб 20 йил мобайнида республикада аҳоли сони – 1,35, шаҳар аҳолиси – 1,73, қишлоқ аҳолиси эса 1,1 мартаға кўпайди. Шу билан бирга республика ва унинг шаҳар ҳамда қишлоқ жойлари миқёсида аҳоли сонининг кўпайиш суръати турлича бўлди (12.1-жадвал).

12.1-жадвал маълумотларининг таҳлили 2006-2010 йиллар давомида жами аҳоли сонининг 2142,2 минг кишига ёки 8,1% га кўпайганлигини кўрсатади. Бироқ республиканинг шаҳар ва қишлоқ жойларида аҳоли сонининг ўсиш суръатларини бир меъёрда кечмаган. Жумладан, 2010 йилда 2006 йилга нисбатан шаҳар аҳолиси сони 53,9% га кўпайган бўлса, қишлоқ аҳолиси эса 17,8% га камайган. Шу билан бирга, бу даврда жами аҳоли таркибида шаҳар аҳолисининг улушки 36,0% дан 51,4% га

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов БМТ Саммити Мингийиллик ривожланиш мақсадларига бағишиланган ялпи мажлисидаги нутки // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь.

ортган, қишлоқ аҳолисиники эса 64,0 % дан 48,6 % гача камайган. Яъни мамлакатда аҳолининг урбанизация жараёни кучаймоқда. Қишлоқ аҳолиси сонининг камайганлиги эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2009 йил 13 марта даги 68-сонли қарорига қўра республикадаги 966 та қишлоқ пунктига шаҳарча мақоми берилганлиги билан изоҳланади.

### 12.1-жадвал


#### Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўзгаришдинамикаси (минг киши ҳисобида)<sup>11</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар					2010 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариши	+,-	%
	2006	2007	2008	2009	2010			
Жами аҳоли сони	26312, 5	27072, 2	27533, 3	28001, 4	28453, 7	2141,2	108,1	
Шундан:								
Шаҳар аҳолиси	9495,1	9584,6	9758,3	14327, 8	14618, 4	5123,3	153,9	
Қишлоқ аҳолиси	16817, 4	17487, 6	17775, 0	13673, 6	13835, 3	- 2982,1	82,2	

Республикада аҳоли сонидаги ўзгаришлар унинг бевосита ёш таркиби билан боғлиқ. Ўзбекистон аҳолисининг ҳозирги ёш таркиби XX асрнинг 90-йилларида бошланган туғилиш даражасининг қисқаришига қарамай ёш ҳисобланади. Яъни, аҳоли таркибида 30 ёшгача бўлган ёшлар улуси 62,1% ни, 16 ёшгача бўлган болалар улуси – 33,3% ни, 16-29 ёшдагилар улуси – 28,8% ни ташкил этади <sup>12</sup>. Шу билан бирга, статистик маълумотлар таҳлили сўнгги йилларда 0-15 ёшдаги аҳоли мутлақ сонининг камаяётганлигини кўрсатмоқда (12.3-расм.)

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари // <http://www.stat.uz>.

<sup>12</sup> Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009. – С.154-155.



### 12.3-расм. Ўзбекистонда аҳоли ёш таркибининг ўзгариши

2006-2010 йиллар давомида республикада аҳоли таркибида меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли сони 235,4 минг кишига ёки 2,6 % га камайган. Бундай тенденцияни бу гурӯҳнинг аҳоли таркибидаги улушида ҳам кузатишими мумкин. Масалан, 2006 йилда меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли улуши 35,0 % ни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 31,5 % га тенг бўлган. Мазкур ҳолат мустақиллик йиллари республикада туғилиш кўрсаткичининг камайганлиги билан изоҳланади. Жумладан, 1991 йили республикада туғилишнинг умумий коэффициенти 34,5 %<sup>13</sup> дан<sup>14</sup> 2010 йили 23,2 % гача<sup>14</sup> камайган.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида йиллар давомида шаклланган қадриятлар, урф-одатларда ўзига хос ўзгаришлар рўй берадиганлиги, халқнинг муносаб турмуш шароитини яратишга интилиш, омма ўртасида ҳомиладорликдан сақловчи тиббий воситаларнинг кенг тарқалиши, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлигининг ортиши, ҳар бир оила ўз иқтисодий имкониятларидан келиб чиқкан ҳолда фарзандлар туғилишини назорат этиши каби омиллар туғилиш кўрсаткичининг пасайишига олиб келди.

2006-2010 йилларда меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони – 13,6 % га, меҳнатга қобилиятли ёшдан юқори бўлган аҳоли сони эса 16,0 % га ортган. Таҳлил натижалари меҳнатга қобилиятли ёшдан катта бўлган аҳоли сонининг меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сонига нисбатан юқори суръатда ўстанлигини кўрсатади. Бу ҳолат иккинчи жаҳон урушидан кейинги “демографик тўлдириш” даврида туғилган аҳолининг бугунги кунда кексалар гуруҳи қаторига қўшилиши билан изоҳланади.

Аҳолининг кексайиши жараёни Ўзбекистон учун ҳам хос бўлмоқда. Республикада кечаётган демографик жараёнларнинг замонавий тенденцияларининг таҳлили аҳолининг ёш таркибида болалар салмоғининг камайиб, меҳнатга лаёқатли

<sup>13</sup> Демографический ежегодник Узбекистана 2003.– Ташкент, 2004.– С.127

<sup>14</sup> Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2010.– Ташкент, 2011.– С.46

ёшдаги ва қариялар салмоғининг ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида истиқболда мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши йўналишларида ҳам ўзига хос ўзгаришларнинг амалга оширилишини, аҳоли кексайишининг ҳудудий ва гендер жиҳатлари эътиборга олинган кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш лойиҳалари ва дастурларини ишлаб чиқиши талаб этади. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши демографик ривожланиш истиқболини белгилашга боғлиқ. Шуни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг 2025 йилгача бўлган даврдаги узоқ муддатли демографик прогнози “ёшни силжитиш” усулидан фойдаланиб, амалга оширилди.

Истиқболда демографик жараёнлар ва бу жараёнларнинг бориши билан боғлиқ юзага келадиган тенденциялар, биринчи навбатда, репродуктив ёшдаги аёллар сонининг истиқбол кўрсаткичларига боғлиқ (12.2-жадвал).

## 12.2-жадвал

### Ўзбекистонда репродуктив ёшдаги аёллар сонининг истиқбол кўрсаткичлари (минг киши ҳисобида)

Йиллар	Репродуктив ёшдаги аёлларнинг ёш гуруҳлари бўйича сони							
	15-19	20-24	25-29	30-34	35-39	40-44	45-49	15-49
2011	157,3	156,0	137,2	110,9	98,0	86,2	82,8	828,4
2012	153,4	157,6	143,5	114,6	99,6	88,8	82,6	840,1
2013	148,5	158,3	148,7	119,1	101,4	91,0	82,7	849,7
2014	143,3	158,7	151,9	123,9	104,2	93,2	82,9	858,1
2015	137,6	158,7	153,6	129,7	107,2	95,3	83,4	865,5
2016	131,5	156,8	155,3	136,4	110,1	97,1	85,2	872,4
2017	127,0	153,0	156,9	142,6	113,8	98,7	87,7	879,7
2018	124,3	148,1	157,6	147,8	118,2	100,5	90,0	886,5
2019	123,1	142,9	158,0	151,0	123,0	103,3	92,1	893,4
2020	129,2	137,2	158,0	152,7	128,8	106,3	94,2	906,4
2021	137,0	131,1	156,1	154,4	135,4	109,1	96,0	919,1
2022	145,6	126,7	152,3	156,1	141,6	112,8	97,6	932,7
2023	154,8	123,9	147,4	156,7	146,8	117,2	99,3	946,1
2024	164,3	122,8	142,3	157,0	150,0	121,9	102,1	960,4
2025	167,6	128,8	136,6	157,1	151,6	127,7	105,1	974,5
2025 йилда 2011 йилга нисбатан, %	106,5	82,5	99,5	141,6	154,7	148,1	126,9	117,6

12.2-жадвалдан кўриниб турибди, 2011 йилдан бошлаб республикада 15-19 ёш гуруҳидаги аёлларнинг сони кескин камая бошлайди. Сўнгра бу тенденция 2016 йилдан аҳолининг 20-24 ёш гуруҳига, 2021 йилдан эса 25-29 ёш гуруҳига ўтади. Бу тенденция республикада 1996 йилдан бошланган туғилиш даражаси кескин камайган даврда туғилган аҳолининг 15-19 ёш гуруҳига кириши билан изоҳланади. Туғилиш даражаси юқори бўлган 1980-1995 йилларда туғилган аҳоли когортасининг 30-34, 35-

39, 40-44, 45-49 ёш гуруҳларига ўтиши ҳисобига бу ёш гуруҳларидаги аёлларнинг сони мунтазам ортиб боради. Хусусан, 2025 йилда 2011 йилга нисбатан 30-34 ёш гуруҳидаги аёллар сонининг 41,6 %га, 35-39 ёшдагиларнинг – 54,7, 40-44 ёшдагиларнинг – 48,1, 45-49 ёшдагиларнинг эса 26,7 %га ўсиши кутилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, 1987-1991 йилларда туғилиш даражаси юқори бўлган даврда туғилган аҳолининг 2002 йилда 15-19 ёш гуруҳига ўтиши натижасида республикада туғилиш даражасининг бирмунча ортганлиги ҳисобига шу йилларда туғилган аҳолининг 2020 йилда 15-19 ёш гуруҳига, 2025 йилда эса 20-24 ёш гуруҳига ўтиши бу ёш гуруҳидаги аёллар сонининг ортишига олиб келади.

Аҳолининг кексайиши туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари динамикасида рўй берадиган такрорланмас ўзгаришлар оқибатидир (12.3-жадвал).

### 12.3-жадвал

#### Ўзбекистонда туғилиш ва ўлим коэффициентларининг истиқбол кўрсаткичлари (% ҳисобида)

Йиллар	Демографик кўрсаткичлар ( 1000 киши ҳисобида )					
	Жами аҳоли		Шаҳар аҳолиси		Қишлоқ аҳолиси	
	туғилиш	ўлим	туғилиш	ўлим	туғилиш	ўлим
2011	21,0	5,5	17,6	6,7	23,2	4,8
2015	21,9	5,7	18,8	7,0	24,8	4,9
2020	20,5	6,4	17,9	7,4	23,2	5,2
2025	19,2	7,2	17,3	8,5	21,9	6,0
2025 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)	-1,8	1,7	-0,3	1,8	-1,3	1,2

Прогноз қилинаётган даврда жами аҳолида, шу жумладан шаҳар ва қишлоқ аҳолисида ҳам туғилишнинг умумий коэффициентининг 2011-2025 йиллар давомида нисбатан камайиши ва бу тенденция барқарор бўлмаслиги кутилади. Хусусан, 2011 - 2015 йиллар давомида жами аҳолида туғилишнинг умумий коэффициенти 0,9 пунктга кўпайиши ва 2015-2025 йилларда 2,7 пунктга камайиши кутилади. Республика ва унинг худудларида 2015 йилгача бўлган даврда туғилиш кўрсаткичининг ортиши туғиш ёшидаги аёллар мутлақ сонининг нисбатан барқарор ўсиши ҳамда узок давр мобайнида туғилиш кўрсаткичининг нисбатан юқори бўлганлиги ҳисобига таъминланади. 2015 йилдан кейинги даврда туғилиш коэффициентининг бирмунча камайиши эса 1991-2000 йиллардаги туғилишнинг паст даврида туғилган аҳолининг асосий репродуктив ёшга (20-24, 25-29 ёш) кириши билан боғлиқдир.

Ҳисоб-китобларга қараганда, прогноз қилинаётган давр охиригача Ўзбекистонда ўлимнинг умумий коэффициентининг мунтазам ортиб бориши кутилади. Агар 2011 - 2025 йилларда республикада ўлимнинг умумий коэффициенти 1,7 пунктга кўпайса, шаҳар аҳолисида бу кўрсаткич – 1,8, қишлоқ аҳолисида эса 1,2 пунктга ортади. Бундай ҳолат мамлакат аҳолиси ёш таркибида нисбатнинг кекса ёш гуруҳига томон силжиши билан изоҳланади. Маълумки, қарияларда ўлим кўрсаткичи юқори ва бу ўз навбатида аҳоли ўртасида ўлим кўрсаткичининг кўпайишига олиб келади.

Асосий демографик жараёнларга хос бўлган юқорида кўрилган тенденциялар аҳоли ёш таркибига таъсир этади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда республика аҳолиси ёш таркибининг 2025 йилгача бўлган истиқболи аниқланди (12.4-жадвал).

#### 12.4-жадвал

#### Ўзбекистонда аҳоли ёш таркибининг истиқбол кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Бирлик	Йиллар			2025 йилда	2015 йилга
		2015	2020	2025	+,-	%
Жами аҳоли сони	минг киши	30189, 6	32346, 5	34390, 7	401,1	113,9
	фоиз	100,0	100,0	100,0	-	-
Меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли сони (0-15 ёш)	минг киши	9841,8	9995,0	9835,7	-6,1	99,9
	фоиз	32,6	30,9	28,6	-4,0	-
Меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони (16-54 ёшдаги аёллар, 16-59 ёшдаги эркаклар)	минг киши	17842, 0	19440, 2	21012, 7	3170,7	117,7
	фоиз	59,1	60,1	61,1	2,0	-
Меҳнатга қобилиятли ёшдан юқори бўлган аҳоли сони (55 ва ундан юқори ёшдаги аёллар, 60 ва ундан юқори ёшдаги эркаклар)	минг киши	2505,8	2911,3	3542,3	1036,5	141,3
	фоиз	8,3	9,0	10,3	2,0	-

Прогноз қилинаётган даврда республикада жами аҳоли сони 13,9 фоизга кўпаяди ва 2025 йилга бориб 34390,7 минг кишини ташкил қилиши кутилади. Бу давр мобайнида аҳоли таркибида меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли сонининг 0,1 фоизга камайиши, аксинча меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сонининг 17,7, меҳнатга қобилиятли ёшдан каата бўлган аҳоли сонининг 41,3 фоизга кўпайиши кузатилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳолининг ёш таркибидаги ўзгаришлар таҳлили асосида шундай хулоса қилиш мумкин, болалар сони мунтазам камайиб, аксинча меҳнатга лаёқатли ёшдаги ва ундан катта бўлган аҳоли сони ортиб боради. Бу ўз навбатида республиканинг барча ҳудудларида аҳолининг “куйидан” қариш жараёнининг ривожланаётганлигидан далолат беради.

Маълумотларга кўра, 1991-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг қариш индекси 6,1 пунктга кўпайган. Албатта, кўрилаётган даврнинг турли ораликларида ҳудудлар миқёсида аҳолининг қариш индексининг кўпайиш суръати турлича бўлган. Жумладан, 1991-1995 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида аҳолининг қариш индекси – 0,8, Тошкентда – 0,1, Навоий ва Хоразм вилоятларида – 0,6, Тошкент шаҳрида – 2,2 пунктга ўсан

бўлса, бу кўрсаткич Андижонда – 0,3, Самарқандда – 0,8, Жиззах, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида – 0,2 пунктга камайган. Демак, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Тошкент, Навоий, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида аҳолининг кексайиш жараёни 1991 йилдан бошланган ва бу бу тенденция 2000-2010 йилларда республиканинг барча ҳудудларига улар аҳолисининг ёш таркибида болалар мутлақ сонининг қисқариши ҳисобига қариш индекси кўрсаткичи ортиши билан ёйилди.

Ҳисоблаб чиқилган аҳолининг қариш индексига асосланган ҳолда ҳудудлар аҳолисининг кексайиш даражасини жаҳонда қабул қилинган демографик мезонга кўра уч гурухга ажратилди:

- биринчи гурухга – аҳолиси нисбатан суст кексаяётган ҳудудлар (20,0 % дан кам): Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари;
- иккинчи гурухга – аҳолиси ўртача даражада кексаяётган вилоятлар (20,0-30,0%): Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятлари;
- учинчи гурухга – аҳолисининг кексайиши юқори даражада бўлган ҳудудлар (30,0 % дан баланд): Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти киритилди.

Юқорида қилинган таҳлилларга асосланган ҳолда шуни айтиш керакки, аҳолиси нисбатан суст кексаяётган вилоятларда ҳам аҳолининг қариш индекси қўтарилиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида яқин келажақда республиканизнинг барча ҳудудларида ҳам аҳолининг кексайиш даражаси ривожланишини кўрсатади.

Ўз навбатида, аҳолининг кексайиши мамлакатлар миллий иқтисодиётининг ривожланишига ўз таъсирини ўтказади ҳамда бу жараён қуидаги қатор ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келади.

Биринчидан, кексалар улушининг ортиши аҳолининг иқтисодий фаоллигини пасайтиради. Одамнинг ёши қанча катта бўлса, маҳсулдорлиги шунчалик паст бўлади.

Иккинчидан, аҳолининг кексайиши иқтисодиётда ёшлар улуси камайишини англаатади. Бу эса иш билан банд аҳолини касб-малака ва тармоқ таркибининг ўзгариши жараёни ва бинобарин иқтисодиётнинг самарадорлиги ошишини секинлаштиради.

Учинчидан, пенсия жамғармаси зиммасига пенсиялар тўлаш харажатларининг бенихоя оғир юки тушади. Зеро, пенсионерлар улушининг кўпайиши билан бир йўла пенсия жамғармаларига маблағ тўлаб борадиган меҳнатга қобилиятли аҳоли салмоғи қисқаради.

Тўртинчидан, кексаларга тиббий хизмат қўрсатиш учун қўшимча маблағ сарфлаш, геронтологик муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бутун соғлиқни сақлаш тизимини сифатли тарзда қайта қуришни талаб қиласади.

Бешинчидан, ҳали ишлашни истайдиган “ёш қариялар”ни иш билан таъминлаш лозим. Бу осон вазифа эмас, чунки пенсия ёшига етмаганларга ҳам иш ўринлари етишмайди.

Олтинчидан, аҳолининг кексайиши моддий ишлаб чиқариш ва хизмат қўрсатиш соҳасининг таркибига таъсир қўрсатади, яъни аҳоли бу гурухининг талаб-эҳтиёжларига мувоғиқ равишда товар ва хизматлар ассортиментини ўзгартиришга

тўғри келади. Баъзи технологик операцияларни ҳам ўзgartiriш, машина ва усқуналарни ходимларнинг ёш хусусиятларига мослаштириш керак. Транспорт воситалари ҳам кексаларнинг талабларига монанд бўлиши лозим.

Аҳолининг кексайиши шароитида қарияларнинг турмуш фаровонлигини ошириш учун қуидаги чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатини яхшилаш;
- нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан қарияларни манзилли ижтимоий қўллаб-куватлаш даражасини янада кучайтириш;
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида гериатрик марказ ва республиканинг барча туман ва шаҳарларида шу марказнинг бўлимларини очиш ҳамда улар томонидан аҳолининг шу категориясига кўрсатиладиган тиббий хизмат турларини кўпайтириш;
- бакалавриат ва магистратура йўналишлари классификаторига “Геронтология”, “Гериатрия” ихтисосликлари, тиббиёт коллежларида “Патронаж ҳамшираси”, “Ижтимоий ходим” ихтисосликларини киритиши бўйича давлат таълим стандартларида ўзгартришлар киритиши ва шу ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиши;
- барча маҳаллаларда қариялар учун мўлжалланган кундузги мулоқотда бўлиш ва ҳордик чиқариш жамоатчилик марказларини кўпайтириш;
- ёлғиз кексаларга ўз уйида ижтимоий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш.

**З-мавзу: Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, барқарор ривожланиш Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш омиллари. (2 соат)**

## **2. Режа:**

1. иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва барқарор ривожлантириш
2. Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш.
3. Мехнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор сифатида.

### **1. Аҳоли иш билан бандлигининг ижтимоий-иктисодий моҳияти.**

**Аҳолини иш билан бандлиги** инсон ижтимоий ривожланишининг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, у меҳнат масалалари билан боғлиқ муаммоларни ҳамда меҳнатга бўлган талаб ва таклифларни қондириш йўлларини очиб беради.

**Иш билан бандлар – а)**пул билан тўланадиган ёки натурал холидаги ҳақ эвазига ёлланиб, шунингдек, ўз фаолияти эвазига қанча муддат ҳақ ёки даромад олишидан қатъий назар, фойда ёки оиласиб даромад олиш учун ёлланмасдан ҳафтасига камида 2 соат мобайнида иш бажарган; б) касаллиги ёки жароҳатланганлиги туфайли, беморларга қараб туриш учун; йиллик меҳнат таътили ёки дам олиш кунларида; ўз

иш жойидан ташқаридан таълим олганлиги учун; маъмурият ташаббуси билан таъминоти сақлаб қолинган ёки сақлаб қолинмаган ҳолда меҳнат таътилида бўлган ва бошқа шунга ўҳшашибаблар билан вақтинча ишда бўлмаган; в) оилавий корхонада ҳақ олмасдан иш бажарган шахслар ҳисобланади.

## **2.Иш билан бандликнинг турлари.**

Ижтимоий меҳнатда қатнашиш усули бўйича аҳолининг иш билан бандлиги иш билан ёлланиш бўйича бандлик ва ўз-ўзини ёллаш туфайли мустақил равишида иш билан банд этиш билан харakterланади. Иш билан ёлланиш бўйича бандлик ишлаб чиқариш воситалари эгалари билан ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмаган ва бўлғуси меҳнатини (ўз ишчи кучини) иш ҳақи шаклидаги муайян қийматга алмашиниш тарзida сотадиган ходимлар ўртасида юзага келадиган муносабатлардир.

Ёлланиб ишлайдиганлар – иш билан бандларнинг энг кўп сонли гур ухи бўлиб, мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидаги корхона раҳбари ёки алоҳида шахс билан пул ёки натура ҳолида ҳақ оладиган меҳнат фаолияти шартлари ҳақида ёзма меҳнат шартномаси, контракт ёки оғзаки битим тузган шахсларни ўз ичига олади.

Ўз-ўзини ёллаш туфайли мустақил иш билан бандлик (self-employment) аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда нисбатан янги шаклдир. Бу шундай ижтимоий, ҳуқуқий муносабатларки, уларга кишилар ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашиш туфайли киришадилар.

Иқтисодиёт ва инсоннинг эҳтиёжларига тўғри келиши даражасига қараб иш билан бандлик **оқилона, самарали маҳсулдор ва энг мақбул** кўринишда бўлиши мумкин.

Иш билан оқилона бандлик агрегацияланган ижтимоий-иктисодий тушунчадир.

Иш билан самарали бандлик ижтимоий бошқарувнинг жамият ривожининг мазкур босқичида турмуш тарзининг мезонлари тақозо этадиган ходимларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий шарт-шароитларини тиклаб боришга қодирлигини назарда тутади.

Иш билан маҳсулдор бандлик шундай иш билан бандликки, у ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадларига жавоб беради.

Иш билан энг мақбул бандлик инсоннинг доимий иш билан банд бўлишга давлат томонидан кафолат бўлмаган тақдирда жамиятда муайян мавқе эгаллашини таъминлайдиган шахсий таркибда ҳақ тўлаш шарт-шароитлари асосида моддий ва маънавий неъматлар яратиш мақсадида меҳнат жараёнида қатнашишидир.

## **3.Аҳолининг иш билан бандлигини тартибга солиш.**

Давлатнинг тўлов талабини кўпайтиришга йўналтирилган хилма-хил усуллар воситасида иқтисодиётга аралашуви орқали иқтисодий фаолликни рағбатлантириш ва бунинг натижасида иш билан бандликни кенгайтиришга эришиш мумкин.

Ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим мезони иш билан бандликка бўлган муносабатдир. Иш билан бандлик комплекс ижтимоий сиёсатнинг ажралмас қисми деб қаралади. Иш билан бандлик муаммоларининг ижтимоийлиги унинг аввал,

бошдан инсон, унинг манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги эҳтиёжларига қаратилганлиги билан белгиланади.

Аҳолини иш билан таъминлашга таъсир қўрсатиш усулларига қуидагиларни киритиш мумкин:

- бевосита (маъмурий) усуллар: қонун йўли билан тартибга солиш; меҳнат қонунчилиги, жамоа шартномалари.
- билвосита (иктисодий) усуллар: молиявий, монетар, фискал (хазина) сиёсати.

#### **4. Ўзбекистон Республикасида аҳолини иш билан бандлик сиёсати.**

Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати қуидаги тамойилларга асосланади:

- меҳнат қилиш ва ишни эркин таъминлаш ҳуқуқини амалга оширишда барча фуқароларга жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, мансаб мавқеи, динга муносабати, эътиқоди ва жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик жиҳатлари ҳамда улар меҳнатининг натижаларига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлардан катъий назар тенг имкониятларни таъминлаш;
- кишиларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-куvvatлаш ва рағбатлантириш, уларда меҳнат қилиш ва ҳаёт кечиришда муносиб шароитларни таъминлайдиган унумли ва ижодий меҳнат қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;
- меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги;
- иш билан таъминланиш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ва аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш;
- ижтимоий ҳимояга ўта муҳтоҷ ва иш топишда қийналаётган фуқаролар учун мавжуд иш жойларини сақлаб қолаёттан ва янги иш жойларини яратаБёттан иш берувчиларни рағбатлантириш;
- иш билан таъминлаш соҳасидаги тадбирларни ижтимоий ва иктисодий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириш;
- аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишда давлат органлари, касаба уюшма-лари, ходимларнинг вакиллик органлари ва иш берувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги;
- аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда давлатлараро ҳамкорлик<sup>15</sup>.

#### **5. Аҳолини иш билан бандлигини ошириш йўналишлари.**

Иш билан бандлик сиёсати умумдавлат (мақродаражага), минтақавий ва маҳаллий даражаларга эга. Иш билан бандлик сиёсатининг барча даражалари ягона иш билан бандлик концепцияси билан бирлашган, бу концепция иктисодий ривожланишнинг қабул қилинган типини акс эттиради.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни 5 -моддаси, Тошкент, 2002.

Макродаражадаги иш билан бандлик сиёсати ижтимоий бозор иқтисодиётидаги иш билан бандликнинг асосий хусусиятларини шакллантириш: фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳукуқини амалга ошириш ва юқори турмуш даражасига эришишнинг зарур шарти бўлган иш билан тўлиқ бандликни таъминлашга қаратилган. Маълумки, бозор иқтисодиёти бошқарув усулларида иқтисодиёт самарадорлигини ошириш, хўжалик юритиш соҳаси иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган иш ўринларини сиқиб чиқариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва аҳолининг истеъмол талабини қондириш учун ишчи кучини қайта гурухларга бўлишга қаратилган. Бундай шароитда иш билан тўлиқ бандликка кўмаклашиш стратегик мақсад бўлиб қолади.

Энг яқин тактик мақсад иш ўринларига бўлган талаб ва таклифнинг балансланишидир. Бунга фақат ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф балансли бўлишига эришиш шартларига комплекс ёндашув билан эришиш мумкин. Бу муаммони ҳал қилишда, кўпинча оммавий ишсизликнинг олдини олишнинг зарур шарти бўлган иш ўринларитизимини ривожлантиришга эътибор берилади.

Аҳолининг қайта барпо бўлишида ўғил болаларнинг кўпроқ туғилиши муҳим ўрин тутади. Чунки аёлларга нисбатан эркаклар ўлими деярли дунёнинг барча минтақаларида сақланиб келмоқда. Аҳоли қайта барпо бўлишининг барқарорлашуви мунтазам янгича кўриниш касб этувчи ишлаб чиқаришни, илм-фанны етарли даражада кадрлар билан ечиш учун хизмат қиласи. Шу ўринда турмуш қурувчиларнинг ёши ҳам муҳим ўрин тутади. Жуфтликларнинг мувофиқлигини немис олими Зельгейм қуидаги нисбатда белгилайди:

Агар аёл ёши	бўлганда эр как ёши
21 ёш	27 ёш
25 ёш	32 ёш
28 ёш	35 ёш
31 ёш	39 ёш
35 ёш	45 ёш
38 ёш	50 ёш

1979 йилда демограф олим А.Г.Вишневский шундай деган: «Аҳолининг қайта барпо бўлиши – гўё ўзгармас доимий жараён сифатида илм-фан диққатини узоқ вақт ўзига тортмади. Вақт ўтиб, унда шундай ўзгаришлар содир бўлдики, натижада катта ҳажмдаги муаммолар пайдо бўла бошлади ва бу муаммоларнинг ечимини топишга бутун дунё фани тайёр эмаслиги маълум бўлиб қолди». 1974 йилга келиб йирик демограф олим Б.Ц.Урланис «Проблемы динамики населения СССР» номли асарида аҳолининг келгусидаги ўсиш темпи вариантларини келтириш баробарида ишлаб чиқариш ва истеъмол масштабини белгилаш бевосита аҳолисининг келгусида қанча бўлиши билан боғлиқ эканлигини асослашга ҳаракат қилди.

Профессор Б.Ц.Урланис - режалаштирилган иқтисодиётда аҳоли сонининг ўсишини прогнозлаш ўзига хос роль ўйнаганини эътироф этгани ҳолда демографик жараёнларнинг ҳаракатини кузатиш асносида келгусида ишлаб чиқаришдаги қилиниши лозим бўлган биринчи даражадаги ишларни белгилаб беришини таъкидлайди.

Аҳолининг қайта барпо бўлиши тўғрисида гап кетганда, профессор Б.Ц.Урланис ҳисоби бўйича қўпайиш самарали натижаларни беради. Унга кўра, 200 ота-она учун болалар сони 265 та бўлиши аҳолининг қайта барпо бўлишининг самарали кечишини таъминлайди. Шундагина балағот ёшидаги эркак ва аёллар ўртасидаги мутоносибликни таъминлайди, яъни 1,00. бирликни ҳосил қиласди. Аҳолининг қайта барпо бўлиши турли даврларда турлича бўлган. Масалан, 1926-1927 йилларда 1,68; 1958-1959 йилларда 1,26; 1968-1969 йилларда 1,11. Агар, у 1,00 бирликдан юқори бўлса, аҳолининг қайта барпо бўлишида мусбат ўзгариш юзага келади. Бу ўз ўрнида, аҳолининг яшаш шарт-шароити (шаҳар, қишлоқ) билан ҳам боғлиқ. Кейинги 30 йил давомида, ҳозирги Марказий Осиёда аҳолининг қайта барпо бўлиши ўртacha 2,5 коэффицентни ташкил этди.

1,00 - депопуляциянинг бошланиш даражаси бўлиб, иккинчи жаҳон урушига қадар дастлаб Францияда кузатилди. 1930 йилларда туғилиш кўрсаткичлари ўлим кўрсаткичларидан пасайиб кетди. Аҳолининг қайта барпо бўлиши 0,87 га тушиб қолди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда туғилишнинг рағбатлантирилиши аҳолининг такрор барпо бўлиши коэффициентида 1,31, яъни 1,5 марта ўсишига олиб келди. Франция аҳолиси 1945 йилда 40 млн. бўлган бўлса 1965 йилга келиб (20 йилда), 50 млн. кишига етди.

## 2 §. Аҳолининг табиий харакатининг умумий, тарихий ва регионал жиҳатлари

1960 йилларда меҳнат ресурсларининг халқаро аралашуви ишлаб чиқаришни юксалтиришдаги омиллардан бири сифатида майдонга чиқди ва у иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига таъсир этиши ҳамда унинг сабаби сифатида давлатларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш даражасидаги тафовутлар эканлиги илмий асос сланди.

Неоклассик ёндошув тарафдорлари фикрига кўра, «ҳар бир киши ўз меҳнати орқали яратган маҳсулотни олади ва истеъмол қиласди», улар фикрича, эмиграция қабул қилувчи давлатларнинг иқтисодий ривожланишида ижобий ўзгаришларни содир этади. Эмиграция қилинадиган давлат эса ўз ҳолича қолади ёки ҳар қандай ҳолатда унинг иқтисодиётида салбий ўзгариш бўлмайди. Бироқ, неокейнсчилар меҳнат ресурслари, айниқса, юқори ихтисослашган, яъни сифатли ишчи ёки хизматчилар эмиграцияси юз берган давлатлар иқтисодиётида салбий ўзгаришлар бўлишни тан олдилар.

Эрамизнинг бошларидан дунё аҳолиси XIX асрга қадар 710 млн. кишига, XX асрга қадар 4590 млн. кишига ва 1990 йилларга қадар 23 марта ошган. XX аср бошларига қадар болалар ўлими юқори эди. У даврда яхши таъминланган ва маданиятли оиласларда ҳам болаларнинг яшаб кетишига кафолат йўқ эди. Оқибати ўлим билан тугайдиган болалар касалликларини даволаш яхши йўлга кўйилмаганлиги сабабли шундай ҳолат юзага келган. 1950-1990 йиллар давомида дунё аҳолиси 2,1 марта, жумладан, Хорижий Европада 1,3, Шимолий Америкада-1,6, Австралия ва Океанияда 2,0, Хорижий Осиёда 2,2, Лотин Америкасида 2,7, Африкада 2,9 марта ошди.

XX аср бошидан II жаҳон урушига қадар ҳозирги ҳамдўстлик давлатларида демографик жараёнлар таҳлилиниң диққат марказида авваломбор Россия, кейин Собиқ иттифоқнинг Европа қисми турарди. Бу давр миграцияси ҳам янги ерларни

ўзлаштириш билан боғлиқ бўлди. 1926 йилдан 1939 йилга қадар Россия аҳолиси иилига 1318,3 минг кишига, Озарбайжон аҳолиси 895,9 минг кишига, Украина 159,7, Ўзбекистон аҳолиси 143,0 минг кишига ўсиб борди. 1959 йилда Қозоғистонда жами аҳолининг 42,7%и, Қирғизистонда 30,2%и, Украинада 16,9%и, Ўзбекистонда 13,5%и ёки собиқ Иттифоқдаги барча русларнинг шунга мувофиқ равишда 3,5; 0,5; 6,2; 1,0 фоизи яшаган.

Халқ хўжалигини ривожлантиришга асосланган аввалги тизимда меҳнат ресурсларининг ички миграциясига ҳам режалаштирилган иқтисодиётнинг таъсири юқори бўлди. Айниқса, 70-йилларда қишлоқларни шаҳарларга тенглаштиришга қаратилган сиёsat оқибатида миграциядаги эркин ҳарақат издан чиқди. Аслида шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги тавофут доимо мавжуд бўлган ва бундан кейин ҳам шундайлигича қолади. Масалан, ўша даврда ташкил қилинган шаҳар типидаги аҳоли пунктлари (сохта шаҳарлар) бугунгача шаҳарга айланиб улгурмади. Чунки шаҳарлардаги саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиб бориши учун малакали ва сифатли меҳнат ресурсларига эҳтиёж сақланиб қолади. Бу тўғрисида 70-йилларда В.И.Перевенденцев, Ж.А.Зайончковская, ТИ.Заславскаялар ўз тадқиқотларида изоҳ бериб ўтишган. В.И.Перевенденцев: «Қишлоқ аҳолиси – шаҳар ёшлирига нисбатан таққосланганда, шаҳар ишчиларининг ўрнини тўлдириш учун бироз билимсизроқ, аммо ҳозирда ишлаётган ишчиларга нисбатан анча уқувли» - эканлигини таъкидлаган. 90-йиллардан бошлаб Дунё мамлакатларида аҳолининг ҳам ички, ҳам ташқи миграциясининг фаоллашуви Европа, сабиқ Иттифоқ ва бошқа минтақаларда аҳолининг ҳудудий тақсимланишига сабаб бўлди. Масалан, Югославиянинг беш давлатга парчаланиб кетиши ва ҳарбий урушлар оқибатида 2,5 млн.дан ортиқ кишининг қочоқлар қаторига қўшилишига сабаб бўлди. Шу йиллар давомида 125 млн. дан ортиқ киши ўз юртидан ташқарида яшаганлиги қайд этилган. Европада саноатнинг энг оғир тармокларида иммигрантлар ишлашади. Масалан, Францияда қурилишида банд бўлганларнинг 1/4 қисми ва автомобилсозликда банд бўлганларнинг 1/3 қисми, Швейцарияда қурилишда банд бўлганларнинг 2/5 қисмини иммигрантлар ташкил этади.

Албатта, бутун саноат ёки иқтисодиётни ташқаридан ишчи кучи ёллаш орқали сифатли меҳнат ресурслари билан таъминлаш ёки иқтисодиётни барқарорлаштириш мумкин эмас. Бунда асосий эътибор мамлакатнинг ичидаги малакали мутахассислардан самарали фойдаланишига қаратилади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдаги демографик жараёнлар бевосита янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва меҳнат ресурсларининг жойлашуви билан боғлиқ бўлди.

XX асрнинг иккинчи ярмида бир неча юз минглаб зиёлиларнинг халқаро меҳнат миграциясига келиб қўшилиши «ақлли идрокли одамлар» («Утечка мозгов» ёки «Brain drain») нинг бошқа юртларга ўтиб кетиши одатий ҳол бўлиб қолди. Масалан, 80-йилларнинг бошида Буюк Британия Араб мамлакатларининг 600 та олими, 45 мингдан ортиқ университет маълумотига эга бўлган киши ишлаган. Баъзи маълумотларга кўра, бу даврда АҚШдаги миллий академия аъзоларининг 1/4 қисми, Нобель мукофоти совриндорларининг 1/3 қисмини хорижий мутахассислар ташкил этган.

Бугунги кунга келиб, реэмиграция масаласида кўпгина Ғарб мамлакатлари фаол

тадбирларни ишлаб чиқмоқда. Масалан, Франция, Нидерландия каби давлатлар реэмиграцияга йўналтирувчи дастурларни ишлаб чиқсан. Бироқ, ривожланаётган давлатларнинг кўпчилигида меҳнат ресурсларини экспорт ёки импорт қилишга эҳтиёж мавжуд. Масалан, илмий башоратларга кўра, 2025 йилга бориб, Россия аҳолиси 147 млн. дан 134 млн. кишига камайиши оқибатида Россиянинг 11 млн., Қозоғистонда млн. киши (меҳнат ресурслари) га эҳтиёж ортади. Меҳнат ресурслари экспорти ва импортидан самарали фойдаланиш ва унинг сифатига эътибор қаратиш чет эл валютаси ёки тажрибаси кириб келишининг асосий манбаларидан биридир.

Бу даврда барча миграцияларнинг 85%дан ортироғи Россия Федерацияси, Украина ва Қозоғистон ҳиссасига тўғри келган. Кўчиб келганлар ҳиссаси Қирғизистон, Арманистон, Туркманистон, Узбекистон, Қозоғистон республикаларида юқори бўлган. Шунингдек, кўчиб кетувчилар ҳиссаси юқори бўлган республикаларга Туркманистон, Узбекистон, Қирғизистон киритиш мумкин. Бу мамлакатларга барча кўчиб кетувчиларнинг 50% дан ортигини ташкил этади. Демак, бу давр Туркманистон, Узбекистон, Қирғизистонда аҳоли ҳаракати тарихида миграцион фаоллик энг юқорилиги билан из қолдирган.

Миграция сальдоси энг юқори мусбат кўрсаткичга эга бўлган республикаларга Россия, Украинани киритиш мумкин. Манфий миграция сальдоси юқорилигига кўра, Узбекистон (-1540), Грузия (-1036), Озарбайжон (-875) республикалари ажralиб туради. Яна шуни таъкидлаш жоизки, ўша йиллардаги Грузия аҳолисининг 22,1%и, Озарбайжон аҳолисининг 17,0%и бошқа республикаларга кўчиб кетишган.

Ер шарида сўнгги вақтда йилига 135-137 млн бола туғилиб, 53-55 млн киши ўлмоқда. Табиий ўсишнинг миқдори 82-84 млн. кишини ташкил қилади. Дунёда туғилишнинг жуда кўп коэффициентлари Африкага регионлар ичida Африканинг барча регионлари ҳамда Марказий Америка ва Фарбий Осиёга жуда паст коэффициентлари Шимолий Америкага, Европа, Россия ҳиссасига тўғри келади.

Аҳоли сони ва унинг таркибига гўдаклар ўлими ҳам жуда катта таъсир кўрсатади. Ер шарида 1999 йилда жами 7,8 млн бола бир ёшга етмасдан ўлганлиги қайд этилди. Шундан сал кам 2 миллиони Ҳиндистонга, 631 мингтаси Хитойга тўғри келади. Покистон, Бангладеш, Индонезия, XXДР, Бразилия, Нигерия, Эфиопия, мамлакатларида ҳозирги вақтда йилига 200-500 минг бола бир ёшга етмасдан ўлмоқда. Афғонистон, Бутан, Гвинея, Либерия, Мозамбик, Чад ва бошқа жами 26 мамлакатда 100 юқори, 42 мамлакатда 50 дан 100 промиллегача бўлган кўрсаткич билан аниқланмоқда. Болалар ўлими мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти даражаси билан тескари алоқага эга. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда болалар ўлими коэффициенти 4-8 промиллега ўзгаради. Ижтимоий-сиёсий вазияти беқарор, иқтисодий қолоқ бўлган мамлакатлар да мазкур кўрсаткич одатда 100 дан ортиқ, айрим ҳолларда 50 дан ҳам юқори даражага эгалиги билан ажralиб туради.

Аҳолининг турмуш даражаси ва у билан узвий боғлиқ бўлган табиий ҳаракати жараёнлари ҳамда шаклланган ёш таркиби орқали унинг ўртacha умр даври аниқланади. Аҳолининг ўртacha умр даври 1999 йил 66 ёшга teng бўлди.

Бу кўрсаткич иқтисодий ривожланган мамлакатларда (Япония, Швеция, Швейцария жами 57 давлат) 77-81 ёшни, қолоқ мамлакатларда 42-60 ёшни ташкил

этади. Ўртача умр даврини энг юқори кўрсаткичлари Японияга (81 ёш), Францияга ва яна 17 мамлакатга 78-79 ёш энг паст кўрсаткичлари Марказий Африка Республикаси (41 ёш), Афғонистон (43 ёш) ва Гвиния (44 ёш) мамлакатлари хосдир. Ўзбекистонда ўртача умр даври эр қакларда 66 ёшга аёлларда 72 ёшга, ўртача 69 ёшга тенг. Сўнгги кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунё мамлакатлари ичидаги 101-107 ўринларда жойлашган. Тарихий умр даври атиги 25 ёшга тенг бўлганлигини асослайди. Ўрта асрларда бу кўрсаткич тахминан 30 ёшгача кўтарилиди. Мана шу ўртача кўрсаткичлар умр даври юқори бўлган инсонлар мавжудлигини инкор қилмайди.

### **3 §. Демографик жараёнлар ва меҳнат ресурсларининг шаклланиши**

Меҳнат ресурслари сони ва сифати мамлакатлар иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. 2004 йилда Ўзбекистонда меҳнат ресурслари жами аҳолининг 54,3 фоизини ташкил этди. 2000 йилдан кейинги даврда меҳнат ресурслари сони йилига ўртача 400 минг кишига ортиб бормоқда. Мамлакат аҳолисининг ўртача ёши 25 ёшни ташкил этиб, давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш даражаси билан белгиланувчи мазкур омил, ўз нФавбатида, уни ривожлантириш ва тараққий эттиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Республика аҳолисининг сони 2005 йилда 26,3 млн. кишини ташкил этди. Ўзбекистон аҳолиси йилига салкам 300 минг кишига кўпаймоқда. Ҳозирги кунда мамлакат аҳолисининг ўсиши – йилига ўртача 1,2% га тенг. Аҳолининг табиий ўсиши коэффициенти юқори бўлган вилоятларга Сурхондарё (19,2%), Қашқадарё (19,4%), Жizzах (17,6%) вилоятлари киради.

Ўзбекистонда аҳолининг 36,7 фоизини 14 ёшгача бўлганлар ташкил қиласди. 2004 йилда аҳолининг табиий ўсиши ҳар 1000 кишига 15 кишини ташкил қиласди. 2005 йилнинг бошида қишлоқ жойларда 16,6 млн. киши ёки мамлакат аҳолисининг 63,6 фоизи яшади. Қишлоқ аҳолисининг умумий таркибида 8,8 млн. киши ёки 54,08 фоиз аҳоли меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган ёшда. Шундан 5,5 миллион киши (70,5 фоизи) иш билан банд. Статистик маълумотларда қайд этилишича, банд аҳолининг 30,9 фоизи қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Аҳоли тўғрисидаги бу маълумотлар унинг республика қишлоқ хўжалиги учун нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради.

Шунингдек, меҳнат ресурслари бандлиги борасида айрим худудий номутоносибликлар ҳам мавжуд. Бу номутоносибликлар қишлоқ хўжалигига янги хўжалик юритиш шаклларининг ривожланиши билан ўз ечимини топади. Қишлоқ жойларда меҳнат базаларининг асосий муаммоси – иш ўринларининг талаб даражасидан пастлигидир. Бу узок даврлар давомида қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли пайдо бўлган.

Бундай номофиқликлар ишсизлик, ишлашни хоҳлайдиган, лекин турли сабабларга кўра бандлик хизматларида рўйхатга олинмаган меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли тўпланганлиги билан боғланган. Қишлоқ жойларда меҳнатни қўллаш соҳаларининг камлиги туфайли иш кучига бўлган талабнинг пастлиги амалда республиканинг барча миңтақаларига хос хусусият бўлиб, ишчи кучларининг қўшни давлат Қозоғистон ва Россияга яширин миграцияси ҳам шу хусусиятларга боғлиқ

бўлмоқда.

Маълумки, собиқ Иттифоқ парчаланиб, унинг ўрнида пайдо бўлган мустақил суверен давлатларда 25 миллион рус миллатига мансуб аҳоли бор эди, ҳозиргача уларнинг кўпчилиги Россияга қўчиб ўтди. Россия ҳозирги кунда МДҲ давлатлари орасида ишчи мигрантлари оқими қаратилган давлат бўлиб қолмоқда ва келажакда ҳам шундай бўлади. Муаллифларнинг фикрича, бунга қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

биринчидан, Россиядаги демографик вазият, масалан, 2003 йил Россияда туғилиш коэффициенти ҳар минг кишига 9,0%, ўлим эса 15,0% ни, табиий кўпайиш манфий 6,0% ни ташкил этган;

иккинчидан, Россиянинг бепоён ҳудудидаги табиий ресурсларнинг ўзлаштирилиши;

учинчидан, МДҲ давлатларидағи аҳолининг кўпчилиги рус тилида гаплаша билишидир.

Россия учун ҳозир ҳам, келажакда ҳам Марказий Осиё республикалари асосий ишчи кучи билан таъминлайдиган мамлакатлар бўлиб қолади, чунки ушбу республикаларда ҳали ҳам туғилиш даражаси анча юқори [1]. Ўзбекистон Марказий Осиёда табиий ўсишнинг юқорилигига кўра, бошқа мамлакатлардан фарқ қиласи. 2000 йилда ноқонуний мигрантлар сони Россияда – 1,3-1,5 млн. кишини, Қозоғистонда 200 минг кишини, Ўзбекистонда 30 минг кишини ташкил этган. Шу ўринда, Ўзбекистондан Россияга бориб ишлаб яширин миграцияни ҳосил қилаётганлар сони 231 минг кишини ташкил этади. МДҲ давлатлари ўртасида содир бўлаётган миграция тебранма (маятниксимон миграция) хусусиятига эга.

Марказий Осиё давлатларидан МДҲнинг бошқа ҳудудлари жумладан, Россия, Украинага ишлаш учун кетаётганлар орасида врачлар ва бошқа юқори ихтисослашган меҳнат ресурсларининг кетиши ўз мустақиллиги учун курашаётган ва айни пайтда шу каби мутахассисларни тайёрлашда катта меҳнат сарфлаётган бу давлатлар учун салбий йўқотиш ҳисобланади. Айрим статистик прогнозларга кўра, 2020 йилга бориб, Россияда 11 млн., Қозоғистонда 6 млн. меҳнат ресурсига эҳтиёж ортади. Шу боис, МДҲ мамлакатлари миграция хизматларини амалга оширувчи муассасалари содир бўлаётган ноқонуний миграцияга чек қўйишлари учун ҳамкорлик доирасини кенгайтиришлари лозим бўлади.

Бизга маълумки, 200 ота-онага 265 туғилиш аҳолининг қайта бар по бўлишини 100% таъминлайди. Бироқ, кўпайишига олиб келмайди. Бугунги кунда аҳолиси ўсишдан камайишга ўзгараётган Россия учун 1,20 коэффициенти лозим бўлади. Бу ҳар 100 самарали оила учун 320 туғилишнинг таъминланиши демакдир.

Кўп сонли эгизакларнинг туғилиши дунё миқёсида кўп қайд этилган. Кўпгина ҳолатда бундай эгизаклар яшаб кетиши қийин бўлган ва ўлим билан якун топган. Бештадан эгизакларнинг туғилиши бир неча 10 марта юз берган. Шундан 15 ҳолатда улар яшаб кетишган. Масалан, 1934 йилда Канадада, 1943 йилда Аргентинада, 1971 йилда Польшада бу каби болалар туғилиши ижобий якун топган.

Х.Зайончковскаянинг фикрига кўра, Россия табиий ўсишдаги тенденцияга кўра, иммигрантларга доимо эҳтиёжда бўлади. Унинг фикрига кўра, фақатгина мамлакат иқтисодиёти қризисдан чиқмагандагина иммигрантларга эҳтиёж сезилмайди. Россия

иқтисодиётининг ривожланиши барқарорлашган сайн иммигрантларга эҳтиёжи ортиб боради. XIX-XX асрда АҚШ иммиграция давлати бўлғанлиги сингари XXI асрда Россия дунёда иммиграция мамлакатига айланади. 2000 йилда Россия аҳолисининг барқарор ўсиши ва миграция оқимининг юқори бўлишига қарамай ишсизлик ёки ишга жойлашишда муаммолар юз берди. Бу меҳнат ёшидаги аҳолининг касб эгаллаш салоҳияти билан боғлиқ бўлди. Ишлаб чиқариш қуввати 1990 йиллар даражасига етмасада, хозирда меҳнат ресурсларининг етишмаслиги мамлакат иқтисодиётини турғунлаштирумокда. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2002 йилда саноатда меҳнат ресурсларининг 1/4 қисми тўлмай қолди [3].

Россия XXI аср ўрталарига қадар хозирги аҳоли кўрсаткичларини сақлаб қолиш учун, у 50 йил давомида 35-70 млн. иммигрант қабул қилиши лозим. Шундагина аҳолининг қайта барпо бўлиши 700 минг кишига ўсади. Жорий 5 йилликдан 2025 йилга қадар 1200 кишига ортади [4]. 1990 йилларда Россия кўчиб келувчилар оқими юқори бўлган даврда ҳам аҳоли кўрсаткичларидаги табиий йўқотишни қоплай олмади.

1989 йилларга нисбатан аҳолининг қайта барпо бўлишини таққослаганда, агар иммиграция оқими юқори бўлмагандан эди, хозирда Россия аҳолиси 7,4 млн. кишига ёки 5 фоизга қисқариши мумкин эди. Аҳолининг қайта барпо бўлиши миграция ҳисобига 1/4 табиий йўқотишни қоплади. Шу боис, Россия аҳолиси атиги 18 млн. кишига ёки 1,25% га қисқарди. 1991-2001 йиллар давомида дунё миқёсида миграция интенсивлиги юқори бўлди. Бу давр давомида АҚШ 924 минг, Германия 865 минг, Россия 781 минг иммигрант қабул қилди. 1989-2002 йиллардаги статистик таҳлилларга кўра, Россия аҳолиси миграция ҳисобига 5560 минг кишига ўсиши ва аҳолининг миграция ҳисобига ўсиши эса, йилига 400 минг кишини ташкил этади, бу 1980 йилларга нисбатан икки ҳисса юқоридир.

1990 йилларда Россия аҳолисининг миграцион ўсиши асосан Қозоғистон билан боғлиқ бўлди. Кейинги ўринни Ўрта Осиё мамлакатлари эгаллагани ҳолда, уларнинг улуши 1/3 қисмини ташкил этди. Кейинги ўринларда Кавказ орти мамлакатлари (20 фоиз атрофида), Болтиқ бўйи давлатлари (5 фоиз) ҳамда Украина, Молдавия (9 фоиз). Собиқ Иттифоқ мамлакатларидан кўчиб келган мигрантларнинг аксарият қисмини руслар ташкил этгани ҳолда уларнинг улуши 1992 йилларга қадар 60 фоиздан кам бўлмаган. Мигрантларнинг 10 фоиздан юқориси бошқа этник групкалар ҳисобига тўғри келди.

Хозирги даврда собиқ Иттифоқ республикаларидаги 1989 йилга қадар яшаган 25,3 млн. этник руслардан 3,3 млн. киши Россияга кўчиб ўтган. Қирғизистон, Туркманистон, Ўзбекистондан келган мигрантларнинг умумий сони 1,5 млн. кишини ташкил этгани ҳолда, бу шу мамлакатларда яшаётган 2 млн. русларни қисман ўрнини босади.

Иммигрантлар сонини ҳар минг кишига ҳисоблаганда Россия ҳисобига 5,4 киши ташкил этган ҳолда, Германия (10,6)дан кейинги ўринда ва факат АҚШ (3,5) Россиядан кейинги ўринда туради. Шу йиллар давомида Қозоғистон ҳудудидаги 20 фоиз руслар кўчиб кетишган. Бу даврдаги Қозоғистондан Россияга кўчиб кетувчилар сони Қозоғистондаги иқтисодий аҳвол билан боғлиқ бўлди. 1994 йил Қозоғистондан

русларнинг 20 фоизи кўчиб кетишга тайёр эди. 1997 йил 1/3 қисм руслар кўчиб кетишни хоҳлашган, кейинчалик кўчиб кетувчилар сони қисқара борган.

1994-2001 йиллар давомида Россиядаги миграция сальдоси 810 минг кишини ташкил этгани ҳолда, бу кўчиб келувчиларнинг 1/4 қисмини ташкил этади ва шундан 39 фоизи украинлар, 45 фоизи кавказликлар ва Марказий Осиё этник гур ухларидан келишган. 1994 йилда Россия аҳолисининг миграцион ўсиши 810 минг кишига етди. Кейинчалик 2001 йилга келиб, 72 минг кишигача пасайди.

Ҳозирда малакали ишчилар учун иш ўринлари ва тўловларнинг пасайиши ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Дунё бўйича давом этаётган тенденцияга кўра, юқори тўловли иш ўринларининг қисқариши қузатилмоқда. Бу даврда малакали ишчилар бир вақтнинг ўрнида ўзи ва оиласини таъминлаш учун бир неча ўрта ва кам тўловли ишларда ишлашига тўғри келади.

Бу қатламга киравчи интилекентлар ва хизматчилар янада мураккаб вазиятларда қолишади. Асосан таълим секторида хизмат қилувчилар, ўқиш ёшидаги аҳоли қатламигининг камайиши ҳисобига 10 минглаб тарбиячи ўқитувчилар иш ўринларини йўқотади.

Демографик жараёнлар ҳам табиат қонунлари сингари мураккаб тузилишга эга. Демографик сиёsat қандай бўлишига қарамай, у доимо ўзининг ўзига хос хусусиятларини намоён қилиб туради. Ғарбий Европадаги сингари Россия аҳолисида ҳам 65 ёшдан ошганлар яқин келажакда жами аҳолининг 1/5 қисмини ташкил этади.

XX аср бошларида 20 йиллардан бошлиб, Қозоғистоннинг асосан шимолий қисмида қулоқ қилинганлар, кейинчалик корейслар, поляклар, немислар ўрнаша бошлишди. 50-йилларга келиб эса бир неча юз минглаб, аслида қишлоқ хўжалиги ҳашари учун келиб, кейинчалик ўрнашиб қолганлар ҳисобига аҳоли сони орта борди. Натижада 1926 ва 1939 йиллар давомида четдан келган аҳоли 2,8 млн. дан 3,8 млн. кишигача ўсади. Шу даврда туб қозоқлар сони 3,7 млн. дан 2,3 млн. гача ёки 38% га қисқарди. Бу натижага Совет ҳукумати сунъий очарчиликни ташкил этиш ҳисобига эришди [5]. 1927-1938 ва 1939-1958 йиллардаги аҳоли рўйхатида Қирғизистонда яшовчи ўзбеклар улуши 20% дан юқори бўлган. Айниқса, Фарғона водийси чегарасидаги Ўш вилоятида асосан ўзбеклар улуши сезиларли даражада юқори бўлган. Бу даврда Қозоғистон ва Ўзбекистон республикалари пойтахтларида туб аҳоли шунга мувофиқ равища 40,3% ва 16,3% рус миллатига мансуб аҳоли 33,8% ва 65,3%ни ташкил этган.

1959 йилдаги ўтказилган аҳоли рўйхатига кўра, Қозоғистон минтақасидаги энг кўп миллатли республикага айланди. Бу даврда туб аҳоли, яъни қозоқлар республика аҳолисининг 30%ини ташкил этди. Бу даврда республикада русларнинг улуши бироз камайди ва жами аҳолининг 42,7%ини ташкил қилди ва бошқа миллат вакиллари улуши 27,3%ни ташкил этди.

1970-1979 йиллардаги давр оралиғида ҳам шу ҳолат деярли сақланиб қолган. Бу даврда русларнинг республикадаги улуши 40,8% га тушган. Бошқа омиллар таъсирнида қолган миллатлар улуши ҳам 23,2%га қисқарган. Бу даврлар мобайнида Қирғизистондаги аҳолининг этник таркиби динамикасини баҳолаганда ҳам шундай ҳолат кузатилади. Бу республикага албатта қулоқ қилинганлар жўнатилмаган бўлсада, Ўрта Осиё халқлари (ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, уйғурлар,

дунганлар)нинг улуши юқори бўлди. Бу даврда русларнинг улушида ҳам бир мунча ўсиш юз берди. Рус миллатига мансуб меҳнат ресурслари режалаштирилган иқтисодий даврдаги кўчирилиши оқибатида республиканинг туб аҳолисини миллий озчилик даражасига тушириб қўйди.

#### **4 §. Аҳолининг ёш-жинс таркиби ва меҳнат ресурсларининг шаклланиши**

Аҳолининг ёш жинс таркиби унга хос белгилар ичида энг муҳими ҳисобланади. Чунки ишга қараб аҳолининг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти баҳоланади. Бутун дунёда эркакларнинг сони аёлларнига нисбатан қарийб 30 млн.га кўпроқдир. Лекин айрим материклар, регионлар ва эркаклар билан аёллар сони ўртасидаги фарқ сезиларли тусга эга. Болалар ёшларида барча материклар ва регионларда ўғил болаларнинг устунлиги кўзга ташланади. Дунёда 9-14 ёшда ҳар минг қизга 1040 ўғил бола тўғри келади. Ушбу кўрсаткич Европада (1060) Осиёда (1050) ҳамда Австралия ва Океанияда (1059) ундан ҳам юқори. Фақат Африка (1008) ва Америка (1029) да нисбатан паст даражабилан ифодаланади. Болалар сонидаги фарқнинг келиб чиқишида туғилган ҳар минг гўдакнинг 520 таси ўғил болалардан иборат бўлишлиги омили ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Аҳолининг асосан меҳнатга лаёқатли ёшдаги қисмидан ташкил топган 15-65 ёшида дунё бўйича ҳар 1000 аёлга 1020 та эркак тўғри келади. Европада эркаклар сони аёллар сонига teng. Осиёда ҳар 1000 аёлга 1049 та эркак Австралия ва Океанияда эса 1039 эркак тўғри келади. Мазкур кўрсаткич Африка (979 эркак) ва Америка (990 эркак) да аксинча аёллар устунлиги билан ифодаланади. Юқоридаи ёш гурухларида эркаклар билан аёллар ўртасида мавжуд бўлган фарқлар жуда кўп омиллар таъсирнида шакланган. Бунда дунё ва регион ҳамда мамлакат доирасидаги урушлар эркаклар билан аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, уларнинг ўртача умр давридаги фарқлар ва бошқа омилларнинг роли жуда каттадир.

Дунё аҳолисининг таркибида болалар улуши камайиб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги ва аҳоли салмоғи кўпаймоқда. Бинобарин, 1970-1999 йилларида 0-14 ёшдаги болалар улуши 36,6 да 31 фоизгача камайди. Мехнатга лаёқатли ёшларда аҳоли салмоғи 57,7 дан 62,0 фоизга етди.

Кекса аҳолининг ҳам салмоғи 7,0 фоизни ташкил этди. Хитой, Ҳиндистон ва бошқа қатор мамлакатларда эркаклар сонинг устунлиги аёлларнинг жамиятда тутган мураккаб, баъзи холларда аянчли ўрни ҳамда мазкур мамлакатларда оила ўғил болани кўришга бўлган жуда катта интилиш ва ана шу мақсадга эришишда ҳар қандай чорага ҳатто энди туғилган қизни ўлдиришгача боришга тайёрлиги билан боғланган.

Аҳоли жинсий таркибининг шаклланишида дунё айрим регион ва мамлакатлар миқёсида бўлиб турувчи миграцион алоқаларнинг роли ҳам каттадир. Европа ва Шимолий Америка эмигрантларни қабул қилувчи Осиё ва Африка эмигрантларни етказиб берувчи ҳисобланадилар. Дунё аҳолисининг ёш таркиби ҳам катта ҳудудий фарқларга эга. Бунда туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари динамикаси ҳал қилувчи рол ўйнайди. Қуйидаги жадвал маълумотларидан дунё аҳолисининг ёш таркибига хос хусусиятлар ва нисбатларни кўриш мумкин.

#### **4-мавзу: Меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор сифатида. (2 соат)**

##### **Режа:**

1. Меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларининг омиллари
2. Меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланишнинг илмий услублари ҳамда йўллари.

Ҳар бир мамлакатдаги демографик вазият иқтисодий, сиёсий, ижтимоий жараёнларга бевосита таъсир кўрсатади. Туғилиш даражасининг ўсиши муайян вақтдан сўнг меҳнат бозорида иш билан бандлик тегишли равишда ўзгаришига ҳамда давлат бюджетининг ижтимоий эҳтиёжларга харажатлари даражасига, шунингдек таълим ва соғлиқни сақлаш тизими амал этишига ўз таъсирини кўрсатади. Демографик тенденцияларнинг ўзгариши ва инсонни ривожлантириш – ўзаро боғлиқ жараёндир.

*Демография* (кўхна юононча “δῆμος” — “халқ” ва “γράφω” — “ёзаман” сўзларидан) — — аҳоли такрор ҳосил қилиниши қонуниятлари, унинг ижтимоий-иқтисодий, табиий шароитлар, миграцияга боғлиқлиги, аҳолининг сони, уларнинг ҳудудларда жойлашиши, таркиби, ўзгариши, сабаблари ва мазкур ўзгаришлар оқибатлари тўғрисидаги фандир.

Демографик вазият мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён ҳисобланади. У аҳолининг табиий ўсиши, миллий ва ижтимоий таркиби, миграцияси, меҳнат ресурслари ва уларнинг иш билан бандлиги каби категорияларни мужассамлаштиради.

Демографиянинг предмети аҳолини табиий такрор ҳосил қилиш қонунидир. Умуман олганда, демографиянинг фан сифатида учта муҳим вазифаси ажратиб кўрсатилади:

- демографик жараёнлар тенденциялари ва омилларини ўрганиш;
- демографик прогнозларни ишлаб чиқариш;
- демография соҳасидаги сиёsatни ишлаб чиқиш.

Демографи фани узоқ вақт давомида амалий эҳтиёжларга мувофиқ аҳоли тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш ва талқин этиш билан шуғулланиб келган. Демографиянинг ушбу функцияларини бажариши жараёнида унинг тадқиқот усуслари муттасил такоммилашиб борди.

“Демография” атамаси биринчи бор француз олими А. Гийярнинг “Инсон статистикаси унсурлари ёки таққослама демография” (A. Guillard, “Eléments de statistique humaine ou Démographie comparée”, 1855) китоби номида пайдо бўлди. Муаллиф демографияга кенг маънода – “инсон зотининг табиий ва ижтимоий тарихи” ёки торроқ маънода – “аҳоли, унинг умумий ҳаракати, жисмоний, фуқаролик, интеллектуал ва аҳлоқ холатини математик англаш” сифатида қараган.

“Демография” атамаси 1882 йилда Женевада бўлиб ўтган Гигиена ва демография бўйича халқаро конгрессномланишида расмий эътироф этилди.

Қадимий даврларда ёқ аҳолини рўйхатга олиш зарурати туғилган. Кўхна Гречия, Рим, Хитойда, кейинчалик Ўрта асрларда аҳолишунослик тўғрисидаги билимлар ва тассавурлар мавхум, тизимсиз бўлганлиги тушунарлидир. Айрим мамлакатларда оиласар, туғилишни тартибга солишга ҳаракат қилиб кўрилган. Ўша даврларда ёқ мутафаккирлар аҳоли сони билан инсон ривожланиши ўртасидаги алоқадорликка эътибор қаратганлар.

Конфуций (милоддан илгари тахминан 551-479 йиллар) ишлов бериладиган экин майдонлари билан аҳоли сони ўртасидаги энг мақбул нисбатни аниқлашга ҳаракат қилиб кўрган. Унинг фикрича, бу нисбатнинг бузилиши қуйидаги сабабларга олиб келиши мумкин бўлган:

- аҳоли сони кам бўлса, экинзорларга ишлов бериш ёмонлашади ва дехқонлар солиқ тўлашдан бош тортади;
- аҳоли ниҳоятда зич бўлса, одамларнинг қашшоқлашиши, бекорчиларнинг кўпайиши сабабли ижтимоий муаммолар кучаяди.

Бундан аҳоли сони давлат томонидан тартибга солиниши кераклиги ҳамда одамларни аҳоли зич минтақалардан аҳоли кам бўлган худудларга кўчириш масаласини ҳал қилиш талаб этилиши каби хулосалар чиқарилган.

Платон (милоддан аввалги 428-347 йиллар) идеал давлат тўғрисидаги таълимотида эркин фуқароси 5040 нафар бўлган давлатана шундай моделга жавоб беришини кўрсатган. У никоҳ муносабатларида ҳам муайян тартиб ўрнатишни таклиф этган, жумладан эркаклар фақат 30 ёшдан 55 ёшгача фарзанд кўриши мақсадга мувофиқлигини асослаган. Платон шундай ёзади: “никоҳлар сонини белгилашни ҳамда уруш, касалланиш ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда эр каклар сони имконият даражасида муқим бўлиши, давлат имконияти борича катталашмаслиги ҳам, кичиклашмаслиги ҳам чораларини кўришни хукмдорлардан сўраймиз”.

Аристотель (милоддан аввалги 384-322 йиллар) ҳам эркин фуқаролари камсонли бўлган давлатни идеал деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, фуқаролар сонининг кам бўлиши ижтимоий уйғунликни таъминлайди, аҳоли ҳаддан ташқари кўп бўлганда эса бунга эришиш мумкин эмас. Аҳолининг ортиқчалиги улар томонидан эътиrozлар билдирилиши ҳамда жиноятлар сони кўпайишига сабаб бўлади. Шу бмлае бирга оҳоли кўпайса, фуқароларнинг бир қисми ерга эга бўлмасдан қашшоқлашади.

Демографиянинг фан сифатда чинакам шаклланиши XVII аср иккинчи ярмига тўғри келади. Ана шу вақтда капитализмнинг ривожланиши аҳолишуносликни ўрганишга доимий эҳтиёж туғдирди.

Тарихан олиб қаралганда демографияда илмий ўрганишнинг биринчи объекти одамлар ўртасидаги ўлим бўлди. Авлодлар ўлими хақидаги билимлар умр кўриш давомийлигини (туғилиш даражаси муқим бўлса, аҳоли сони ҳам бар қарор бўлади) аниқлаш ҳамда ҳётни суғурталашда умр кўриш давомийлигига боғлиқ равишда суғурта тўловлари миқдорини ҳисоблаб чиқиш имконини берарди.

XVIII асрда айрим мамлакатларда вафот этганлар ва туғилганлар ҳамда аҳоли сонини аниқлашга дастлабки уринишлар кузатилди.

XVIII асрнинг охири - XIX асрнинг бошида АҚШда аҳолини рўйхатга олишнинг замонавий усулига асос солинди, 1790 йилда аҳолини жорий ҳисобга олиш йўлга кўйилди. Демографияда аҳолини такрор ҳосил қилиш тадқиқотларнинг марказий обьектига айланди.

*Аҳолини такрор ҳосил қилиши* – аҳолининг табиий ҳаракати натижасида авлодларнинг армашинишидир. Аҳолини такрор ҳосил қилиш туғилиш ва ўлимлар сонига қараб аниқланади. Демографик жамланма кўрсаткичлар ўзгаришига мувофиқ, аҳоли такрор ҳосил қилинишининг уч асосий тарихий турини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Улардан биринчиси – *аҳолини такрор ҳосил қилишининг қадимиј туридир*. У ибтидоий жамият учун хос бўлган ва ҳозирги пайтда учрамайди.

Аҳоли такрор ҳосил қилинишининг иккинчи тури – “анъанавий” ёки “патриархал” тақрор ҳосил қилиши туридир. У аграр жамиятда ҳамда индустрималь жамиятнинг илк боқичларида устунлик қилган. Туғилиш ва ўлим даражаси юқорилиги, ўртacha умр кўриш давомийлигининг пастлиги бу турнинг асосий белгиларидир.

Кўпболалик анъанавий одат бўлиб, у аграр жамиятда оила яхши амал этишига кўмаклашади. Ўлим даражасининг юқорилиги эса одамлар турмуш даражаси пастлиги, меҳнатнинг оғирлиги, тўйиб овқатланмаслик, тиббиётнинг зарур даражада ривожланмаганлиги оқибатидир. Тақрор ҳосил қилишининг бундай тури ривожланиш даражаси паст бўлган Нигерия, Бангладеш ва айниқса Эфиопия учун хосдир. Эфиопияда туғилиш даражаси - 45,0%, ўлим эса – 20,0 % ни, умр кўришининг ўртacha давомийлиги атиги 43 йилни ташкил этади.

Ривожланаётган давлатларнинг кўпчилигига (Мексика, Бразилия, Филиппин ва бошқалар) кейинги 10 йилликда тақрор ҳосил қилишининг “анъанавий” тури жиддий равишда ўзгарди. Ушбу мамлакатларда тиббиётдаги муваффақиятлар туфайли ўлим даражаси 6,0 % – 10,0 % гача пасайди, лекин туғилишининг анъанавий ҳисобланган юқори даражаси асосан сақланиб турибди. Натижада ушбу давлатларда аҳолининг табиий ўсиши юқори – йилига 2,5 – 3,0 % ни ташкил этади. Аҳолини тақрор ҳосил қилишининг бевосита ана шу - “ўтиш” тури XX аср охирида жаҳонда аҳоли сони ўсиши суръатлари юқори бўлишини таъминлади.

*Аҳолини тақрор ҳосил қилишининг “замонавий” ёки “оқилона” тури туғилиш даражаси пастлиги, ўлим даражасининг ўртачалиги, аҳолининг табиий ўсиши нисбатан камлиги ва умр кўриш ўртacha давомийлигининг юқорилиги хусусиятларига эгадир.* Мазкур тур аҳолининг турмуш даражаси ва маданияти юқорироқ бўлган, иқтисодий жихатдан ривожланган давлатлар учун хосдир. Ушбу мамлакатлардаги туғилиш даражасининг пастлиги оилани онгли тартибга солиш билан узвий боғлиқдир. Ўлим даражасига эса аҳоли таркибида катта ёшдагилар салмоғининг юқорилиги таъсир кўрсатади.

Кейинги ярим аср мобайнида демографияни умумий ривожланишининг иқтисодий ва ижтимоий омиллари нуқтаи назаридан ўрганишга эътибор ортмоқда.

Демографияда жамланма бирлик – инсондир. Бу бирликнинг белгилари кўп – жинс, ёш, оиласија аҳвол, таълим даражаси, машғулот тури, миллат ва ҳоказолар. Ушбу белгилар инсон умри давомида ўзгариб боради. Шунинг учун аҳоли миқдорида

одамларнинг ёш, жинс таркиби, оилавий аҳвол каби хусусиятлар мужассамлашган. Ҳар бир одам ҳаётидаги ўзгаришлар аҳоли таркибидаги ўзгаришларга ҳам олиб келади. Ушбу ўзгаришлар жамланма ҳолида аҳолининг ҳаракатини ташкил этади.

Аҳоли сони ўсишининг умумий хусусиятини табиий ўсиш белгилайди. Мазкур кўрсаткич туғилганлар билан ўлганлар сони ўртасидаги фарқнинг мутлақ микдори сифатида ифодаланади. Аҳоли табиий ўсишининг юқори суръатлари, агар бу жараён ўлим даражаси паст шароитларда кечеётган бўлса, қулай демографик вазият сифатида баҳоланади. Бироқ қатор мамлакатларда туғилиш тартибга солинмаслиги оқибатида демографик вазият кескинлашади. Бунда демографик инқирознинг турли белгилари – болалар ва оналар ўлими даражасининг юқорилиги, аҳоли саломатлиги кўрсаткичларининг пастлиги, умр кўриш ўртача давомийлигининг камайиши ва ҳоказолар пайдо бўлади.

Одатда аҳоли ҳаракати уч гурӯхга тасдиқланади:

- *табиий ҳаракат* – бу туғилиш, ўлим сонини қамраб олиб, мазкур вазиятларни ўрганиш бевосита демография ваколатидадир;

- *механик ҳаракат (миграция)* – бу аҳолининг ҳудудлар бўйича ҳаракатланишларининг барча турлари жамланмасидир. Мазкур жараён пиравард натижада аҳолининг жойлашиши, зичлиги, мавсумий ва тебранувчан ҳаракатчанлиги хусусиятларини белгилайди;

- *ижтимоий ҳаракат* – бу одамларнинг бир ижтимоий гурӯхдан иккинчисига кўчиб ўтишидир. Ушбу ҳаракат тури аҳоли ижтимоий таркиби такрор ҳосил қилинишини белгилайди.

Миграция ва такрор ҳосил қилиш жараёнлари ўртасида узвий алоқадорлик мавжуддир. Миграция кўчиб юрган одамлар оммасининг туғилиши, никоҳда бўлиши, саломатлиги ва ўлимига таъсир кўрсатади. Ана шу сифатда у аҳолини такрор ҳосил қилишининг омилларидан бирига айланади. Бироқ миграция жараёнларида жўғрофий ва иқтисодий омилларнинг (табиий шароитлар, иқлим, иқтисодий ривожланиш даражаси, ижтимоий инфратузилма ва ҳоказолар) роли такрор ҳосил қилишникига қараганда анча сезиларлидир. Аҳолининг миграцияси – бу, энг аввало иш кучининг миграциясидир.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти ҳамда Миграция бўйича халқаро ташкилот меҳнат мигрантларига аҳолининг ўзи истиқомат қиласидаги мамлакат бир ҳудудидан иккинчисига ёки бошқа мамлакатга кўчиб бориб, меҳнат фаолияти билан машғул бўлиш таърифини беради. Хусусан, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1949 йил 1 июлдаги “Кўчманчи меҳнаткашлар тўғрисида”ги 97-Конвенциясида мувофиқ: “кўчманчи меҳнаткаш ишлаш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчувчи шахсни англатади”<sup>16</sup>.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти меҳнат миграциясининг қўйидаги асосий турларини ажратиб кўрсатади:

- *шартнома асосида ишловчилар*. Бу ҳолда мигрантларни қабул қилувчи давлат томонидан уларнинг мазкур мамлакатда бўлиш муддатлари аниқ белгилаб қўйилади. Миграциянинг бу тури асосан иш кучини мавсумий (масалан, қишлоқ хўжалиги, қурилиш) ишларга жалб қилиш билан боғлиқдир;

<sup>16</sup> Инсон хуқуклари бўйича халқаро шартномалар. –Т. Адолат. 2004. -149 б.

- *малакали кадрлар миграцияси*. Бунга юқори малакали мутахассислар ёки ишчиларни имтиёзли тартибда (юқори иш ҳақи, бошқа имтиёзлар ҳисобига) ишга таклиф қилиниши мисол бўла олади;



### 12.1-расм. Мехнат миграцияси таснифи<sup>17</sup>

- *ноқонуний миграция*. Бу ноқонуний равишда бошқа мамлакатларда меҳнат фаолияти билан шуғулланишдир;
- *қочоқлар*. Булар тоифасига ҳаёти хавф остида қолиши оқибатида бошқа жойларга кўчишга мажбур бўлганлар киради;
- *кўчманчилар*. Улар доимий яшаш учун бошқа жойга кўчиб борганлардир.

*Худуд бўйича* ички ва ташқи миграция фарқланади. *Ички меҳнат миграцияси* бир мамлакат миқёсида, минтақалар, туман ва шаҳарлар ўртасида бўлади. *Таиски меҳнат миграцияси* дейилганда иш кучининг бир давлатдан бошқа давлатга кўчиб ўтиши тушунилади. У қуидаги хусусиятларга эгадир:

- ривожланаётган давлатлардан ривожланган давлатларга меҳнат миграцияси;
- ривожланган мамлакатлар ўртасида меҳнат миграцияси;
- ривожланаётган мамлакатлар ўртасида меҳнат миграцияси.

*Малака бўйича* юқори малакали ҳамда паст малакали иш кучи миграцияси фарқланади.

Мехнат миграцияси давомийлигига қараб:

<sup>17</sup> Абдураҳмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти. –Т.: Мехнат. 2009. -254-255 б.

- *доимий ёки узоқ муддатга мўлжалланган* (бошқа мамлакатга доимий кўчиб кетиши ёки қишлоқ жойларидан шаҳарга доимий яшашга қўчиб кетиши);
- *вақтингчалик* (масалан, шартнома асосида бошқа мамлакатга муаяйн даврга ишлаш учун бориши);
- *мавсумий* (масалан, қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этиши);
- *тебранувчан* (иш кучининг бир ҳудуддан иккинчисига, масалан қишлоқ жойларидан шаҳарларга мунтазам қатнаб ишлаши).

Меҳнат миграцияси, шунингдек, қонун жиҳатидан қонуний, яъни мамлакатда амал қилаётган қонунчилик, халқаро ҳуқуқ нормалари, давлатлараро ҳуқукий битимлар асосида ҳамда ноконуний бўлиши мумкин.

Меҳнат миграциясида иш кучи ҳаракатчанлиги мезони ҳам ҳисобга олинади. *Иш кучи ҳаракатчанлиги* меҳнатга лаёқатли аҳолининг муайян турдаги меҳнат фаолиятини муайян жойда бажаришга қодирлиги ва тайёрлиги билан белгиланади. Унинг ижтимоий-касбий ва ҳудудий хусусиятлари мавжуддир. Мазкур жиҳатларни қуидагича гурухлаш мумкин:

1.Иш кучи кўчишининг зарурати омиллари. Уларга ижтимоий-касбий ҳаракатчанлиқда иш ҳаки, меҳнат шарт-шароити ва мазмuni, иш вақти, хизмат соҳасида кўтарилиш эҳтимоли билан белгиланса, ҳудудий ҳаракатчанлик турмуш даражаси, ижтимоий инфратузилма, турар жой шароитларини яхшилаш имкониятлари билан боғлиқ бўлади.

2.Янги иш жойининг мақбуллиги омиллари юқорида қайд этилганлар қатори қилинган сарфлардан янги иш жойида фойдаланиш ҳамда турар жойни алмаштириш имкониятларини ҳам қамраб олади.

3.Бу гурух омиллари имконияти ҳаракатчанликнинг осонлиги билан белгиланади. Бунда ижтимоий-касбий ҳаракатчанлиқда ходим малакаси, тажрибаси, ёши ва бошқа хусусиятлари ҳамда янги иш жойига жойлашишнинг осонлиги асосий роль ўйнаса, ҳудудий ҳаракатчанлиқда улар қатори кўчиб ўтиш ҳаражатлари ҳам аҳамиятга эгадир.

4. Мазкур гурух омиллари ижтимоий-касбий ҳаракатчанлиқда бўш иш ўринлари тўғрисидаги ахборотлар мавжудлиги, уларнинг ишончлилиги, ахборот олиш қиймати билан белгиланса, ҳудудий ҳаракатчанликка кўчиб бориладиган жойлар тўғрисидаги ахборотлар ҳамда уларнинг қиймати муҳим ҳисобланади.

Меҳнат миграциясида *донормамлакатлар* (иш кучини экспорт қилувчилар) ҳамда *рецепиент мамлакатлар* (иш кучини импорт қилувчилар) фарқланади. Умуман олганда меҳнат миграцияси реципиент мамлакатнинг иш кучига бўлган эҳтиёжини таъминлайди, донор мамлакатларда эса иқтисодий фаол аҳолини эса иш билан бандлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Меҳнат миграцияси донор мамлакатлар иқтисодига қуидагича ижобий таъсир кўрсатади:

- иш кучи экспорти мамлакат меҳнат бозоридаги вазиятни яхшилайди, яъни иш кучи миграцияси натижасида ортиқча меҳнат ресурслари сони камаяди. Бу, айниқса, аҳолиси зич мамлакатлар(Хитой, Ҳиндистон, Мексика, Туркия, Покистон)га ижобий таъсир ўтказади;

- иш кучи экспорти донор мамлакатлар фуқароларига реципиент давлатларда янги замонавий мутахассисликларни ўзлаштириш, ўз малакаларини ошириш, янги техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини беради;
- иш кучи экспорти донор мамлакатларга қўшимча валюта кириб келиши ҳамда эмигрант ходимлар оила аъзолари турмуш даражасини ошириш манбаи ҳисобланади;
  - донор мамлакатлар ўз фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан шуғулланадиган фирмалардан давлат бюджетига солик ундиради.

Шу билан бир қаторда иш кучи миграциясининг донор мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсири ҳам мавжуддир. Улар қуйидагилардан иборат:

- иш кучини экспорт қиласидан мамлакатлар ўз меҳнат ресурслари, меҳнатга лаёқатли иқтисодий фаол аҳоли маълум қисмидан ажраладилар;
- донор мамлакатлар имигрант ишчиларни ўқитиш ва малакасини ошириш учун сарфлаган маблағлари реципиент давлатлар иқтисодиётини ривожлантириш мақсадларида фойдаланилади;
- юқори малакали ва меҳнат бозорида ғоят рақобатбардош иш кучи экспорти донор мамлакатлар ишлаб чиқаришининг муҳим тармоқларида юқори малакали кадрлар тақчиллигига олиб келиши мумкин.

Иш кучи миграцияси реципиент мамлакатлар иқтисодиётига қуйидаги ижобий самара келтиради:

- хориждан иш кучининг кириб келиши юқори даражадаги сафарбарликни таъминлаб, иқтисодиёт таркибидаги муайян тармоқларни жадал ривожлантиришга хизмат қиласиди;
- иш кучи миграцияси реципиент мамлакатларнинг кадрлар тайёрлаш учун ҳаражатларини тежаш имконини беради;
- имигрантлар ички бозорни ривожлантиради, чунки улар товар ва хизматларга талабни оширадилар;
- иш кучи импорти реципиент мамлакатлар компания ва фирмаларнинг бозордаги рақобатбардошлигини оширади, чунки арzon иш кучи кириб келиши натижасида ишлаб чиқариш ҳаражатлари тежалади;
- имигрантларнинг вақтингчалик бўш маблағларидан реципиент мамлакатлар иқтисодиётини молиялаштириш учун фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

Меҳнат миграциясининг реципиент давлатлар учун ҳам салбий томонлари мавжуддир. Улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг хориж иш кучига қарамлиги ортади;
- ички иш кучининг маҳаллий меҳнат бозоридаги баҳоси пасаяди ҳамда хориж иш кучининг таклифи ортади.

Шунинг учун ҳар бир давлат ўз миграция сиёсатини амалга оширади. Жумладан, қатор давлатлардан хориж иш кучи сифатига – уларнинг маълумоти, касб-малакаси, иш стажига алоҳида эътибор қаратилиади. Масалан, Австралияда имигрантлар ишга қабул қилиниши учун ўз мутахассислиги бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлишлари керак.

Иш кучини импорт қилаётган мамлакатлар ёш бўйича ҳам муайян талаблар қўядилар. Мехнат мигрантлари асосан 20-40 ёнда бўлишлари талаб этилади. Шу билан бирга хорижлик ишчилар, жумладан, Швеция ва Норвегияда тиббий кўрикдан ўтказилиб, ишга қабул қилинади.

Турли давлатларда иш кучи миқдорига квоталар белгиланади ёки молиявий ва вақт чекловлари ўрнатилади. Масалан, Гречияда грек миллатига мансуб бўлмаган ходимларни ишга ёллашда чекловлар ўрнатилган. Ирландияда эса меҳнат фаолиятини бошлиш учун мигрантлар муайян миқдорда маблағ тўлашлари талаб этилади. Иш кучини қабул қилиб олуви давлатлар меҳнат фаолияти давомийлигини ҳам белгилайдилар.

Миграция, одатда, меҳнат фаолиятини инсон капиталининг баҳоси юқори бўлган соҳаларга кўчиришга кўмаклашади. Америкалик иқтисодчилар Р.Ж. Эренберг ва Р.С. Смит аҳоли имкониятлар ёмон бўлган минтақалардан имкониятлар яхши бўлган минтақаларга кўчиб ўтади деган хulosага келган. Ушбу жараёнда кўчиб ўтиш тўғрисида қарор қабул қилишга муҳожирнинг ёши ва таълим даражаси катта роль ўйнайди. Меҳнатга лояқатли ёшларнинг миграция фаоллигининг энг юқорилиги уларнинг миграциядан манфаат олишлари учун вақтлари кўплиги билан изоҳланади<sup>18</sup>.

Сўнгги пайтда меҳнат миграциясини таҳлил этишда инсон капиталининг мамлакат иқтисодий ўсишнинг эндоген омилини тадқиқ этишга эътибор кучайди. Бундай ёндашув тарафдорлари (Р. Лукас, П. Ромер ва бошқалар) жамланган инсон салоҳияти иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омили, халқаро иқтисодий миграция мамлакатлар ўртасида иқтисодий ўсиш суръатларидаги фарклар натижасидир деган хulosага келганлар. Бунда иқтисодий ўсиш суръатларини оширишнинг эндоген механизми сифатида инсон капиталининг жамланиши намоён бўлади. Халқаро меҳнат миграцияси муҳожирларда инсон капитали жамғарилишига ёрдам беради.

Аҳолини ҳисобга олиш статистикасида қуйидаги категориялар фарқланади:

- *мавжуд аҳоли* – ҳисобга олиш пайтида мазкур аҳоли пунктида доимий яшаш жойидан қатъи назар мавжуд бўлган аҳоли қисми;
- *доимий аҳоли* – ҳисобга олиш пайтида амалда қаерда бўлганидан қатъи назар мазкур аҳоли пунктида доимий яшайдиган аҳоли қисми;
- *вақтинча йўқлар* – ҳисобга олиш пайтида доимий яшаш жойида вақтинча йўқ бўлган (6 ойдан кўп бўлмаган даврда) шахслар;
- *вақтинча борлар* – ҳисобга олиш пайтда мазкур аҳоли пунктида вақтинча бор бўлган (6 ойдан кўп бўлмаган муддатда) шахслар.

*Аҳоли сифати* – аҳолининг ижтимоий ҳаёт кечириши, ижтимоий ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида характерлайдиган категориядир. Яъни бу аҳолининг таркиб топган табиий, техникавий, иқтисодий, ижтимоий-маданий шароитларга муносабати ҳамда ушбу шароитларни ўзларининг ўзгариб борадиган эҳтиёжларига мослаштириш қобилиятидир. Аҳоли хусусияти (туғилиш, ўлим,

<sup>18</sup> Эренберг Р.Дж., Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная практика. – М.: МГУ, 1996. - С.338, 367.

таълим, малака даражаси ва ҳоказолар) миқдор жиҳатидан ўзгариб боради. Аҳолининг сифат хусусиятларини, энг аввало, таълим ва саломатлигини яхшилаш аҳоли такрор ҳосил қилиниши тежамкорлигини, яъни аҳоли сонини сақлаб туриш аҳоли сони ва унинг ўсиши суръатларини ўлим ва туғилишнинг мутлақ сони қисқарганда ҳам сақлаб туриш имконини беради.

## V. ГЛОССАРИЙ

<b>Аҳоли –</b>	<b>ер юзида ёки унинг муайян худуди, қитъа, мамлакат, туман, шаҳарида истиқомат қилувчи одам (инсон)лар мажмуюи.</b>
<b>Аҳоли даромадлари –</b>	<b>бу, аҳоли ёки унинг оила аъзолари томонидан маълум давр ичига олинган ёки ишлаб чиқарилган пул ва натурал маблаглар йигиндисидир.</b>
<b>Аҳоли зичлиги –</b>	<b>муайян худудда аҳолининг жойлашув даражаси. Мамлакат аҳоли сонини шу жой майдонига (одатда 1 км<sup>2</sup>) тақсимлаш билан хисобланади.</b>
<b>Аҳоли миграцияси –</b>	<b>аҳолининг яшаш жойини ўзгартириши билан боғлиқ кўчиши.</b>
<b>Аҳолининг миллий таркиби –</b>	<b>муайян худуд ёки мамлакатда яшовчи аҳолининг миллатлар бўйича таркиби.</b>
<b>Аҳолининг табиий ўсиши (камайиши)</b>	– йил давомида туғилганлар ва йил давомида ўлганлар ўртасидаги фарқ.
<b>Аҳолининг механик ўсиши (камайиши) –</b>	йил давомида кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар ўртасидаги фарқ.
<b>Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши –</b>	бу, биз аҳолига давлат томонидан яшаш учун барча шартшароитларни яратишга мақсадли юналтирилган кафолатлар тизимиdir.
<b>Айrim меҳнат тақсимоти</b>	ишлар ва меҳнат функцияларининг айrim корхона ёки алоҳида ташкилот ходимлари ўртасида: цехлар, участкалар, бригадалар, звенолар, айrim ижро этувчи ходимлар бўйича, шунингдек, уларнинг касб-малака гурухлари ўртасида тақсимот.
<b>Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши –</b>	бу, биз аҳолига давлат томонидан яшаш учун барча шартшароитларни яратишга мақсадли юналтирилган кафолатлар тизимиdir.
<b>Аҳоли даромадлари –</b>	<b>бу, аҳоли ёки унинг оила аъзолари томонидан маълум давр ичига олинган ёки ишлаб чиқарилган пул ва натурал маблаглар йигиндисидир.</b>
<b>Давлат ижтимоий таъминоти –</b>	бу, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини кексайганда, касаллик рўй берганда, меҳнатга лаёқатини қисман ёки бутунлай йўқотганда, бокувчинини йўқотганда, шунингдек, болали оиласаларни моддий таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиши давлат тизимиdir.
<b>Даврий ишсизлик</b>	иктисодий тушкунликнинг муайян даврида (ишлаб чиқаришнинг пасайиши) юзага келадиган ишсизлик тури тушунилади.
<b>Ёлланиб ишлайдиганлар –</b>	булар корхона раҳбарияти билан меҳнат фаолияти шартлари тўғрисидаги тузилган ёзма контракт (шартнома) ёки оғзаки битим бўйича ишлайдиган шахслар бўлиб, улар ана шу фаолият учун ёлланиш вақтида келишиб олинган иш хақини оладилар.
<b>Жамоа –</b>	бу биргаликда меҳнат қиладиган шахслар гурухи бўлиб, унда кишилар бир-бирлари билан шундай ўзаро ҳаракат

	қиладиларки, ҳар ким бошқа шахсга мурожаат қиласи, айни вақтда унинг таъсирини ҳам хис этади.
<b>Ижтимоий руҳий вазият –</b>	корхона ва ташкилот ҳодимларига таъсир қилувчи кўпгина омилларнинг таъсиридан келадиган жамлама самарадир. У меҳнат қилиш жараёнида, ҳодимларнинг муомаласида, уларнинг шахслароро ва гурухий алоқаларида ўз ифодасини топади.
<b>Интроверсия –</b>	(intro - ички) шахснинг ўз шахсий манфаатларига, ички оламига диққат-эътибори қайд қилиниши билан ажралиб туради.
<b>Ижтимоийлашув –</b>	шахснинг муомала ёрдамида мазкур жамоага, гурухга, жамиятга хос бўлган нормаларни, қадриятларни, йўл-йўрикларни ўзлаштириш асосида унинг шаклланиш жараёни.
<b>Иш –</b>	бу табиат ва инсон томонидан бирлашган кучларнинг объектив натижасидир.
<b>Иш ўрни –</b>	бу ишлаб чиқариш маконининг бир қисми бўлиб, унда барча асосий ва ёрдамчи технология ускуналари, мосламалар, иш мебеллари ва маҳсус қурилмалар жойлашган ва улар муайян турдаги ишларни бажариш учун мўлжалланган бўлади.
<b>Ишсизлар –</b>	бу ҳалқаро ташкилотларнинг берган таърифига биноан ишга эга бўлмаган, ишлашга тайёр ва иш излаётган фуқаролардир.
<b>Инсон ресурслари –</b>	бу зарур укув-фаросатга, билим ва маҳоратга, ишлаш қобилияти ва малакасига эга бўлган жамият аъзолари, меҳнат ахлидир, яъни инсон ресурслари ҳақиқий ва салоҳиятли ҳодимлардан иборат.
<b>Инсон омили –</b>	ташкилот ва муассасаларнинг биргаликда фаолият кечириши учун бирлашган кишилардир. Таркибий жиҳатдан у шахс, ишчи гурухи, меҳнат жамоасидир.
<b>Инсон капитали –</b>	инвестициялар натижасида шаклланган билимлар, кўнникмалар, малакалар ва сабаблар заҳирасидан иборат бўлиб, у шахснинг жисмоний. Ақлий ва психологик сифатлари ҳамда қобилиятларини акс эттиради.
<b>Инсон капиталига инвестиция қилиш –</b>	одатда малакавий қобилиятни, демакки, меҳнат унумдорлигини оширишга йўналтирилган ҳар қандай ҳаражат тушунилиб, у таълим олишга ҳаражатларни, иш қобилияти ва меҳнат унумдорлигини таъминлайдиган соғлиқни сақлашга қилинадиган ҳаражатларни ва ишчи кучини унумсиз ерлардан юқори унумли ерларга кўчиришга яъни ҳаракатчанликка қилинадиган ҳаражатларни ўз ичига олади.
<b>Инсон ресурсларидан экстенсив фойдаланиш –</b>	ишчилар умумий сонининг, меҳнатга лаёкатли аҳоли бандлигининг ўсиши, меҳнатга лаёкатлилик даврининг узунлиги, иш вақтининг узунлиги билан ифодаланади.
<b>Инсон ресурсларидан интенсив фойдаланиш –</b>	меҳнат фаолияти самарасини оширишни билдиради ва у меҳнат унумдорлигига асосланади.
<b>Иқтисодий фаолият –</b>	бу инсон тирикчилигини таъминлаш усуллари ва воситалари мажмуuidир.
<b>Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан бандлар –</b>	доимий, вақтинчалик, мавсумий ишларни ёлланиб бажарадиган, ўз бизнесига эга, рўйҳатга олинмаган фаолиятдан иш ҳақи, даромад топадиган шахслар.

<b>Ишчи кучи –</b>	бу инсоннинг жисмоний ва ақлий қобилиятлари йиғиндиси, унинг меҳнатга лаёқати бўлиб, иқтисодиётда банд бўлган меҳнат ресурсларининг фойдаланилаётган қисмидир.
<b>Ишчи кучини тақрор ишлаб чиқариш</b>	бу инсоннинг ақлий ва жисмоний қобилиятларининг узлуксиз равишда тикланиб бориши, доимий равишда унинг билим малака савиясини кўтарилиб, янгиланиб боришидир.
<b>Ишчи кучи сифатининг кўрсаткичи</b>	ишчи кучининг маълумот даражаси ва ишлаб чиқариш тажрибаси ҳисобланади.
<b>Истеъмол бюджети –</b>	<b>бу, моддий ва маънавий неъматлар ва хизматлар истеъмоли салмоғи ва таркибининг қиймати баҳоси ҳамда соликлардир.</b>
<b>Истеъмол савати –</b>	<b>бу, инсоннинг саломатлигини сақлаш ва унинг ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган озиқ-овқат махсулотлари, ноозиқ-овқат товарлари ва хизматларнинг минимал тўпламидир.</b>
<b>Иш ҳақи –</b>	бу, ёлланма ходим даромадининг элементи, унга тегишли ишчи кучига бўлган мулкчилик хукуқини иқтисодий жиҳатдан рӯёбга чиқариш шаклидир.
<b>Иш ҳақининг шакллари ва тизимлари –</b>	бу, меҳнатнинг миқдор натижалари ва сифатига (унинг мураккаблиги, интенсивлиги, шарт-шароитларига) боғлиқ равишда иш ҳақини белгилаш механизмидир.
<b>Ижтимоий муҳофаза тизими –</b>	<b>бу, аҳолининг ҳаётий муҳим манфаатлари соҳаси бўлиб, унинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари давлат ва жамиятнинг иқтисодий, хукуқий ва маданий ривожланиш даражасидан дарак беради.</b>
<b>Ижтимоий муҳофазаланиш хукуқи –</b>	<b>бу, одамнинг муносиб турмуш кечириши учун зарур бўлган ҳажмдаги физиологик, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имкониятидир.</b>
<b>Ижтимоий институт –</b>	бу, одамларнинг биргаликдаги фаолиятини ташкилий тузилма тарзида ташкил этишининг барқарор шакли ёки норматив жиҳатдан тартибга солинадиган қоидалар тизимидан иборатдир.
<b>Интервью –</b>	<b>бу, интервьюернинг респондент билан бевосита, мақсадга мувофиқ сухбати орқали маълумот олиш усулидир. Фойдаланиш даражаси ва олинган маълумотнинг ишончлилиги бўйича у энг асосий усуллардан саналади.</b>
<b>Иқтисодий фаол аҳоли –</b>	бу аҳолининг товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун ишчи кучини тақлиф этишини таъминлайдиган қисми. Иқтисодий фаол аҳоли сони иш билан бандларни ва ишга жойлашишга муҳтоҷ шахсларни ўз ичига олади.
<b>Иқтисодий нофаол аҳоли –</b>	ишчи кучи таркибига кирмайдиган меҳнатга қобилиятли аҳоли. Унинг жумласига қуйидагилар киради:
•	• Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган ўқувчилар ва талабалар, ўқув юртларининг тингловчилари ва курсантлари;
•	• Уй хўжалигини юритишда, болаларни, бемор қариндошларини парвариш қилишда банд бўлганлар ва агар

	даромад келтирадиган иш таклиф қилинса, шу ишга киришиш имконига эга бўлмаган бошқа шахслар;
•	• Ишлашни истамаётган, иш билан ихтиёрий равишда банд бўлмаган шахслар шунингдек, ишлашни ицайдиган, лекин ишга жойлашиш ёки ўзини мустақил даромад билан таъминлаш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмайдиган шахслар.
<b>Мартаба –</b>	бу, ҳақиқатдан эгалланадиган босқичлар (лавозимлар, иш ўринлари ва жамоадаги мавқелар) изчиллигидир.
<b>Мажбурий ишсизлик</b>	турлари ишсизликнинг ишчи кучига алоқадор бўлмаган ҳолда келиб чиқишини тавсифлайди.
<b>«Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси» -</b>	бу, иш берувчи ва ёлланма ходимларнинг меҳнат жараёнида юзага келадиган иқтисодий ва ижтимоий муносабатларини ифода этадиган фандир.
<b>Меҳнат –</b>	бу инсоннинг бирон-бир мақсадга мувофиқ ижтимоий фойдали фаолиятидир.
<b>Меҳнат мазмуни –</b>	бу ишларнинг касбий мансублиги, уларнинг таркибий мураккаблиги, бажаришдаги изчиллиги билан белгиланадиган меҳнат элементлари бўлиб, ходимнинг меҳнат предметлари ва воситалари билан ўзаро муносабатга киришувиdir.
<b>Меҳнат редукцияси –</b>	бу мураккаб меҳнатни оддий меҳнатга айлантириш демакдир.
<b>Меҳнат фаолияти -</b>	бу инсоннинг бирор меҳнат тури билан банд бўлиши тушунилади.
<b>Меҳнат тақсимоти –</b>	бу ҳар хил меҳнат турларининг бир-биридан ажратилишини, пировардида ишлаб чиқаришда иштирок этувчи турли гурух кишиларнинг хилма-хил меҳнат фаолиятлари билан банд бўлишидир.
<b>Меҳнат кооперацияси –</b>	бу меҳнат фаолияти жараёнидаги алоҳида ихтисослаштирилган ижрочилар ўртасидаги алоқаларнинг ўрнатилиши ва меҳнат фаолиятининг ташкил этилишидаги энг муҳим элементлардан биридир.
<b>Меҳнат ресурслари –</b>	бу ўзининг ақлий ва жисмоний меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этадиган меҳнатга қобилиятли кишилар тўпламидир.
<b>Меҳнат бозори –</b>	бу, меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган қисмлари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳамда уларнинг шахсий манфаатларини ҳисобга олувчи контрактлар (меҳнат келишувлари) асосида “меҳнатга қобилиятларини” харид қилиш - сотишни амалга оширувчи, шунингдек, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита тартибга солувчи, бозор иқтисодиётининг мураккаб, кўп аспектли, ўсуви ва очик ижтимоий-иқтисодий тизимчасидир.
Меҳнат бирлигининг бозор баҳоси –	бу, иш ҳақининг миқдори (ставкаси) бўлиб, у шартномада белгилаб қўйилади ва муайян вақт бирлиги ичida бажариладиган ва муайян касб-малака хусусиятларига эга бўлган меҳнатга тўланадиган ҳақ даражасини белгилаб беради.
Меҳнатни нормалаш –	бу, илмий асосланган меҳнат харажатларини ва унинг

	<b>натижаларини: вакт нормалари, сони, хизмат кўрсатишнинг бошқарилиши, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг нормаланган топшириклари нормаларини аниқлашдир.</b>
Мехнат унумдорлиги –	<b>бу, ходимлар мехнат фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичидир. У ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар миқдорининг мехнат харажатларига нисбатан, яъни мехнат харажатлари бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот билан белгиланади.</b>
Мехнат унумдорлигини ошириш заҳиралари (резервлари) –	<b>бу, техника ва технологияни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш, мехнат ва бошқарувни ташкил этишни яхшилаш ҳисобига мехнат унумдорлигини оширишнинг барча омилларидан янада тўлароқ фойдаланиш имкониятидир.</b>
<b>Мехнатга муносабат –</b>	<b>бу, мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, уч элемент бирлиги: мехнат муомаласи сабаблари ва йўналишлари; реал ёки ҳақиқий меҳнат муомаласи; ходимларнинг меҳнат фаолиятига оғзаки баҳо беришидан иборатdir.</b>
Мехнатдан қониқишил ҳосил қилиш –	<b>бу, ходимнинг меҳнат мазмунига, характеристири шарт-шароитларига қўядиган талабларининг мувозанатли ҳолати, бу талабларни амалга ошириш имкониятларига субъектив баҳо беришдир.</b>
<b>Мехнатга мослашиш (кўнизиш)</b> –	<b>бу, шахс янги меҳнат вазиятини ўзлаштиришининг ижтимоий жараёни бўлиб, унда шахс ва меҳнат муҳити бир-бирига фаол таъсир кўрсатади ва мослашувчи-мослаштирувчи тизимлар ҳисобланади.</b>
<b>Мотив (сабаб – французча motif - ундаш маъносини билдиради)</b> –	<b>бу, шахсни, ижтимоий гурӯҳни, муайян эҳтиёжларни қондириш истаги билан боғланган кишиларнинг бирлигини фаолликка ва меҳнат қилишга ундашдир.</b>
<b>Мотивация (сабабни асослаш) –</b>	<b>бу, реал меҳнат хулқ-атворини тушунтириш, асослаб бериш учун сабаблар (мулоҳазалар) танлашга қаратилган оғзаки хатти-харакатdir.</b>
Мартаба –	<b>бу, инсоннинг иш билан баглиқ йиллари мобайнида меҳнат тажрибаси ва фаолияти тааллуқли, алоҳида англаб етилган нуқтаи назари ва хулқ-атворидир (эгаллаган лавозимларидаги, иш ўринларидаги изчилиқ, меҳнат ташкилотидаги мавқеининг аҳволи).</b>
Омиллари –	<b>бу, меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига таъсир кўрсатадиган харакатлантирувчи кучлар ёки сабабларидир.</b>
<b>Оукен қонуни -</b>	<b>ищизликнинг табиий даражаси 1 фоизга ошганда ялпи миллий маҳсулот 2,5 фоизга камаяди ёки 2,5 фоиз ялпи миллий маҳсулот йўқотилади.</b>
<b>Табиий ищизлик</b>	<b>дейилганда ишчи кучи ҳаракати ва унинг маълум бир жамият аъзоси сифатидаги меҳнат хулқига алоқадор бўлган иш билан банд бўлмаганлик ҳолатига айтилади.</b>

<b>Таркибий</b>	ишизлик ишчи кучига бўлган таклиф умумий таркибининг ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, унинг тармоқлар бўйича тақсимланиши ўзгаришига олиб келади. Бу, одатда, баъзи касблар ва тармоқларнинг пайдо бўлиши, баъзиларининг йўқолиши, гоҳида эса тармоқлардаги иктиносидий кризислар туфайли меҳнат заҳиралари қайта тақсимланиши билан боғлиқ.
<b>Тўлиқ иш билан таъминлаш –</b>	бу, касбга оид меҳнат билан таъминланиш бўлиб, у шахсга даромад келтиради ва ўзи ҳамда оиласининг муносаб турмуш кечиришига шароит яратади.
Турмуш даражаси –	<b>бу, аҳолининг зарурый, моддий ва номоддий неъматлар ҳамда хизматлар билан таъминланганлик даражаси, уларни истеъмол қилиш даражасидир.</b>
Турмуш даражаси тизими –	<b>бу, жисмоний, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларнинг ривожланиш даражаси, қондирилганлик миёси ва уларни қониқтириш учун яратилган имкониятларни акс эттирувчи комплекс ижтимоий-иктисодий категориядир.</b>
Тариф сеткаси –	<b>бу, разрядлар шкаласидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирига ўз тариф коэффициенти берилган ва ҳар қандай разряднинг тариф сеткасида ишнинг мураккаблигига қараб биринчи разрядга нисбатан ишнинг неча марта мураккаблигини кўрсатиб туради.</b>
<b>Тадқиқот муаммоси</b>	– бу, ижтимоий зиддиятларни ҳал этиш ва уларни тартиба солиш учун турмушнинг бирон бир жабҳасини ўрганишга бўлган эҳтиёждир.
<b>Умумий меҳнат тақсимоти -</b>	кишилар фаолиятининг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги меҳнат тақсимоти, бу соҳалар орасида эса, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, савдо, ҳалқ таълими, фан, давлат бошқаруви, маданият ва ҳоказолар ўртасидаги меҳнат тақсимотидир
<b>Хусусий меҳнат тақсимоти -</b>	бу умумий меҳнат тақсимотининг соҳалар ва тармоқлар ичидаги тақсимот.
<b>Ёлланма ходимлар –</b>	булар корхона раҳбарияти билан меҳнат фаолияти шартлари тўғрисидаги тузилган ёзма контракт (шартнома) ёки оғзаки битим бўйича ишлайдиган шахслар бўлиб, улар ана шу фаолият учун ёлланиш вақтида келишиб олинган иш хақини оладилар.
<b>Фрикцион</b>	ишизлик дейилгандан, ишчи кучининг бир иш жойидан бошқа иш жойига ишга ўтаётганда ишсиз қолиш ҳолатига айтилади.
<b>Шахснинг эҳтиёжи –</b>	бу, инсонда ҳаракатга интилишни вужудга келтирувчи бирор-бир нарсанинг йўқлигини англашдир. Унинг нормал ҳаёт кечириши учун озуқа, уй-жой, об-хаво зарур бўлса, хотин-қизларга эса уларнинг кўзга ташланиб туриши учун чиройли безаклар даркор.
<b>Эҳтиёжлар –</b>	бу, шахснинг яшаси ва ўзини-ўзи сақлашига доир зарур воситалар ва шарт-шароитлар яратиш тўғрисидаги ғамхўрлик қилиши, яшаш мухити билан барқарор мувозанатни сақлашга интилишдир.

<b>Қадриятлар –</b>	бу, субъект, жамият, синф, ижтимоий гурухнинг ҳаёт ва ишнинг асосий ва муҳим мақсадлари тўғрисидаги, шунингдек, ана шу мақсадларга эришишнинг асосий воситалари ҳақидаги тасаввурлариdir.
<b>Қизиқиши –</b>	бу, шахснинг у ёки бу нарсага қаратилган билиш эҳтиёжининг намоён бўлиш шакли бўлиб, бу ижобий ҳисстуйғу уйғотиши мумкин.
<b>Қобилият –</b>	бу, ходимда ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун касб малакаси мавжудлиги, етарли даражадаги жисмоний куч-қувват ва чидамлилик, уқувлилик; умумий маданият борлиги ва шу кабилардир.
<b>Экстраверсия –</b>	(extra - ташқари) шахснинг шундай психологик хусусиятларини кўрсатиб берадики, бунда шахс ўзининг қизиқишлирини ташқи омилга, ташқи обьектларга қаратади, баъзан буни ўзининг қизиқишлири, шахсий аҳамиятини пасайтириш ҳисобига амалга оширади.
<b>Этика(аҳлоқ) –</b>	бу, ижтимоий ҳаёт жараёнида рўёбга чиқариладиган универсал ва ўзига хос аҳлоқий талабалар ва хулқ-атвор нормалари тизимиdir.
<b>Ягона тариф сеткаси(ЯТС ) –</b>	бу, қўйи даражадаги ишчилардан тортиб ташкилот раҳбарларигача бўлган барча ходимлар меҳнатининг тарификацияси ва унга ҳақ тўлашдир.

## VI. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш

концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

- 16.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдагидаги“Қадимийёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сонли Қарори.
- 17.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4068-сонли Қарори.

### **III. Махсус адабиётлар**

1. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series B: Middle ages. – Oxford: Oxford University Press, 2020.– 1243 p.
2. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series C: New Era. – Oxford: Oxford University Press, 2020.– 1243 p.
3. Avery P. The Cambridge History of Iran. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020.– 871 p.
4. Bayly S. The Cambridge History of India. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020.– 1093 p.
5. Bose S. The New Cambridge History of Asia. – Cambridge: Cambridge University Press, 2 part. 2020.– 2062 p.
6. Brundage A. Going to the Sources: A Guide to Historical Research and Writing. – Oxford: John Wiley & Sons, 2017.
7. Bunch B., Hellemans A. The history of science and technology. – Boston – New York, 2004.
8. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: Europe. – Cambridge: Harvard University Press, 2019.– 1487 p.
9. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: North and South America. – Cambridge: Harvard University Press, 2019.– 1084 p.
- 10.Collins R. The Arab Conquest of Spain, 710–797.– Oxford: Blackwell Publishing, 2018.
- 11.David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
13. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.
- 12.Grant E. A Source Book in Medieval Science. – Cambridge: Harvard University Press, 2016.– 587 p. (Reprint).
- 13.H.Q. Mitchell, Marilena Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
- 14.Haskins C. H. Studies in the History of Mediaeval Science. – New York: Frederick Ungar Publishing, 2019. (Reprint).
- 15.Haskins C. H. The Renaissance of the Twelfth Century. – Cambridge: Harvard University Press, 2018. (Reprint).
- 16.Huntington S.P. The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. – New York: Simon and Schuster, 2017.– 358 p.
- 17.Mahmudov O. The beginning of the European renaissance // International Journal of

Research and Development. 2020. – Vol. 5 (7). Pp. 104-108. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4787>

- 18.Makhmudov O.V. The Toledo School – early center of investigation of the works Central Asian scholars in the Europe. – Saarbrucken: Lambert Academic Publishing, 2017. – p.193.
14. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooksAccoun 2015. - 134 pp.
- 19.Roberts J.M., Westad O.A. The History of the World. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1260 p.
- 20.Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 1. From Homer to Omar Khayyam. – Oxford: John Wiley & Sons, 2019. (Reprint).
- 21.Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 2. From Rabbi ben Ezra to Roger Bacon, Parts I-II. – Baltimore: Carnegie Institution of Washington, 2020. (Reprint).
- 22.Starr F. Lost Enlightenment: Central Asia's Golden Age from the Arab Conquest to Tamerlane. – Princeton: Princeton University Press, 2015.
- 23.Watt W. M. The influence of Islam on medieval Europe. (Islamic Surveys 9). – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2020. (Reprint).
15. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 editions 2015. - 350 pp.
- 24.Айдын Ариф оглы А. Хроники мусульманских государств I – VII веков хиджры. – Москва: Умма, 2018. – 448 с.
- 25.Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. I. История и историческое сознание. – Т.: Узбекистон, 2008.
- 26.Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
- 27.Большаков О. Г. История Халифата. – Т. 4. Апогей и падение арабского Халифата. – Москва: Восточная литература, 2018. – 368 с.
- 28.Габриэльян С. И. История стран Азии и Африки в новое время. – Ташкент, 2012.
- 29.Гулобод Қудратуллоқ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
- 30.Европа мамлакалари ва АҚШ 1640–1918 йилларда. / А.Холлиев таҳрири остида. – Тошкент: Университет, 2010.
- 31.Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
- 32.История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. / под ред. Е.Языкова. – Москва: Наука, 2015.
- 33.История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. II часть / под ред. Н.А.Родригес. – Москва: Наука, 2014.
- 34.История средних веков. / под ред. С.П.Карпова. – 1-2 ч. – Москва: МГУ, 2018.

- 35.Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
- 36.Лученкова Е., Мядель А. История науки и техники. – М.: Litres, 2017. – 431 с.
16. Матёкубов Х.Х. Хоразм воҳаси бронза асри ва илк темир даври тарихи. – Тошкент. 2017.
- 37.Моммзен Т. История Рима. – М.: Litres, 2020. – 591 с.
- 38.Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
- 39.Немировский А., Никишин В., Ладынин И., Новиков С. История древнего мира. Восток, Греция, Рим. – М.: Litres, 2020. – 786 с.
- 40.Проблемы истории и междисциплинарного синтеза. – М.: Litres, 2019. – 561 с.
- 41.Ртвеладзе Э.В. История государственности Узбекистана. – Ташкент: Узбекистан, 2009.
- 42.Русина Ю.А. Методология источниковедения. – Екатеринбург, 2015.
- 43.Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. – Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019.
- 44.Ханников А. Техника: от древности до наших дней. – М.: Litres, 2020. – 384 с.
- 45.Холиқулова Х. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларни ҳимоя қилиш сиёсати. – Ташкент. Mumtoz so’z, 2017.
46. Шейпак А. История науки и техники. – М.: Litres, 2020. – 513 с.

#### **IV. Интернет сайтлар**

- 47.Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
48. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
- 49.[www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
- 50.Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий сайти: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
- 51.Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг расмий сайти: <http://www.edu.uz/modules/wfchannel>
52. “Халқсўзи” газетаси – [wwwinfo XS. Uz](http://wwwinfo.XS.Uz).
53. “Туркистан” газетаси – [wwwturkistonsarkor.uz](http://wwwturkistonsarkor.uz).
54. “Маърифат” журнали – [wwwma'rifat-inform](http://wwwma'rifat-inform).
55. “Жамият ва бошқарув” журнали – [wwwrzultacademyfreenetuz](http://wwwrzultacademyfreenetuz).
56. “Мозийдан садо” журнали – [www moziy dostlink.Net](http://www moziy dostlink.Net)